


**И. Юсупов, Э. Мирзаалиев**



# **НАМАНГАН ШАҲРИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР**



Ўзбекистон Республикаси  
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги  
Наманган шаҳар ҳокимлиги  
Наманган вилоят ўлкани  
ўрганиш музейи

И. ЮСУПОВ, Э. МИРЗААЛИЕВ

# *Наманган шаҳри тарихидан лавҳалар*

Наманган - 2010

Ушбу китобда Наманган шаҳрининг вужудга келиши, Қўқон хонлиги, Чор Россияси даврида унинг иқтисодий ва маданий ҳаёти, чоризм истибодига қарши халқ ҳаракатлари ва меъморий обидалари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, китобда Наманганда туғилиб ижод қилган машҳур кишиларнинг ҳаёти ва ижоди ёритилган.

Китоб тарихий, археологик ва этнографик маълумотлар ҳамда илмий-оммабоп китоблар, журнал ва газеталарда чоп этилган мақолаларни ўрганиш ва таҳлил этиш воситасида ёзилган.

Китоб ўқувчи ёшлар, шаҳар тарихига қизиқувчи ҳамюртларимиз ҳамда шаҳримизга ташриф буюрувчи сайёҳлар оммасига мўлжалланган.

Китоб Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи қошидаги илмий-услубий "Олимлар кенгаши" ҳайъати томонидан нашрга тавсия этилган.

**Масъул муҳаррир:**

**Абдулла Расулов,**  
Тарих фанлари доктори.

**Тақризчилар:**

**Мўминжон Сулаймонов,**  
филология фанлари номзоди,  
доцент.

**Эркин Қорабаев,**  
вилоят ўлкани ўрганиш  
музейи бош муҳофизи.

**Латифа Аҳмадалиева,**  
вилоят ўлкани ўрганиш музейи  
тарих бўлими бошлиғи.



## К И Р И Ш

*Мадомики, ўз тарихини билган, ундан рухий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур.*

**Ислом Каримов.**

Ўзбекистон ўзининг юзлаб катта - кичик шаҳарларига эга. Уларнинг бири қўхна ва қадимий бўлса, иккинчиси ёш ва навқирондир. Бу шаҳарлардаги ҳар бир бино, ҳар бир майдон, ҳатто ҳар бир тош ҳам не - не сирлар гувоҳи, десак муболаға бўлмас.

Ана шундай шаҳарлардан бири Намангандир. Наманган Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан бири бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга. У табиати, иқлими, географик ўрни ва аҳолиси билан ажралиб туради. Наманган Фарғона водийсининг шимолида, денгиз сатҳидан 450 метр баландликда жойлашган.

Шаҳар территорияси 85,5 минг квадрат метрдан ортиқ бўлиб, жарлик ва ўзанлар билан кесилган. Шаҳар Намангансой, Янгиариқ, Шимолий Фарғона канали, Жийдакапа ва Учқўрғон - Наманган сув узатиш иншооти орқали ичимлик суви билан таъминланади. Унинг иқлими кескин континентал бўлиб, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши сернам ва юмшоқ.

Наманган шаҳри ўтмишда ўрта аср қобиғидаги шаҳар бўлиб, унда 12 чақирим тош терилган кўча ва 3 чақиримча йўлаклар бўлган. Уларни 100 та керосин фонус ёритган бўлса, ҳозирги кунда замонавий магистрал кўчалар, проспектлар ҳамда бинолар, фавворалар, шунингдек, "Ёшлар мажмуаси" худудида жойлашган 3350 ўринли амфитеатр, "Пахлавон", "Алпомиш", "Динамо" спорт иншоотлари, "Навбахор" марказий ўйингоҳи, "Дельфин" сузиш ҳавзаси, "Ёшлар спорт мажмуаси", "Дўстлик" теннис корти ва кўплаб маданият уйлари, истироҳат боғлари, кинотеатр, театр, оммавий кутубхоналар ва музейлар фаолият олиб борапти.

1917 йилга қадар шаҳарда 13 та извош йўловчи ташиган бўлса, бугун 200 дан ортиқ замонавий автобус, енгил автомобиль ва маршрут таксилари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. 300 та масжид ва 20 та мадраса бўлган Наманганда ҳозир 3 та олий ўқув юрти, 16 та касб - ҳунар коллежи, 5 та академик лицей, 66 та умумтаълим мактаблари ёшларимизга билим сирларини ўргатмоқда.

Шаҳар ўзининг кўркем архитектура ёдгорликларига эга. Чунончи, бу ерда давлат муҳофазасига олинган 60 тага яқин тарихий ёдгорлик бўлиб, шундан 21 таси меъморий обидадир. Булар ичида XVIII асрнинг иккинчи ярмига мансуб Хўжа Амин ансамбли, 1806 йилда қурилган Мавлон бобо ёки Мавлонбува комплекси, 1910 - 1912 йилларда барпо

этилган Мулла Қирғиз мадрасаси ва Отавалихонтўра масжидлари, Қодирхўжа Эшон уйи ва бошқалар ўзининг гўзал архитектураси ҳамда мафтункорлиги билан бир - биридан ажралиб туради.

Наманган ҳам бошқа қўҳна шаҳарлар каби ўзининг бой ўтмиши, тарихига эга бўлиб, асрлар давомида бутун водийнинг, қолаверса, Ўрта Осиёнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Бироқ Наманганнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига оид ёзма манбаларнинг ниҳоятда камлиги ҳамда археологик тадқиқотларнинг кенг кўламда ўтказилмаганлиги туфайли шаҳарнинг 1917 йилгача бўлган тарихи ҳозиргача тўлақонли ёритилмаган.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Юртимиз тарихи ҳар бир фуқарони, жумладан, ёшларимизни бой маданий меросимизни қадрлашга, уни кўз қорачиғидек авайлаб - асрашга, юрак - юракдан ифтихор қилишга ўргатади. Ўзимизнинг бой ўтмиш меросимиздан мадад ва ибрат олишга имкон беради. Одамлар қалбида эзгулик туйғуларини уйғотиб, бугунги авлод кимларнинг авлоди, кимларнинг зоти ва ворислари эканини англашга ундайди”.<sup>1</sup>

Шу боисдан Ватан тарихини, жумладан, ўзи туғилиб ўсган жой тарихини ҳар томонлама, чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга молик вазифадир. Мамлакатимизда мустақиллик шарофати туфайли боғчалардан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган таълим - тарбия тизимларида “Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитишга давлат даражасига кўтарилган вазифа сифатида катта эътибор берилмоқда, ғамхўрлик қилинмоқда. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантиришда ахлоқий тарбия ва ибрат мактабига айланмоқда.

Ушбу китобда тарих ўқитувчилари, талабалар, мактаб ўқувчилари ва қолаверса, бутун жамоатчилик, шаҳримизга ташриф буюрган зиёратчи меҳмонлар Наманган шаҳар тарихини билишга бўлган қизиқишларини ҳисобга олиб, ҳозирда мавжуд археологик кузатиш ва текшириш маълумотларига суянган ҳолда ҳамда сочма архив материаллари, турли қўлёзма ва китоблардан фойдаланиб, Наманганнинг қисқача тарихини ёритишга ҳаракат қилдик.

---

1. И. А. Каримов “Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида”. Т.6. “Ўзбекистон”, 1998, 371 - бет.

## НАМАНГАН ВОҲАСИНИНГ ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАРИ

Наманган вилояти ҳудуди инсоният цивилизациясининг энг қадимий минтақаларидан ҳисобланади. Кўпгина тарихий ёдгорликлар, хусусан жез (бронза) даври манзилгоҳлари, қабристонлар, антик ва ўрта аср қалъа ва шаҳарларининг қолдиқлари, асрлар давомида виқор тўкиб турган меъморчилик обидалари ана шуни тасдиқлайди. Археолог олимлар Ўрта Осиё шаҳарларининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихининг айрим давларини аниқладилар. Бу мавзуда В.М.Массон, А. А. Асқаров, Б. А. Литвинский, В. А. Заднепровский, Н. Н. Негматов, Ю. Ф. Буряков, Т. Ш. Ширинов, А. Анорбоев каби археолог олимлар тадқиқотлари мавжуд.<sup>1</sup>

Кейинги пайтларда Ўрта Осиёда шаҳарлари тарихи борасида катта ишлар олиб бораётган академик А. А. Асқаров ва тарих фанлари доктори Т.Ш.Шириновларнинг хулосаларига кўра, Фарғона водийсида шаҳарларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши бутун Ўрта Осиёдаги каби умумий хусусиятлар билан бирга ўзига хос томонларга ҳам эгадир. Атрофи табиий равишда ўралган водий қисман умумий жараёнлардан йироқроқ бўлган. Узоқ йиллар олиб борилган археологик тадқиқотларга кўра водийда илк шаҳарлар пайдо бўлиши бошқа жойлардагидан, айтайдик, Бахтриядагидан кейинроқ рўй берган. Қадимги шаҳар белгилари ҳам бошқа минтақаларникидан кам бўлса-да фарқ қилади.

Водийда шаҳарсозлик маданиятининг дастлабки унсурларини қадимги деҳқончилик - Чуст маданияти ёдгорликларида учратамиз. Бу маданият дастлаб ва энг кўп ўрганилган ёдгорликлар номи билан Чуст маданияти деб аталади. Энг биринчи ўрганилиб, фанга киритилган Чуст даври ёдгорликларининг Фарғона водийсидан топилган харобалари тарихий - археологик ва хронологик жиҳатидан сўнгги бронза (жез) даврга мансубдир.

Чуст ёдгорлиги асосан эрадан аввалги иккинчи минг йилликнинг охири - биринчи минг йилликнинг биринчи ярмига тўғри келади. Бу манзилгоҳлар ичида энг машҳур ва яхши ўрганилган мавзе Чуст шаҳридан 2,5 км шимолда, Фовасой соҳилида жойлашган. Халқ тилида Буонамозор номи билан юритиладиган бу манзилгоҳ дастлаб археологлардан М.Э.Воронец ва В.И.Спришевскийлар томонидан ўрганилиб фанга киритилди. Чуст маданияти кишилари ўтроқ ҳаёт кечирганлар ва деҳқончилик қилганлар, уларнинг хўжалик юритиш даражаси анча юқори бўлган, чорвачилик, тўқувчилик ва металл ишлаш билан шуғулланганлар.

1. Б.Х.Матбоев, Р.Т. Шамсуддинов, А.Мамажаёв. "Буюк Ипак йўлидаги Фарғона шаҳарлари", - Андижон, " Мерос", 1994, 13-бет

Шунинг учун Чуст азалдан хунармандлар шаҳри, у ўз усталари ва улар ясаган буюмлари билан машҳур бўлган. Бурчмулла томондаги жез конларидан карвонларда руда келтириб, Чустда қайта ишлангани, керакли жез, пўлат тахталар тайёрлангани маълум.

Бурчмулладан Чустга олиб келадиган Эшак карвон йўлини “Ҳархун” - “Эшак қони” деб аталишини ҳозир ҳам ёши улуглар эслайдилар. Йўлнинг бундай ном олишига, узоқ масофадан оғир юк билан келаётган эшакларнинг усти яғир бўлиб, йўлга қон томиб келганлиги сабаб бўлган дейишади. Чустда 48 та сандонда усталар 4 - 5 шоғирдлари билан ишлаганлар. Бибионамозори атрофида усталарнинг анжумани ва сайиллари яқин кунларгача ўтказиб турилган.

Академик Т. Қори-Ниёзий “Улуғбек ва унинг мероси” асарида: “Археологик қазилмалар шуни кўрсатадики, мазкур топилмалар эраמידан аввалги икки мингинчи йиллар ўртасига оид бўлиб, Чуст аҳолиси ўша замонларда тараққиётнинг олий даражасида бўлган”, - деб ёзади. Бу қадимий шаҳардан сопол идишларнинг 35 хил намунаси топилган. Демак, бундан уч-уч ярим минг йиллар муқаддам Чустда ҳам хунармандчилик, маданият ривожланган, ундан кейинги даврларда яна-яна тараққий этиб борган.

Пахса деворли уйлар ҳамда чайла типидagi иморатлар уларнинг истиқоматгоҳи бўлган. Деҳқонларнинг манзилгоҳлари пахса ва хом ғиштдан ишланган қалин, мудофаа деворлари билан ўралганлиги бундан 30 аср олдин водийдаги шаҳарсозлик маданиятини дастлабки босқичи билан боглаш имконини беради.

Х.Санақуловнинг “Чуст” номли оммабоп тарихий - этнографик рисоласида<sup>1</sup> “Чуст” (қадимги Туз) шаҳри, - деб кўрсатилади. Архив маълумотларида айтиладики, Наманган уездига қарашли шаҳар бўлиб, Сирдарёдан 12 верст узоқликда жойлашган. Шаҳар ва унинг атрофи Ғова дарёсидан суғорилади. Туз жуда қадимдан Фарғонанинг бошқа аҳоли пунктларидан ўз аҳамиятига кўра ажралиб туради.

---

1. Х.Санақулов. “Чуст” (Тарихий - этнографик лавҳа), Тошкент, 1991, 12-13 бетлар.

Хаққулбод шаҳри яқинида милоддан аввалги 1 минг йиллик ўрталарида бунёдга келган шаҳри Ҳайбар (Ойлатон) харобалари сақланган. Ундан топилган сопол идишлар шаҳарда ҳунармандчилик маданияти юқори даражада бўлганлигини кўрсатади.

Қадимий Боб (ҳозирги Поп шаҳри) Фарғона водийсининг Косон, Аҳсиқент, Қува синғари шаҳарлари билан бир даврда шакллана борди. IX асрга келиб воҳанинг йирик шаҳарларидан бирига айланди.

IX - XI асрларда яшаган араб сайёҳлари Ибн Хордадбек ва Истаҳрий томонидан битилган ёзма манбаларда Поп сўзи "Боб" деб тилга олинган бўлиб, бу арабча "Дарвоза" маъносини англатади. 983 йилда ёзилган номаълум муаллиф қаламига мансуб "Худуд - ул олам" ("Олам чегаралари") номли китобнинг "Мовароуннаҳр вилояти ва унинг шаҳарлари" деб номланган қисмида "Поп" сўзи ёзилиб, у шимолий Фарғонанинг савдо йўлида жойлашган обод шаҳарларидан бири сифатида таърифланган.

Археологлар 1987 йилдан буюн Поп атрофидаги бир неча ёдгорликда (Баландтепа, Мунчоқтепа - Айртон, Қирқ Хужра), текширув - қазув ишлари олиб бормоқдалар. Бу ёдгорликлар милодий эрдан олдинги зранинг охириларида то 13 -14 асрларгача бўлган даврга тааллуқли. Попнинг қадимги даври учун Баландтепадаги қазилма ишлари муҳимдир. Поп шаҳри ҳозирги Санг қишлоғи ўрнида милоддан олдинги III - II асрлар оралигида мавжуд бўлганлиги қайд этилади. Мунчоқтепа топилмалари Поп шаҳри ёхуд кўрғони қачон ва қаерда бўлганлигини аниқлашга имкон бермоқда. Бинобарин, Поп шаҳри милоднинг бошларида Сирдарёнинг ўнг соҳилида, ҳозирги Ғовасой воҳасининг энг сўлим жойларидан бирида вужудга келганлиги маълум бўлмоқда.

Кўҳна Поп археологлар учун чинакам хазинадир. 1988 йили археолог Абдулҳамид Анорбоев бошчилигида қўлга киритилган топилма барчани ҳайратга солди. Исломгача, яъни V - VII асрларга оид қамиш тобутлар топилиши ерли аҳолининг дафн маросими ўзига хос бўлганлигини исботламоқда. Қазилмалар орасида ингичка толали пахта, ўқ - ёй, ўша даврдаги мусиқа маданиятидан далолат берувчи мураккаб йиғма най, кетмон дастаси, этик қолипи ва кўплаб рўзғор буюмлари борлиги шаҳар аҳлининг анъана ва удумларидан далолат беради.

Шаҳарнинг кейинги ривожини 9 -13 аср бошлари Айртон (бу ҳозирги Баландтепанинг шимолий ва ғарб томонлари) шаҳари харобаси билан боғлиқ. Бу ердан шаҳар водопроводи қолдиғи (хубурлар) ва темир эритадиган хумдонлар чиқди. Худди шу даврда араб манбалари бўйича



Боб (Паб) шахридан Ахсикентни Жанубий Фаргона билан боғловчи йўл ўтган. Шаҳар кейинги даврларда аста - секин ҳозирги Поп тумани марказининг жанубий чегарасигача кенгайиб бораверган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида Поп кўрғони ҳақида маълумотлар учрайди. Унда таъкидланишича: “Ахсининг берк кўрғонларидан бири Поп кўрғонидир. Попликлар Поп кўрғонини беркитиб, бизга киши йиборибтурлар” деган жумлаларни ўқиш мумкин.<sup>1</sup>

Демак, ҳозирги туман маркази Поп дастлаб Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги Баландтепа ўрнида, кейинчалик Айртом шахри деб аталувчи ёдгорлик билан боғланган. Археологик маълумотларга кўра ҳозирги Поп шахри қарийиб 2000 йиллик тарихга эгадир.<sup>2</sup>

Ўрта Осиё шахарлари орасида эрамиздан аввалги III асрдан эрамизнинг V асригача ҳарбий - сиёсий ва иқтисодий марказ бўлиб турган Косон шахри алоҳида ўрин тутати. Қадимги Фаргонанинг пойтахтларидан бўлган Косон Кушон империяси даврида анча юксалган. Академик В.В.Бартольднинг ёзишича, V асрларда ҳам “Фаргонанинг асосий шахри бўлган Косоннинг айланаси бор - йўғи 4 ли эди” (4 ли 1,5 км.га тенг). Профессор А.Н.Бернштам томонидан текширилган қадимги Косон шахри ҳақиқатдан ҳам Кушон династиясининг (эр.аввалги I асрда) Шимолий Фарғонадаги пойтахти бўлган. Хитой манбаларида Кэсай деб аталган Косон турк хоқонлиги даврида турк князларининг қароргоҳи (резиденцияси) бўлган. Турк хоқонлиги ҳалокатга учраганда ҳам у бутун водийнинг маркази эди.<sup>3</sup>

Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, Муғтепа Косонсой шахри яқинида жойлашган, майдони унчалик катта эмас. Ёдгорлик икки қисмдан иборат: арк (кўрғон) ва шахристон. Ҳар иккала қисми ҳам кузатув миноралари билан таъминланган мудофаа девори ўраб туради. Шахристоннинг жануби - ғарб томонида арк ажралиб туради, эрамизнинг бошларига ва сўнгги ўрта асрларга оид материаллар топилган. Шахристонда қидирув ишлари олиб борган тадқиқотчилар фикрича бу жой жуда усталик билан ҳимоя қилинган, яъни душман ҳужуми кутиладиган томон қўшимча девор билан мустаҳкамланган. Бу нарса ганимларни ҳар иккала мудофаа деворидан туриб бемалол қайтариш имконини берган. Чунки, шаҳар дарвозаси шу жойда бўлиб, агар душман

---

1. “Бобурнома”, Тошкент, 1966, 166 - бет.

2. Б.Х. Матбобоев, Р.Т.Шамсутдинов, А.Мамажонов. “Буюк Ипак йўлидаги Фарғона шаҳарлари”, Андижон, “Мерос”, 1994, 42-бет.

3. Й.Қосимов. “Наманган тарихидан лавҳалар”, Тошкент, “Фан”, 1990, 7-бет.

шаҳар дарвозасидан кирган тақдирда ҳам ичкарига ўта олмас эди ва ўзига хос “қопқонга” тушарди.

Умуман, профессор А.Н.Бернштам фикрича, Муғ қалъаси жойлашиши, ўлчамлари ва кучли деворлар билан ўралгани учун Фарғонанинг ўзига хос “Ҳарбий пойтахти” дейиш мумкин. Бу ерда асосан ҳарбий бошлиқлар ва аскарлар яшаган бўлиши керак. Ушбу қалъа - шаҳарчага бунчалик эътибор берилишига сабаб шуки, Муғ кўчманчилар билан деҳқонлар, кўшни давлатлар Сўғд ва Чоч ўртасида ўзига хос кўприк эди.

Арабларнинг 8-9 аср бошларидаги босқинчилик юришлари оқибатида Муғ қалъада ҳаёт тўхтади. Аҳоли, археологларнинг фикрича, ҳозирги шаҳар - Қосонсой ўрнига келиб ўрнаша бошлайди.

Қосон тарихидаги мажбурий узилиш унинг кейинги тарихига таъсир қила олмайди, шаҳар ўз мавқесини аста - секин тиклай бошлайди. Қадимги даврлардан бошлаб бу ерда одамлар ўтроқлашиб, турли хилдаги хунармандчилик билан шуғулланиб келганлар. Қорахонийлар даврида бинокор усталар меъморлик обидаларини яратганлар. Ўша вақтда Қосонга қарашли бўлган Сафед булон қишлоғида жаҳон аҳамияти молик меъморлик ёдгорликлари қад кўтарган. Бу мажмуага X аср охирларида қурилган “Шоҳ Фозил”, XVII аср охирларида қурилган “Бу булон”, “Каллахона” мақбаралари ва бошқалар киради. “Шоҳ Фозил” мақбарасининг ички деворларига ниҳоятда чиройли нақшлар ишланган.

Ахсикент сўнгарини Қосонга, Сафед булонга ҳам буюк соҳибқирон Амир Темури қадами теккан. “Улуғ бобокалонимиз мўғулларга ёки шарқий Туркистон ҳукмдори Қамариддинга қарши кураш пайтида, 1971-1985 йиллар орасида Қосонсойдан уч марта ўтганлар”, - дейди темуршунос олим, тарих фанлари доктори, профессор Т.Файзиев. - “Бир ўтишларида Сафед булон мақбарасининг нураб кетганлигини кўриб, қайта таъмирлашга фармон берганлар. Шундан сўнг Сафед булон мақбараси қайта тикланган”.

Шунингдек, Қосонсой марказида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Шулардан бири Султон Саид Жалолоддин Сомоний мақбаралар комплекси (10-12 асрлар). Қорахонийлар даврида Қосонда пул зарбхонаси бўлган, 9 - асрдан кейин Қосон ўз ўрнини бошқа бир йирик шаҳар Ахсикентга бўшатиб берган. Қосон шу тариқа олдинги доврўғини энди қайтара олмайди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Фарғона шаҳарлари қатори Қосон ҳақида ҳам тўхталиб шундай деб

ёзади: “Яна бир Косондир, Ахсининг шимолида тушибдир, кичикрак қасабадир”.<sup>1</sup>

Косон шаҳридан жануброқда Сирдарёнинг ўнг ёқилида қад кўтарган Ахсикат - Ахсикент шаҳри ҳам ҳарбий, ҳам сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ўлканинг энг катта шаҳарларидан бири бўлган.

Ахсикентнинг пойтахт сифатида Буюк ипак йўлининг гуллаб-яшнашида роли катта бўлган. Унинг харобалари Тўрақўрғон ва Жомашуй орқали ўтган Наманган-Фарғона йўлининг икки томонида, Сирдарёнинг ўнг ёқили бўйлаб чўзилиб кетган баланд тепаликлар кўринишида ётибди. Халқ орасида уни Эски Ахси деб атайдилар. Бу ёдгўрликнинг маданий қатламларида Фарғона халқларининг 2,5 минг йилга яқин ҳаёти ва маданиятига оид бебаҳо маълумотлар берувчи тарихий обидалар яширинган. Улар тарихимизнинг ўчмас саҳифалари, ўзбек халқининг маданий меросидир.

Эски Ахси ҳудудидаги археологик қазишмаларда аниқланишича, Марказий Осиёнинг бошқа йирик шаҳарлари сингари Ахсикентнинг ҳам ўз қалъаси, шаҳристон (ички шаҳар) ва рабоди (ташқи шаҳар) бўлган. Мелодимизнинг 10-11-асрларига келиб, унинг майдони 400 гектарга ётган. Унинг асосий қисмини вақтлар ўтиши билан Сирдарё суви ювиб кетган, қолгани қор ва ёмғир таъсирида текисланиб қолган. Фақат қалъанинг шимолий ва шимолий-шарқий қисми унча катта бўлмаган дўнглик шаклида сақланиб қолган. Бу ерда мудрофаа девори ва ҳандақ қолдиқлари кўзга ташланиб туради.

Шаҳристоннинг қуйи маданий қатламлари мелоддан аввалги 3-2-асрларга тааллуқли экан. Шаҳристон бу даврда қалинлиги 5 метрга яқин мудрофаа деворлари билан ўралган бўлиб, вақти-вақти билан таъмирлаб турилган. Кейинчалик, 100-150 йил давомида Ахсикент мудрофаа деворларининг қалинлиги 10 метрга, баландлиги 20 метрга яқинлашади. Бу даврда Фарғона ўзининг узумчилиги ва уйдан тайёрланган хилма-хил ичимликлари ҳамда учқур-самовий тулпор отлари билан бутун Шарққа машҳур бўлган. Хитой манбаларининг хабар қилишича, Хитой императори бир жуфт Фарғона тулпори унун бутун Синцзян вилоятини беришга рози бўлган экан.

Мелодий эрадан аввалги 2-асрдан бошлаб, яъни Чжан Цян саёҳатидан

1. З. М. Бобур, “Бобурнома”, Тошкент, 1960, 63-бет.

кейин Хитой манбаларида Фарғона ҳақида қизиқарли хабарлар учрай бошлайди. Масалан, тарихий йилнома ҳисобланган “Шицзи” мелодий эрадан аввалги 138 йилдан 90 йилгача бўлган воқеликларни ўз ичига олади. “Шицзи”нинг муаллифи Сума Цяннинг ёзишича, Фарғонанинг 70 га яқин катта ва кичик шаҳарлари бўлган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Хитой манбаларида катта қишлоқлар ҳам шаҳар деб тилга олинади. Ахсикент сингари пойтахт шаҳарлар эса ҳар томонлама ривожланади. Айниқса, милонинг 5-7 асрларида шаҳарда уй-жой қурилишига катта аҳамият берилади. Уйлар беш-олти хонали қилиб қурилган. Хона деворлари жуда силлиқ қилиб сувалган, баъзи уйларда сувоқ устидан рангли бўёқлар берилган. Ҳар бир хонадонда алоҳида ётоқхона, омборхона, ошхона, бир хилларида тоза сув қудуғи ҳам бор. Ётоқхоналарда девор бўйлаб кенг суфа, ерда эса сандалга ўхшаш иситгич ўчоқлар мавжуд. Бу даврга келиб қитъалараро йўл Ўзбекистон, жумладан Фарғона халқлари ҳаётида жуда муҳим рол ўйнаган.

Ўзбекистондаги, жумладан Фарғонадаги тинч ҳамда барқарор ҳаёт араблар истилоси натижасида бузилади. Лекин бу узоққа бормайди, 8-асрнинг охириларида ҳаёт яна аввалги тинчлик ва ривожланиш йўлига қайтади. Ахсикент сингари пойтахт шаҳарлар янги ташкил топган Сомониёлар давлати ривожига муҳим рол ўйнай бошлайди. 8-9-асрнинг бошларида Ахсикент араб йилномаларида “Фарғона” деб номланган, яъни пойтахт шаҳар водий номи билан аталган. Илк араб йилномаларидан ҳисобланган ат-Таборийнинг “Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи” асарида (8-асрнинг бошларида) Фарғона водийсининг 5 шаҳри тилга олинади: Хўжанд, Косон, Боб, Қуба, “Фарғона”. Ат-Таборий Фарғона шаҳри ҳақида тўлиқ маълумот бермаган бўлса-да, лекин ўқувчи “Фарғона” шаҳри водийнинг пойтахти эканлигини сезиши мумкин.

Ибн Хордадбех ўзининг “Йўллар ва давлатлар” асарида, VIII асрнинг охири IX аср бошларида Боб билан Қубо шаҳарлари орасида “Фарғона” шаҳри жойлашганлигини ёзиб, унинг аниқ координатларини беради. Унинг ёзишича, Боб ва “Фарғона” шаҳарларининг орасидаги масофа 4 фарсахга, ундан Қубо шаҳригача эса 10 фарсахга тенг бўлган (Ибн Хордадбех, 1986). Агар бир фарсах 8 км.га тенг деб олсак, унда Бобдан “Фарғона” шаҳригача 32 км, “Фарғонада” дан Қубогача 80 км. бўлади. Зеро, ҳозирги Поп ёдгорлигидан Эски Ахси ёдгорлигигача бўлган масофа 32-35 км.га, Эски Ахси ёдгорлигидан то Қуба шаҳри харобаларигача эса 80-85 км.га тенг. Кўришиб турибдики, ҳеч иккиланмасдан Ибн Хордадбех асарида кўрсатилган “Фарғона” шаҳри ҳозирги Эски Ахси ёдгорлиги ўрнида бўлган, деган хулосага келиш мумкин (Анорбоев, 2001 А). Демак, VIII асрнинг бошларида ат-Таборий тарихи бўйича Ахсикент шаҳри араблар истилоси арафасидан то IX асрнинг ўрталаригача водий номи билан “Фарғона” деб аталган.

XI асрга келиб Қорахонийлар томонидан сиёсий пойтахт Ахсикентдан Ўзгандга кўчирилади. Лекин археологик материалларининг таъкидлашича, Ахсикент XI -XII асрларда ҳам аввалгидек, бутун Фарғона водийсининг

иқтисодий маркази, Буюк ипак йўли бўйлаб жойлашган энг йирик шаҳарлардан бири бўлиб қолаверади. Бу ерга Хитойдан, Ўрта ер денгизи атрофи мамлакатларидан, Ҳиндистондан узлуксиз савдо қарвонлари келиб турган. Бу эса Аҳсикентнинг иқтисодий, маданий ривожланишига ҳамда гуллаб-яшнашига асос бўлган.

XIII асрда ўлкага ёпирилиб келган мўғул босқинчиларига қарши Аҳсикент халқи қаттиқ кураш олиб боради. Аҳсикентликлар душмanning босиб келишини кутиб ўтирмай, унинг йўлини тўсиб чиқадилар. Аҳсикент ҳокимининг соҳибжамол ва шижоатли қизи Қорақўз беканинг мўғулларга қарши курашда кўрсатган жасорати ҳақидаги маълумот ва ривоятлар мароқли ва ҳайрон қоларлидир. Хўжанд остонасида мўғуллар билан бўлаётган жангни эшитиб, Қорақўз беш юз найзабардор суворий йигитга бош бўлиб, саркарда Темур Малик етакчилигидаги қўшни шаҳар ҳимоячиларига мададга етиб боради. Ҳарбий машқларда ниҳоятда чиниққан жасур қиз юзига парда тутиб олиб, аскарлари билан бирга душман устига шердек ташланади. Ёвларнинг кўпини ер тишлатади. Бироқ, ўзи ҳам ярадор бўлиб йиқилади. Тезроқ она шаҳрига етказиб боришларини сўрайди. Аҳсикент йўлидаги даштликда қазо қилган Қорақўзни удумга мувофиқ, ўша ерга дафн этилади. Бу жойда кейинчалик Қорақўз номли қишлоқ бунёдга келади. Ватанпарвар қиз мозори қутлуг зиёратгоҳ бўлиб қолади. Аҳсикентликлар ўз шаҳарларини босқинчилардан мардона ҳимоя қилдилар. Аммо кўп сонли душман устун келади. Косон ва Аҳсикент шаҳарлари ҳокими Исмоил охиروقибат мағлуб бўлди. Мўғуллар шаҳарни харобага айлантирди.

Орадан маълум вақт ўтгач, Аҳсикент шаҳри янги ерда, Эски Аҳси ёдгорлигидан 5-6 км шимолий ғарбда, Якка йигит қишлоғи ўрнида, XV асрнинг иккинчи ярмига келиб темурийлар даври Аҳсикенти қад кўтаради. Темурийзода Умаршайх Мирзо (Бобур Мирзонинг отаси) учун бу шаҳар пойтахт қилиб танланади ва 1462-1494 йилларда у мамлакатни шу ерда туриб бошқаради. Умаршайх Мирзо 33 йиллик ҳукмронлиги даврида пойтахт Аҳсида кўплаб қурилиш ва ободончилик ишларини амалга оширади. Шаҳар кўрғонини мустаҳкамлайди. Мамлакат марказида ишлаб чиқариш, савдо, илм ва маданият тараққий этади, шаҳар иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривож топа боради.

Ўзбек мумтоз адабиётининг энг порлоқ сиймоларидан, жаҳон адабиётининг атоқли намояндаларидан бири, улуг шоир ва ноёир, заковатли олим, қомусий аллома, улкан давлат арбоби ва йирик саркарда Захириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14 феввалида Фарғона вилоятининг пойтахти Аҳси (Аҳсикент) шаҳрида темурийзода Умаршайх Мирзо оиласида дунёга келади.

Темурийлар асос солган Аҳси шаҳри 1620 йилда рўй берган фавқулудда кучли zilзила оқибатида ҳалокатга учраган. Косонсойлик

машхур географ ва табиатшунос олим Саид Муҳаммад Тоҳир ибн Абдул Қосим томонидан 1640 йилда ёзилган “Минтақалар ажойиботлари” (“Ажойиб ат - табоқат”) асарида ёзишича, муаллиф зилзила оқибатларини ўз кўзи билан кўрган. Мазкур тарихий манбада Ахсикентда рўй берган зилзила шундай тасвирланади: “Ҳижрий йили билан 1030 йилда Ахси вилоятида шундай зилзила бўлдики, Сирдарёдан чайқалиб чиққан сув дарё четидаги далани босиб кетди, сув билан чиқариб ташланган балиқлар типирчилади ва ўлди. Катта дарахтлар илдизи билан юлиниб, ерга тушди. Иморатлар қаттиқ ва тез - тез зилзиладан вайрон бўлиб, кўп одам йиқилган иморатлар остида қолиб ўлди. Кўп одамнинг оёқ - қўли синди, ҳайвонлар қўрқинчдан далаларга қараб қочди. Олти ойгача зилзила шундай бўлиб турди. Масалан: биринчи куни зилзила 70 мартагача бориб етди. Шуниси қизиқки, энг катта зилзила Ахси қўрғонининг ичида бўлиб, атроф қишлоқларда унча қаттиқ бўлмади”.

Ана шу вайронагарчиликдан сўнг шаҳар қайта тикланмади. Хароба ҳолида унинг қолдиқлари ҳозир ҳам Тўрақўрғон туманида, Сирдарё соҳилида сақланиб турибди. Тирик қолган аҳоли эса яқин атрофларга, шу жумладан, бугунги Наманган шаҳри томонларга ҳам кўчиб кетган. Ахси харобага айлангач, Шимолий Фарғонанинг сиёсий - иқтисодий ҳаётида Наманган шаҳри асосий роль ўйнайди.

## НАМАНГАННИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ МАСАЛАСИ ВА УНИНГ НОМИ ҲАҚИДА

“Мозий - аждодлар замони, бугуннинг барҳаёт волидаси. Ўзининг шавкатли тарихи билан фахрланмоқ кўҳна дунёнинг анчайин халқларига насиб этган эмас. Бу борада ўзбек деган қадим элнинг улуғлиги шуки, шону шавкатли ота - боболари, шарифа момолари билан қиёматгача ифтихор қилишга минг - минг карра ҳақлидир.

Наманган шаҳрининг ўтимиши ҳам шу Ватаннинг буюк тарихини исботловчи юзлаб, минглаб нақд далиллардан бири, албатта. Археологик топилмалар, тарихий манбалар шаҳар ҳудудида бундан 1000 йил бурунлари ҳам илм - фан ва ҳунармандчилик юксак даражада тарикқий толганидан шаҳодат беради”<sup>1</sup>.

Наманган шаҳри ҳақида бевосита қалам юргизишдан аввал, айрим тарихий манбаларга мурожаат қилсак. IX - X аср араб географлари ўз асарларида Фарғонадаги шаҳарларни санаб ўтадилар. Улар томонидан тузилган хариталарда эса X асрда Фарғона водийсидаги 39 та шаҳарнинг (улар харитада қишлоқларни ҳам шаҳар қаторига қўшганлар) номи санаб ўтилади. Булар ичида Ахсикент, Қува, Боб (Поп), Косон, Андуқон (Андижон) ва бошқа шаҳарлар бор<sup>2</sup>. Лекин негадир бу манбаларнинг бирортасида Наманган номи учрамайди. Аммо Наманган шаҳри ҳам Фарғона водийсидаги энг қадимий шаҳарлардан бири эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Алалхусус, сўнгги йилларда қурилиш коммуникация мақсадларидаги ер ишлари жараёнида шаҳарнинг ёшига аниқлик киритувчи бир қанча топилмалар қўлга киритилди.

Чунончи, сопол идишларни синиқлари археологларнинг фикрича X асрга тааллуқлидир. Улар ўзининг рангини ҳанузгача йўқотмаган. Шунингдек, кўҳна Ахсикент ва Афросиёб (Самарқанд) ғиштларига ўхшаш ҳажми катта пишиқ ғиштларнинг топилиши ҳам диққатга сазовордир<sup>3</sup>.

Ҳозир вилоят ўлкани ўрганиш музейида сақланаётган бу нодир ашёларни синчиқлаб ўрганиш ва мутахассислар ёрдамида шаҳарда илмий режа асосида археологик қазишмалар ўтказиш айна муддаодир.

Зеро, Президентимиз Ислом Каримов Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганларидек: “Фарғона водийсининг ўзида латиф шаҳар деб ном олган Қўқон, қадимий Андижон, гўзал Наманган, кўҳна Ахсикент каби тарихимизда чуқур из қолдирган шаҳар ва қўрғонларнинг номларини улуғлаш ва уларнинг ҳам қутлуғ саналарини кенг миқёсда нишонлаш, буларнинг барчаси бизнинг олдимизда турган катта вазифадир”<sup>4</sup>.

Бироқ нима учундир ҳанузгача бу иш турли сабаблар билан амалга ошмай келаётир.

1. Р. Уматов, “Видо манзили” (Эссе), Андижон, 2005, 3-бет.

2. А.И.Беленийский, И.Б.Бентович, О.Г.Большанов. “Средневековский город Средней Азии”. Л. 1973, ст 201-202.

3. “Наманган ҳақиқати”, 1981 йил 23 сентябрь.

4. “Халқ сўзи”.

Археолог Инқилоб Аҳроров бошлиқ Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти илмий ходимлари бундан 15 йиллар муқаддам шаҳарнинг Намангансой атрофларида, Чорсу қисмида ҳамда Хўжа Амин мақбараси худудида шурп ташлаш йўли билан бир неча жойларни қазиб кўришган. Дастлабки қазилар вақтида X - XI асрларга доир сопол буюмлари парчалари, пишиқ гишт намуналари, тангалар ва бошқа топилмалари қўлга киритилгани маълум.<sup>1</sup>

Бундан ташқари шаҳарни Сардоба даҳасида кўп қаватли уй учун қазилган катта чуқурдан маданий қатлам ва топилган буюмларнинг IX - XI асрларга тегишли эканлиги аниқланди. Шунингдек, 2006 йилнинг февраль ойидан Наманган шаҳрининг Чорсу даҳасида бошланган йўл - кўприк қурилиши муносабати билан қазилган 10 - 11 метрлик чуқурдан топилган ашёлар бу жойларда ҳам археологик маданий қатламнинг борлигини тасдиқлайди. Бунда академик А.Асқаровнинг хизматлари катта бўлди. У кишининг маслаҳатлари билан котлован кесмасида X - XI асрга оид бадраф очиб ўрганилди. Уни тозалаш вақтида бадрафнинг қўйи қисмидан X - XI асрларга оид нақшинкор сопол буюмлар ва қорахонийлар даврига оид мис чақалар топилди. Сополларда шу идишдан овқат еганларга барака, мўл - кўлчилик тиланган арабча кўфий ёзуви бор эди. Сополлар кулолчилик чархида бозоргир қилиб ишланган.

Асрлар давомида йиғилган маданий қатламлар 10 - 11 метрларга етади. Шаҳар типигадаги қатламлар 5 - 6 метр қуйида бўлиб, қазилган бадраф ҳам (кир ва аҳлат ўралари) шундан далолатдир. Ёр қатламидаги айрим жойларда XII - XIII асрларда сув ёки сел келиши натижасида пайдо бўлган ярим - бир метрлик қалинликдаги лойқа ва шагал - қум қолдиқлари ҳам учрамоқда.

Ҳозирги кундаги асосий топилмалар IX - XI асрларга, яъни Сомонийлар ва Қорахонийлар даврига мансуб буюмлар қолдиқларидан иборатдир. Бу топилмалар ичида Буюк Ипак Йўли ўтганлигини тасдиқловчи Византиянинг рангли шиша синиқлари ва кўфий ёзувли сопол идиш синиқлари характерлидир.

Шу билан бирга, Ахсикентда тайёрланган шиша идиш қолдиқлари, турли ўлчамдаги сопол қувурлар намуналари ҳам учрайди. Ота - боболаримиз қадимда тегирмон ўрнида фойдаланган тош ёргучоқлар ва шу каби тошдан ишланган меҳнат қуроллари кўплаб топилди. Булар Наманган шаҳрида 1000 - 1100 йил бурун ҳам ҳаёт қайнаганига шаҳодат.

Топилмалар ичида XII асрда қурилишда кенг қўлланилган 52x27x10 см ўлчамда бўлган катта гишт, яъни ўлчами 25x12x6 см бўлган Сомонийлар ҳамда Қорахонийлар даврида ишлатилган пишиқ гишт намуналари ҳам мавжуд. Бу Наманган шаҳри X - XII асрларда Ахсикент тасарруфидаги шаҳарлардан бир қасабаси, кенти бўлганлигидан далолат бермоқда<sup>2</sup>.

Мовароуннаҳрнинг муҳим вилоятларидан бўлган Фарғона, Ибн Ҳовқолнинг маълумот беришича, катта худудни ўз ичига олган ва кўплаб шаҳар ҳамда қишлоқларга эга бўлган. Унинг пойтахти Ахсикент бўлиб,

1. И. Аҳроров. "Свидетель старины". "Наманганская правда", 22 сентябрь, 1971 года.

2. Б. Рўзинов, С.Ражабова. "Наманган вилояти маданий меросидан лавҳалар". Наманган, 2006, 10-бет.



шаҳарда кўплаб бозорлар фаолият кўрсатарди.

Шаҳарнинг 5 дарвозаси бўлиб, улар Мердекуш, Косон, Жомеъ масжиди дарвозаси ва бошқалардир. Сомоний (XII аср) маълумотига кўра пойтахт Ахсикент Фарғонанинг энг гўзал ва озода шаҳарларидан ҳисобланган. Наманган шаҳридан 20 км жанубий - ғарбда жойлашган.<sup>1</sup>

Демак, Буюк Ипак Йўлини Бухоро - Самарқанд - Панжикент - Ўратепа - Чуст - Ахсикент - Ўзган - Ўш - Хитой йўналишларининг Ахсикент - Наманган - Учкўрғон - Жаллобод - Ўш - Хитой йўналишларида Наманган шаҳар Сардоба даҳаси Карвон саройи ва бозори ўзига хос аҳамият касб этганлигига шубҳа йўқ деб ҳисоблаймиз.

Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейидаги уловда сув олиб юриш учун мўлжалланган кўзанинг, Шимолий Фарғона канали кавланаётганда (1939 йил) Чортоқ ҳудудидан топилиши ва унинг эрамиздан олдинги IV - III асрларда ясалгани Буюк Ипак йўлининг ҳозирги Наманган шаҳрига ҳам туташганини билдирди. Чортоқ туманининг Ласкидон қишлоғида усти ёпиқ бозор (тим), турли ҳунармандчилик расталари ва карвонсаройлар бўлган.

Шу нуқтаи назардан шаҳар ўтмишини таҳлил қилсак, ҳунармандчилик билан боғлиқ кўчалар, мавзелар, даҳа ва маҳаллалар мавжуд. Уларда ҳунармандчилик ёки амалий санъатнинг у ёки бу соҳалари ишлаб турар ва улар тақачи, бўзчи, заргарлик, дегрезлик, дукчи каби номлари билан аталар эди. Бу эса ўз-ўзидан Наманган шаҳрида ҳунармандчиликнинг ривожланганлиги ва бу ҳунармандчилик маҳсулотлари Буюк Ипак Йўли савдо - сотиқ, бозор муносабатларида савдода қатнашганлиги, айтиш мумкинки, Наманган заминида деярли IX -X асрларда шаҳар ташкил топган ва ривожланишда давом этган.

Ана шу юқоридаги археологик ашёвий далиллар Наманган шаҳри сой соҳилида қишлоқ (поселение) сифатида X асрларда ҳам мавжуд бўлган, дейиш учун асос бўла олади. Бироқ ёзма манбаларда шу даврдаги Наманган ҳақида ҳеч қандай маълумотларни учратмаймиз. Профессор А.Н.Бернштам томонидан 1947 - 1949 йилларда Косонсой ва Ахсикентда ўтказилган археологик қазишмалари вақтида чиқарган илмий хулосаларга кўра, XI - XII асрларда Фарғона шаҳарлари, шу жумладан, Шимолий Фарғона шаҳар ва қишлоқлари территориясининг кенгайиши ва аҳолисининг кўпайиб борганлиги ҳақидаги фикрлари Наманганга ҳам тегишлидир.<sup>2</sup>

---

1. У. Мавлонов, Д.Махкамова. "Маданий алоқалар ва савдо йўллари". Тошкент, "Академик". 2004, 89-бет.

2. А.Н.Бернштам. "Древняя Фергана", Тошкент, 1951, с - 39 "К итогам работы археологической экспедиции", "За коммунизм", от 10 августа 1948 г, № 158

Бугун Наманган шаҳри қачон пайдо бўлган, деган саволга аниқ жавоб айтиш мушкул. Археологларнинг фикри ҳам шундай.

“Наманган” сўзининг этимологияси ва шаҳарнинг номи тўғрисида ҳам ҳозиргача ёзма маълумотлар ва аниқ илмий фикрлар йўқ. Наманган ҳақида баъзи китобларда умумий маълумотлар учраса-да, аммо улар ҳам турлича талқин этилади.


Чунончи, айрим тадқиқотчилар Наманган деган сўз биринчи марта З.М.Бобурнинг “Бобурнома” асарида тилга олинади, деб тахмин қиладилар<sup>1</sup>.

Кейинги йилларда Наманган тарихи бўйича олиб борилган изланишлар натижасида жуда қимматли маълумотлар топилди. Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида 6924 рақами остида бир ноёб қўлёзма сақланади. Мазкур қўлёзма X асрда яшаб ўтган истеъдодли тазкиранавис олим ва мутасаввуф Аҳмад бин Саъдуддин ал - Ўзганий ан - Намангонийнинг “Тазкирайи Буғрохоний” номли асаридир.

Мазкур асарда “Жомеъи Аҳмад бин Саъдуддин ал - Ўзганий ан - Намангоний” (яъни аввал ўзганлик, сўнгра намангонлик Саъдуддин ўғли Аҳмаднинг тўплами), деган сўзлар битилган. Бундан маълум бўладики, Саъдуддин бин Аҳмад X асрда Қорахоний сулолаларининг биринчиси Султон Сотун Буғрохон даврида Ўзганда яшаб, сўнгра Наманганга келиб яшаган. Бу ерда яшаб турган даврида “Тазкирайи Буғрохоний” асарини ёзган. Шунинг учун у охирида “ал - Ўзганий ан - Намангоний” нисбасини қайд этган. Бундан маълум бўладики, Наманган номи X аср ёзма манбасида зикр этилган экан<sup>2</sup>.

“Бобурнома” да ёзилишича, Бобур Косонсойдан келаётиб, Намангонга тушганлиги ҳақида тўхталиб, “Архиён Қўргонини (Архиён қўргони ҳозирги Тўрақўрган туманидаги Маданият саройи ўрнида бўлиб, Арғин - Сайрам қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли) ёвуқ қаталамоқни салоҳин топмай, бир шаърисида Ғазнаи Намангонга тушулди”<sup>3</sup>.

- 
1. Ҳ. Ҳасанов. “Ўрта Осиё жой номлари тарихидан”, -Тошкент, “Фан”, 1965, 48-бет.
  2. А. Убайдуллоҳ. “Наманган шаҳри 1000 ёшда”. “Наманган ҳақиқати” газетаси.
  3. З. М. Бобур, “Бобурнома”, - Тошкент, “Фан”, 1960, 130 - бет.



Афсуски, “Бобурнома” нинг бошқа бирор жойида Наманган сўзи учрамайди. Бобурнинг “Ғазнаи Намангон”<sup>1</sup> деб аташи нимани билдиради ва у нимага ишора қилмоқчи? Бизнингча, у Наманганнинг ғўзал табиати, ерининг серунумлиги, аҳолисининг меҳнатсеварлиги ва тўқлигини назарда тутган бўлса, ажаб эмас.

“Наманган” атамаси ҳақида турлича маълумотлар мавжуд. Шулардан эътиборлироғи Ибрatнинг “Фарғона тарихи” китобида келтирилади. Унинг ёзишича, Наманган шаҳри қад кўтарган жой қадимда бир тарафи дарё (яъни Норин), иккинчи тарафи эса тоғ этакларидаги адирларга тутшиб кетган кимсасиз биёбон бўлган.

Дарё томон буткул шўр бўлиб ётган кўл экан. Кейин бу ерлар Бухоро хони Абдуллоҳхон даврида (1557 - 1598) ўзлаштирилиб обод этилган. Унинг фармони билан тўрт даҳадан иборат шаҳар пайдо бўлган: Сардоба (Музхона), Чуқуркўча, Дегрезлик (қозон қуювчилар) ва Лаббайтоға. Шаҳарнинг дарё томони оппоқ туз билан қопланган ерлар бўлган. Шунинг учун шаҳар “Намаккон” (Тузкон) деб юритилган.

Ибрat Тўрақўргонийнинг бу фикрини тасдиқловчи бир далил шуки, ҳозир ҳам дарё бўйида Шўрқишлоқ деган қишлоқ мавжуд. Лекин “Намаккон” деган сўз бирорта араб имлосида ёзилган манбада учрамайди, мавжуд тарихий асарларда Намангон ёзилган. Шунинг учун Ибрatнинг юқоридаги фикрини тўла илмий асосланган деб айта олмаймиз. Наманганга Абдуллоҳхон даврида асос солинган дейилишига ҳам қўшилиш қийин.

Йўлчи Қосимов ёзгандики, сўнгги йилларда Наманганнинг эски шаҳар қисмида - Чорсуда ўтказилган археологик қазишмалар вақтида ҳеч қандай туз кони қолдиқлари топилмади ёхуд унинг аломатлари ҳам маълум бўлмади.<sup>2</sup>

Турк олими Ш.М.Сомий “Қомусул аълом” асарида Наманган ҳақида шундай ёзади: “Намангон: Туркистоннинг Фарғона вилоятидаги (яъни босиб олинган Қўқон хонлигида) ва Қўқоннинг 80 километр Шимолий шарқида, Сирдарё воҳасининг юқори томонида жойлашган, қозилиқ маркази мустаҳкам бир шаҳардир.

16,000 аҳолиси, 1000 дўконни ўз ичига олган ишлаб турган савдо маркази, пахта, ипак фабрикалари, йилига уч юз мингга яқин кўй сотиладиган, ишлаб турган ҳайвонот бозори ва атрофларида турли мевали дарахтларни ўз ичига олган боғчалари билан нефть, кўмир конлари бордир. У ер қабилаларнинг савдо - сотиқ маркази бўлиб, саноат ва деҳқончилик маҳсулотларини дарёдан соллар билан олиб ўтиб, олиб келадилар... Наманган эски бир шаҳар бўлиб, Фирдавсий Зол ўғли Рустамнинг Намангон шоҳлигига сафар қилганлигини ва ундан (Сухроб) туғилганлигини баён этгандир”<sup>3</sup>.

XIX асрда ёзилган турк олимнинг бу асари Наманган ҳақида қисқача маълумот беришига қарамасдан анча қимматлидир. Лекин Наманганни

1. Й. Қосимов, “Наманган тарихидан лавҳалар”, -Тошкент, “Фан”, 1990, 11 - бет.
2. Й. Қосимов, “Ўзбекистон тарихини ўқитишда Наманган шаҳар тарихи материалларидан фойдаланиш”, -Т. 1990, 13 - бет.
3. М. Диёрӣ, “Яна Наманган номи ҳақида”, “Наманган ҳақиқати”, 1974 йил 6 июль.

Фирдавсий “Шоҳнома”сида баён этган деган фикри мутлақо нотўғри. Чунки, Фирдавсий “Шоҳнома”да Наманган эмас, балки Самангон деб айтган. Саманган эса ҳозирги Афғонистоннинг шимолида Мозори Шариф вилоятида жойлашган шаҳардир<sup>1</sup>.

Маҳмуд Диёрӣ ўзининг “Яна Наманган номи ҳақида” мақоласида Ш.М.Сомийнинг юқоридаги фикрини таъкидлаб, Наманганни Фирдавсий “Шоҳномаси”даги Самангон деб таърифлайди. Аини пайтда у Наманган сўзининг негизи “Намак” эмас, “Наманг”дир дейди.

“Наманг” эса луғатда маржонга ўхшаш ўртаси тешилган мўнчоқ ёки олиболи (олвали) деб шарҳланади, деб ёзади. Афсуски, М.Диёрӣ бу шарҳни қайси китобдан ёки қайси луғатдан олганлигини айтмайди<sup>2</sup>.

XVII асрда яшаган ҳиндистонлик олим Муҳаммад Хусайн ибн Халаф Табризий ўзининг форсий - дарий тилида ёзган “Бурҳоне қотеъ” номли китобининг 2 - жилд 451 - саҳифасида бу сўзни шундай деб изоҳлайди: “Нумунк биринчи ва иккинчи ҳарфнинг зиммаси (яъни у - ҳаракати) нун ва коф ҳарфларининг сукуни (яъни ҳаракатсизлиги) билан маржонга ўхшаш қизил нарсадир”.

“Номни - бизамми аввал ва соний ва суруни нун ва коф чизоёт сурх ва шабийхо бемаржон”. М.Диёрӣнинг бу сўзни нотўғри ўқигани эҳтимолдан холи эмас. Чунки араб ёзувларида қисқа унли ҳарфлар аксарият ёзилмайди.

Шунинг учун бу ҳарфлар бирикмасини Наманк, Нуманк, Нумунк ва ҳоказолар деб ўқиш мумкин. Эски луғатларда бу сўзлар ичида фақат “Нумунк” сўзининг маъноси ёритилиб, қолганлариники эса берилмайди<sup>3</sup>.

Абдулҳамид Муҳаммаджонов “Наманган” топонимиясининг этимологияси ҳақида деган мақоласида “Наманган” атамаси уч қисмдан иборат: бош бўғини - “нав” (янги), ўрта бўғини, яъни атама - “ман”, охириги бўғини “гон” сифатдош қўшимчаси. Мақолада “нав” сўзи қўлланилган жой номлари келтирилган: Навобод, Навкад ёки Навқат, Навдиҳ каби. Шу асосда “Наманган” топонимининг бош бўғини “нав” талаффузида талқин этилса, шаҳарнинг номи аслида “Навманган” деб аталишига шубҳа қолмайди<sup>4</sup> дейилган.

Ҳамюртимиз филология фанлари доктори, профессор, йирик шарқшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳожи Исмаиллоҳ Абдуллоҳ “Наманган ҳақиқати” рўзномасининг 2009 йил 14 январь сонида “Наманган” атамаси ҳақида фикр билдириб: “мон” сўзи қадимги паҳлавий тилидан ўтган бўлиб, сарой, ўрда, манзил, уй маъноларини билдиради, - деб ёзади.

1. Й.Қосимов, “Ўша рисола”, 14 бет.

2. А. Муҳаммаджонов, “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 2003 йил, 5 - сон, 35 - 38 бетлар.

3. Ҳожи Исмаиллоҳ Абдуллоҳ, “Наманган атамаси ҳақида”, “Наманган ҳақиқати”, 14 январь, 2004 йил.

4. А.Муҳаммаджонов, “Наманган топонимиясининг этимологияси ҳақида”, “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 2003 йил 5 - сон, 35 - 38 бетлар.

Абу Мансур ас - Саолибийнинг (961 - 1037) XI аср бошларида араб тилида ёзилган "Йатимат ад-дахр фи моҳосин ахл ал - аср" ("Аср ахли фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси") тазкирасида Абу Бакр Балхийнинг тўрт мисра араб тилида ёзилган шеъри бор. Ўзбекча таржимасини берамиз:

"Ажамликлар ким бўлишидан қатъий назар, меҳмонни иззат қилганлари учун "меҳмон" деб атайдилар.

Уларнинг улуғи "моҳ" деб, манзиллари эса "мон" деб (аталади), меҳмон уларнинг уйида экан, уларнинг саййидидир".

Демак, "мон" сўзининг "манзил", "уй" маъносига ишлатилиши X аср манбаларида учрапти. Бу сўз "ман" шаклида қўлланиши ҳам мумкин. Масалан, шоҳ - шах, роҳ - раҳ, меҳ - маҳ каби. "Наманган" даги бу иккинчи атама "мон" номи "Намонгон" бўлиши тўғрилигини ҳам кўрсатиб турибди. Ҳозир халқ орасида "Намонгон" деб талаффуз этилади<sup>1</sup>.

А. Муҳаммаджонов "гон" қўшимчасига тўхтаб, шундай дейди: "Аслида бу сўзча "кан" ёки "канда" сўзидан ҳосил бўлган. Бу сўзлар "қазимоқ", "кавламоқ", "уймоқ" маъноларини билдиради. Бу лексика кўпинча "кан" ва "кон" шаклларида ишлатилиб, бош ҳарфи "Г" ёки "Ж" билан ўрин алмашади. Зарафшон водийси, айниқса, Бухоро воҳаси атамалари тизимида улар "кон", "кал", "қал", "гон", "ган", "жон" ва "жан" шаклларида қайд этилади. Масалан, Ҳайдаркон, Кумушкон, Вобкан, Арбинжон, Обижон каби".

Олим хулоса қилиб, "Намонгон" ва "Намаккон" атамаларига аниқловчи сифатида бириккан "ган", "гон", "кон" каби сўзлар, шубҳасиз, дарё, сой каби тушунчаларни англутувчи симатик лексемалар бўлиб, Наманган шаҳри қад кўтарган табиий манзарасини ифодалаган. Шунга асосан фикр юритсак, тарихда "Намаккон" деб талқин этилган Наманган шаҳри аслида "Сой бўйидаги янги сарой", "Дарё бўйидаги янги қаср" каби маънодор номлар билан шуҳратланган.

Бундай номлар диёримизда яна кўп учрайди: Чорланган сув бўйидаги тўрт Сарой, Саман (Семан) гон - дарё қирғоғидаги уч Сарой, Учқўргон, Худимангон - дарё соҳилидаги яхши қишлоқ, қароргоҳ қабилар, дейди. Албатта, А.Муҳаммаджонов Наршахийнинг "Бухоро тарихи", Баёнийнинг "Шажараи Хоразмшоҳий", Низомуддин Шомийнинг "Зафарнома" китоблари ва В.В.Бартольд асарларидан далил ва иқтибослар келтирган.

Лекин ҳар икки олим - Ибрат ва А.Муҳаммаджоновнинг хулосаларидан қай бири илмий асосга тўла эга бўлиши учун бирор манба, тарихий асар ёки ҳужжатдан "Намаккон" ёки "Навмангон" деган атама топилиши шарт.

Бу борада адиб Абдуғани Абдувалиевнинг фикрлари ҳам эътиборга молик. Унинг таъкидлашича: "Ўрта Осиёда 120 га яқин уруғ ва қабилалар яшаган. Аксар шаҳар ва қишлоқларнинг номи қабилалар номидан

1. "Наманган ҳақиқати", 2004 йил 14 январь сони.

олинган. Бизнинг вилоятимиз ҳудудида “Найман”, “Найманча” деган жойлар талайгина. Эҳтимол, қадимда “Наймангон”, яъни найманлар яшайдиган жой деб юритилган ва кейинчалик талаффуздаги сирпаниш туфайли “й” тушиб қолган-“Тошкон”, “Анжон” дегандек”.

Наманган номига изоҳ берган марҳум шарқшунос олим, тарих фанлари номзоди А.Жувонмардиев “Ер ва эл” журналининг 1964 йил сонисида “Номийган” - “Азиз ва номдор кишилар шаҳри” деб ёзган эди. А.Вамбери эса “Наманг - Маржон”, “Намангон - Маржон кони” бўлиши эҳтимол, деб тахмин қилади.

География фанлари доктори, профессор Ҳ.Ҳасанов “Биз гон форматини сув, дарё тахмин қилганимиз туфайли бу номга ҳам Намакгон - шўрсув, минерал сув, мойли сув (эҳтимол нефть) деб изоҳлаб кўрмоқчимиз, “Наман” асоси бирор этнонимга (найман уруғи) боғлиқ бўлиб чиқиши ҳам эҳтимол” деб ёзади.

Айрим тарихчилар эса Наманган сўзини этимологик жиҳатдан Навмакон яъни “Янги жой” демакдир, деб изоҳлайдилар.

Наманган уyezди бошлигининг ўринбосари бўлиб ишлаган рус ўлкашуноси В.Наливкин “Кўқон хонлигининг қисқача тарихи” (Казань, 1886 г.) асарида Фарғона водийси шаҳарлари тарихини ёзиш ниҳоятда мушкуллигидан афсусланиб, бу ҳақида ёзма манбаларда хабар йўқлигидан ва ишониб бўлмайдиган афсона ҳамда ривоятлар тарқалиб кетганлигини таъкидлаганди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, “Намангон” луғавий жиҳатдан қора марварид, маржон ёхуд кўз мунчоқ тайёрловчи аҳолига нисбатан айтилиб, рамзий жиҳатдан “Қора кўзликлар юрти” маъносини англатади. Бинобарин, ўтмишда аҳолининг асосий қисми хунармандлар бўлиб, зебу зийнат, мис ва сопол буюмлари тайёрлаш, қандакорлик, ип ва шойи газламалар тўқиш каби касблар билан шуғулланганлар.

“Намангкон” сўзи кейинчалик русча талаффузда ва ёзувда “Наманган”, халқ тилида “Намангон” бўлиб кетган. Бугун ҳам халқ тилида Наманганни “Намангон” деб аташ одат тусига кириб қолган. Бутун ҳаёти Наманган билан боғланган Бобораҳим Машраб шеърлари, унинг “Мабдаи нур”, “Кимё” асарлари, Мажзуб Намангонийнинг “Тазкират ул - авлиё” китоби ёки юқорида А.Муҳаммаджонов келтирган бирорта манбада “Намаккон” ёки “Навмангон” ёзуви учрамайди.

XVII асрда яшаб ижод этган Бобораҳим Машрабда шундай сўзларни ўқиймиз:

***На малакман, на фаришта, мен ҳам одам наслидан,  
Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангониман.***

*Не тонгим, сенга завқ берган гўзал маскан Намангондир,  
Қаердан бу киби бўстон, бу янглиғ лоззор бўлсин.<sup>1</sup>  
Табиат гул Намангонни макони офтоб этмиш,  
Макони офтоб ичра, сени бир моҳтоб этмиш.  
Узун сочингни чайдингму Намангон сойда дилдор,  
Унинг атри Намангонсой сувин мисли шароб этмиш.<sup>2</sup>*

Маълумки, ўтмишда аҳоли яшайдиган жойлар, шаҳар ва қишлоқлар асосан сувга яқин дарё ва сойларнинг бўйларида қад кўтарган.

Шунинг учун ҳам мазкур дарё ва сойлар шу шаҳар ёки қишлоқ номи билан аталган. Масалан, Косон - Косонсой, Шаҳрихон - Шаҳрихонсой, Марғилон - Марғилонсой, Исфара - Исфарасой, Хўжанд - Хўжабақиргансой, Чодак - Чодаксой, Чортоқ - Чортоқсой, Наманган - Намангансой каби.

В. Наливкиннинг “Краткая история Кокандского ханства”, “Ипак йўли афсоналари” (Жой номлари билан боғлиқ афсоналар) китобларида қайд этилганки, Наманган шаҳри пайдо бўлмасдан аввал унинг ўрнида учта жар бўлган экан. Ана шу жарларнинг ичида ўн қаландар яшаган экан. Уларнинг энг каттаси Ҳасти Лангар, ундан кейингиси Ҳасти Хизир бўлган экан. Бир куни шу атрофдаги аҳоли сув танқислигидан қийналиб қолишбди.

Шунда Ҳасти Лангар бобонинг маслаҳати билан Ҳасти Хизир қўлидаги ҳассасини минган ҳолда Новкент тарафга кетиб қолган. Худонинг амри билан Ҳасти Хизирнинг ҳассаси чизган чизиқ ўрnidан ариқ пайдо бўлиб, одамлар сувдан баҳраманд бўлганлар. Намангансой ана шундай пайдо бўлган экан.

Ҳозирда Наманган “Гуллар шаҳри” номи билан машҳур. Бундай шарафли номга эга бўлишнинг боиси қаерда? Аввало, бир ривоятга қулоқ тутайлик.

...Бухоро ҳукмдорларидан бири Наманган атрофидан ўтаётиб, шу ерда тўхтаб дам олади. Бу ажойиб, сўлим маскан унга жуда ёқиб қолади ва ўз яқинларидан бирига шу ерда шаҳар барпо қилиш вазифасини юклайди. Ёрликда Наманганнинг турт фазилатга эга бўлиши, яъни гўзал, сўлим, обод ва гуллар шаҳрига айланиши алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ривоятнинг қай даражада асосли экани бизга қоронғу.

Ривоятларга кўра, Бухоро хонлигининг асосчиси Абдуллахон 1582 йилда Эрон билан бўлган урушда ғолиб чиқиб, кўплаб асирларни қўлга туширади. У ана шу асирларни бир қисмини Фарғонага юборган эмиш. Хоннинг буйруғи билан Қашқарларнинг Оға уруғидан сотиб олинган қизларни ҳам шу асирларга мажбуран хотин қилиб беришган. Шундан сўнг асирлар водийнинг турли туманларига муқим яшаш учун тарқатилган. Чунончи, ҳозирги Наманган ерларига 100 та оила юборилиб, жойлаштирилган. Ана шу ерда Намангон - Наманган номи билан аталган қишлоқ ташкил топган эмиш.<sup>1</sup>

1. Й. Қосимов, “Наманган тарихидан лавҳалар”, - Тошкент, “Фан”, 1990, 15 - бет.

Ривоятларда XVI асрда бу ерда Ҳазрати Лангарбобо мозори бунёдга келиб, Азизхўжа мақбараси қурилган, деб қайд этилади.

Короскон қишлоғидаги Султон Сайид мазорининг шайхлари номига Бухоро амирлари ва Қўқон ҳукмдорлари томонидан XVI - XIX асрларда берилган вақф ҳужжатларида - ёрлиқларида Наманган номи мавзе (қишлоқ) сифатида 1643 йилдан бошлаб тилга олинади.

Академик В.В.Бартольднинг кўрсатишича, Қўқон хонлиги даврига келиб, Шимолий Фарғонада янги шаҳар - Наманган ташкил топган. XVII асрда Аҳсиқент атрофларидаги йирик қишлоқлардан бири бўлган Наманган XVII асрга келиб Фарғона водийси шаҳарлари қаторидан жой олган.

А.З.Валидовнинг ёзишича, расмий ҳужжатларда Наманган 1758 - 1759 йилларда Андижон, Қўқон ва Марғилондан сўнг тўртинчи беклик деб кўрсатилган.

Қўқон хонлиги тарихини ёзган В.П.Наливкин ҳам "Қўқон хонлигининг қисқача тарихи" номли асарида XVI - XIX аср вақф ҳужжатларида тилга олинган Наманган милодий 1643 йилларда қишлоқ бўлган деб таъкидлаб ўтади.

Маҳмуд бинни Валининг ёзишича ҳам 1172 ҳижрий - 1756 милодий йилларга доир ҳужжатларда ҳам Наманган вилоят сифатида тилга олинган.<sup>1</sup>

Шундай қилиб, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлардаги маълумотлар гарчи тарих фани учун қимматли манбалар ҳисобланса-да, аммо бирортаси ҳам Наманган шаҳрининг ёшини белгилаш учун аниқ илмий далил бўла олмайди. Бунинг учун эса яқин келажакда археолог, тарихчи, шарқшунос, этнограф ва тилшунос мутахассислар комплекс тадқиқот ишларини олиб боришлари керак, шунда шаҳарнинг вужудга қелиши тарихини аниқлаш мумкин бўлади, унинг тараққиёт даврини ҳам тўла ёритишга имконият туғилади.

## ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВРИДА НАМАНГАН

Тарихий маълумотларга кўра, XVIII аср бошларида Фарғона водийсида марказлашган давлат - Қўқон хонлиги ташкил топди. Унинг асосчиси Минг уруғидан чиққан Шохрухбий бўлиб, 1710 - 1721 йилларда ҳукмронлик қилади. Унинг ворислари Абдулкаримбой ва Норбўтабий (1770 - 1800)лар даврида хонлик территорияси янада кенгайди ҳамда феодал тарқоқлигига қарши қаттиқ кураш олиб борилди. Натижада Норбўтабий ҳукмронлиги даврида Наманган ва Чуст бекларининг сепаратизми тугатилди. Олимхон даврида (1800-1809) эса Тошкент ва Чимкент ерлари хонликка бўйсундирилди.

Қўқон хонлиги маъмурий жиҳатдан ўн саккизта бекликка бўлиниб, Наманган, Чортоқ, Косон, Бободархон (ҳозирги Тожикистон

---

1. Маҳмуд бинни Вали, "Баҳрул асрор", Уз 1375 рақамли қўлёзма, 108 - varaқ.



Республикаси Ашт тумани) бекликлари манбаларда тилга олинган. Беклик маркази бўлган Наманган шаҳрида тахт вориси бўлган шаҳзодалар яшаб, бекликни бошқаришган. Ҳокимиятнинг илк тажрибаларини шу бекликда ўтаган ёш, шижоатли шаҳзодалар Наманганнинг минтақада йирик савдо - сотиқ ва маданий марказга айланишига ўз вақтида алоҳида эътибор беришган. Наманган вилояти ҳокими яшайдиган жой Турақўргонда бўлган. Руслар истилосидан тўрт йил олдингина Наманган шаҳрида ўрда қурилиб, ҳоким шу ерга кўчиб ўтган. Бу даврда Наманган ҳокими Худоёрхоннинг кичик ўғли Ўрмонбек ҳисобланса ҳам, амалда Мулла Турдиали бошқарган. Қўқон хонлигидаги асосий ер майдонлари хон ва унинг авлодлари тасарруфида бўлиб, чек ерлар деб аталарди.

Қўқон хонлиги даврида Наманган савдо - сотиқ, хунармандчилик ва маданий ҳаётда муҳим роль ўйнаган. 1813 йилда Қўқонга ва сўнгра



Қўқон хонлиги даврида Наманган шаҳридаги Чорсу мавзеси кўриниши

Наманганга келган рус элчиси Ф.Назаровнинг ёзишича, бу вақтларда шаҳарда аҳоли кўп бўлиб, пахтани қайта ишлаш, ип йигириш, т ў қ и м а ч и л и к устахоналари ва хунармандчилик ривожланган, Қўқон хонлиги шаҳарлари, ҳатто қирғизлар билан

ҳам савдо қилганлар.<sup>1</sup>

XIX асрнинг 40 - йилларида Бухоро амирлигининг Қўқон хонлигига қарши уруш ҳаракатлари кучайгач, Мадалихон - Муҳаммад Алихоннинг буйруғи билан Наманганда унча катта бўлмаган ҳарбий қалъа қурилган.

Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган Наманган XVIII асрнинг бошларида хонликнинг хунармандчилик саноати тараққий этган шаҳарларидан бирига айланди. Чунончи, у ерда авлоддан - авлодга ўтиб келаётган темирчилик ривожланган. Гарчи технология жуда ибтидоий бўлса - да, халқ хўжалигида муҳим ўрин тутарди. Шаҳар кўчаларининг икки томонида алоҳида дўконлар жойлашиб, улар темирчилар растаси деб аталарди. Бир гуруҳ темирчилар - эшик занжирлари ва ҳалқалари, от ва эшак тақалари, ковуш ва этик нағаллари, ҳар хил мих, арава гилдираги учун темир халқалар, узанги ва темир рандалар тайёрласалар, иккинчи гуруҳ темирчилар - кетмон, ўроқ, болта, теша ясар, учинчи гуруҳдаги темирчилар эса пичоқ, қайчи, арра, оташкурак, қора чироқ, бигиз сингариларни тайёрлар эдилар.

Темирчи усталар ўз ишхоналарида оила аъзолари билан бирга ишлашар, шунингдек, шогирд ҳам сақлардилар. Улар пичоқ, ханжар ва

1. Ф.Назаров. "Записки о некоторых народах и землях средней части Азии". М. 1968, ст-50.

қиличларга ҳар хил қимматли суяклардан турли ўйма гулли дасталарни ҳам тайёрлашар эди.

Наманганда алоҳида мискарлик расталари бўлган. Мискарлар турли идишларга гул чекиш санъати билан шуғулланганлар. Наманган мискарлари томонидан турли даврларда ясалган қумғон, лаган, офтоба, чилим, чойдишлар ҳанузгача мамлакатимизнинг турли музейларини безаб турибди. Чунончи, Наманган ўлкани ўрганиш музейида, ҳатто Нью-Йорк музейида сақланаётган биринчдан ишланган сиёҳдонларнинг нақши афсонавий воқеаларни тасвирлаши билан ажралиб туради. Бундай мисоллар айрим тарихчиларнинг Фарғона аҳолиси металл ишлашни хитойликлардан ўрганганлар, деган тахминларига тузатиш киритишга имкон беради. Аксинча, кейинги тадқиқотларнинг кўрсатишича, хитойликлар биринчдан буюм ясашни (рихтагарлик) бизнинг халқимиздан ўрганганликлари эҳтимолдан холи эмас.<sup>1</sup>

Хунарлар орасида қадимийларидан бири заргарликдир. Наманган заргарлари олтин, кумуш ва қимматбаҳо рангли тошлардан ҳамда шишалардан хотин - қизлар учун билакузук, исирға, ҳалқа, тиллақош, тумор, узуклар тайёрлаш билан танилган эдилар. Шунингдек, отларни безатиш учун эгар ва узангига ранг - баранг нақшлар ҳам қилишган.

Самарқанд ва Риштон, Қарши ва Тошкент кулоллари билан рақобатлашган Наманган хунармандлари ахсикентлик бобоқалон кулолларнинг қадимий анъаналарини давом эттириб, уй - рўзгор буюмлари - коса, кўза, шокоса, тандир, шамдон ва ҳатто суғориш иншоотлари учун сопол қувурлар ва сув чиғирларига ўқчалар ишлаб чиқарганлар.

Шаҳар хунармандчилигида дурадгорлик етакчи роль ўйнади. Дурадгорлар қошиқ, чўмич, қозонқопқоқ, чарх, чиғириқ, омоқ, бўйинтуруқ, мола, эшик, дераза, тўқимачилик дастгоҳлари ва бошқалар тайёрлаганлар. Ёзма маълумотларга кўра, Наманганда йигирмадан ортиқ аравасозлик устахоналари бўлган.

Ўрта Осиё халқлари ҳаётида тўқувчилик катта аҳамиятга эга эди. Наманган тўқимачилари томонидан пахта, ипак ва канопдан тайёрланган матолар - бўз, қалами, олача, чит, беқасам, ипак буюмлари, шолча ва шу кабилар бошқа мамлакатлардаги бозорларда ҳам сотилган.

Наманганлик муқовасозлар тайёрлаган чарм ва қоғоздан қилинган муқовалар XIX асрнинг бошларида Самарқанд ва Хивада тайёрланган муқовалар билан рақобат қилган. Наманган кашталари ҳам ўзининг гўзаллиги билан ажралиб турган.

Шундай қилиб, бошқа ўзбек хонликлариغا қарашли йирик шаҳарлар каби Наманганда ҳам хунармандчилик ўз даврига яраша равнақ топган.

Хонлик даврининг биринчи юз йиллигида йирик шаҳарлар қаторидан ўрин олган Наманганда 30 га яқин масжид, пишиқ ғиштдан қурилган 2 та мадраса, 200 дан ортиқ катта - кичик дўконлар, ҳаммом, карвонсаройлар, расталар бўлган. XIX асрнинг 90 - йилларида эса 20

1. Г. Пугаченкова, Л. Ремпель. "История искусств Узбекистана". М, 1965, стр-25.

га яқин мадраса бўлиб, уларда юзлаб мударрислар дарс беришган. У даврда мактаб ва ўқитиш харажатлари ота - оналар зиммасига тушган. Мадрасалардаги таълим ишларининг ҳаммаси диний асосда ташкил топиб, бундан четга чиқиш асло мумкин эмас эди. Мадрасалар асосан давлат идоралари ва диний муассасаларга мактаб ва мадрасалар учун муаллим ва мударрислар, яъни ўз давридаги ижтимоий - сиёсий тузум учун ўқимишли ходимлар етиштирувчи ўқув юртлари эди.

Етишиб чиққан зиёлиларнинг маълум бир қисми, гарчи диний тушунчалар асосида бўлса-да, тарих, адабиёт, фалсафа, география, тиббиёт фанлари ва бошқа соҳаларда илмий - тадқиқот ишларини олиб бориб, муҳим илмий асарлар яратган.

Аҳолининг асосий қисми ҳунармандчилик ва савдо - сотиқ билан шуғулланган, қолган қисми қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган. Наманганда кенглик бир ярим - уч саржиндан ошмаган 100 дан ортиқ кўча бор эди. XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида хонлар ва хусусий кишилар томонидан халқ кучи билан канал ва ариқлар қазилган. Чунончи, 1803 йилда Норин дарёсининг ўнг соҳилида (ҳозирги Наманган воҳаси ёхуд Шимолий Фарғонада) халқ ҳашари - мажбурий ишлатиш йўли билан шу дарёдан сув олувчи Янгиариқ канали қазилди. У воҳанинг Қизрабат (Қизилрабат), Уйчи, Чортоқ, Наманган, Хонабод каби шаҳар ва қишлоқларини сув билан таъминлади. Каналдан Наманган шаҳри атрофида 55 та шохобча чиқарилиб, улар ёрдамида жуда кўп қишлоқ ерлари ва Наманган шаҳри сув билан таъминланган. Биргина Наманган шаҳрининг ўзида каналдан 21 та шохобча чиқарилган ва шаҳар яқинидаги қишлоқларга қарашли ерлар ҳам суғорилган. Ҳаммаси бўлиб, Янгиариқ каналдан 96 та ариқ чиқарилган ва улар кўплаб экин майдонларини суғорган.

1819 йилда Умархон фармони билан Янгиариқ канали яна кенгайтирилди ва узайтирилиб, унинг узунлиги 100 чақиримга (бир чақирим 1,06 км га тенг) етказилди. Ундан ҳар секундда 4 - 5 куб.метр сув оқиб, асосан Наманган воҳасини суғорди. Ана шу даврларда Наманган тарихида чигир ва чархпалак билан сув чиқариш, коризлар қозиш ва булоқ сувларидан фойдаланиш тартиблари ҳам жорий этилган эди. Бундай усуллар ирригация тарихида муҳим ўрин тутар эди.

Шундай қилиб, Наманганда суғориш иншоотларининг бунёд этилиши, жумладан, Янгиариқ каналининг қозилиши Наманганнинг ижтимоий - иқтисодий ва маданий жиҳатдан янада ўсиши ва кенгайишига имкон берди.

Кўқон хонлиги шаҳарларнинг тараққиётида ва ҳунармандчиликнинг ўсишида хорижий мамлакатлар - Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Қашқар, хусусан, Россия билан бўлган савдо - сотиқ катта аҳамиятга эга бўлди. Бухоролик, тошкентлик, кўқонлик ва марғилонлик савдогарлар билан бирга наманганлик савдогарлар ҳам XVIII аср охири-XIX аср бошларида Россия императорининг розилиги билан Астрахань, Оренбург, Семипалатинск ва бошқа шаҳарларга бориб, ўз маҳсулотларини сотиш

имкониятига эга бўлдилар. Бу ишни XVIII асрнинг 70-йилларида Қўқон хонлигига келган рус унтер-офицери Ф.Ефремов бошчилигидаги делегация бошлаб берди. 1868 йилда Қўқон хонлиги билан Россия ўртасида тузилган савдо шартномаси эса хонлик шаҳарлари билан рус шаҳарлари ўртасидаги савдо алоқаларининг янада кенгайишига олиб келди.

Фарғона водийси савдогарлари Россияга пахта, калава ип, бўз, турли терилар, қуруқ мевалар олиб бориб сотишган. Наманганлик савдогарлар ҳам ўз навбатида рус савдогарларига пахта, жун, калава ип, мева қоқиси, қимматбаҳо матолар сотганлар. Бу ерга эса Москва рўмоллари, мовут, чарм, турли бўёқлар, томга ёпадиган тунука, самовар, немис бахмали, инглиз ва француз моллари ҳам келтирилган. Қўқон орқали Наманганга рус ва чет эл товарларининг келиши билан савдо алоқалари янада кенгайди. Бу эса оз бўлса-да, маҳаллий аҳолининг дунёқараши маълум даражада кенгайишига олиб келди.

Наманганлик сайёҳ Ҳакимхонтўра (хожи Муҳаммад Ҳакимжон тўра валад Сайид Маъсумхон Маҳмуд ўгли) XIX асрда Мисрга бориб, бир йилча турган ва эсдаликларида шундай деб ёзиб қолдирган эди: “Мен мусофир ўлкасида ҳамюртларимни учратиб қолдим, улар савдо ва чайқов иши билан юрган эканлар, алар билан суҳбат айлаб, юрагимни чоғ айладим. Андан сўнг хайрлашдим”.<sup>1</sup> Бу сўзлардан бизга кўриниб турибдики, Фарғона водийси, жумладан, наманганлик савдогарлар шарқ давлатлари, ҳатто шимолий Африкада савдо ишлари олиб боришган.

Қирғиз ва қипчоқлар ҳамда атроф туманларда яшовчи аҳоли билан Наманган бозори гавжум бўлган. Шу боисдан бўлса керак, 1813 - 1814 йиллари Россия империяси элчиси Ф.Назаров Қўқон хони рухсати билан Наманганга келганда, унинг бозорини Қўқон бозоридан каттароқ эди, деб ёзган. Яна у Наманганда мевали дарахтлар жуда мўл - кўллигини, мевалар Қўқон хонлигининг ҳамма шаҳарларга олиб борилиши, шунингдек, бу шаҳарда ҳафтанинг икки кунда бозор бўлишини, яна “ипак матолар фабрикаси” мавжудлигини қайд этиб ўтган. 1850 - 1858 йиллари Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ҳудудларига саёҳат қилган қозоқ маърифатпарвари Ч.Валихонов ўзининг “Жунғория очерклари” асарида “наманганликлар йирик боғдорчилик билан шуғулланиб, асосан, қирғизлар билан савдо қилишган”, деб ёзади. У яна Шарқий Туркистон бозорларида Ўрта Осиё фабрикаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳам сотилганлиги, бу маҳсулотлар ичида ипак ва жундан тайёрланган Наманган матолари машҳурлигини алоҳида таъкидлаган. Жумладан, Наманганда тайёрланган “тампаи”, “қоракаска” деб ном олган матолар ва кигизлар Олтишаҳар шаҳарларида тайёрланган кигизлардан сифатли бўлган ҳамда бу ерликлар орасида қадрланган. Бу кигизнинг бир жуфтига қирғизлар 5 та қўй берган.

Ҳар бир ўзбек хонлигининг ўз пули зарб қилинарди. Олтин пул ўз

---

1. Ҳ. Ҳасанов, “Ўрта осийлик географ ва сайёҳлар”, -Тошкент; “Ўзбекистон”, 1964, 218 - бет.

қиймати билан 3 сўм 80 тийинга юрарди, кумуш пул танга деб номланиб, 20 тийинга тенг эди. Чақа пул ярим тийин, бунинг 10 таси бир мири ёки 5 тийин, 20 таси икки мири ёки 10 тийин, деб юритиларди. Наманган бозорларида ана шу пуллар савдо муомаласида бўлган.

Бозор шаҳар аҳолисининг дийдор кўришадиган жойи, сайл ва томошагоҳи ҳам эди. Энг янги хабарлар шу ердан тарқалган. Ўзбекистоннинг бошқа йирик шаҳарларида бўлгани каби Наманганда ҳам бозоршаб (кечки бозор) ўтарди. Бозоршабда шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири ёки майдони безатилиб, кўчанинг икки четидаги чойхона ва дўконлар олдида чорпоялар қўйилиб, хар хил мева - чева, озиқ - овқат сотилган. Карнай - сурнай, ноғоралар чалиниб, махсус жарчилар одамларни бозоршабга чорлаган. Бир томонда дорбозлик, масхарбозлик ва қўғирчоқбозлик, бир томонда кураш, бир ёнда ўргатилган ҳайвонлар томошаси бўлган.

Рус элчиси Ф.Назаров ўз хотираларида хонлик ҳудудида тарози ва ўлчов устидан қаттиқ назорат ўрнатилганлигини, уни бузганлар, уғирлик қилганлар жазоланганликларини ёзади: "...яланғоч бир кишини кўчада олиб юриб, қамчи билан савалаганликларини ўз кўзим билан кўрдим. Уни "Мен тарозидан уриб қолган эдим" деб қичқиришга мажбур қилардилар. Жиноий ишни текширишда, умуман, расмиятчилик ва қоғозбозликка йўл қўйилмас эди, ҳукм чиқариш учун уч гувоҳнинг бўлиши ётарлидир, бироқ улар қасамёд қилишлари шарт, ҳукмни корхонада чиқарардилар. Сардор билан қозилар суппали айвонга ўтирардилар. Сарбоз жиноятчини олиб киради. Жиноятчи яшайдиган маҳалланинг имоми уни сўроқ қилади ва гувоҳлар қасамёд қилганларидан кейин ҳукм чиқаради. Агар бошқа қозилар ҳам чиқарилган ҳукмдан рози бўлиб, "адолатли ҳукм бўлди" десалар, у ҳолда сардор ҳукмни амалга оширади". Ҳар қандай амалдор, қайси лавозимда эканлигидан қатъий назар, хиёнат қилса, пора олса, фитна ва ҳоказолар уюштира, ўлим жазосига маҳкум бўлади; мол - мулк мусодара қилиниб, хотини билан балоғатга етган қизлари оддий аскарга никоҳ қилиб берилади. "Ўғрини кўлини чопиб ташлайдилар. Ўттиз туёқ кўйни ўғирлаган ўғрининг ўнг қўл панжасини қилич билан кесиб ташлаганликларини ўз кўзим билан кўрганман".<sup>1</sup> Бундай тартибга ҳамма жойлардагидек Наманган шаҳрида ҳам амал қилинган.

Архив материалларининг кўрсатишича, XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлигида феодал мажбуриятлар ва рента солиқларининг 90 та тури бўлган. Бу ҳақда тадқиқотчи А.Жувонмардиев алоҳида тўхталиб ўтган<sup>2</sup>. Қўқон хонлигида хирож, таноб, закот энг оғир солиқлар ҳисобланарди. Хонликда донли экинлардан кўп миқдорда солиқ олинарди.

1. Ф. Назаров. "Записки о некоторых народах и землях Средней Азии". -СПб, 1891, с-75-76.

2. А. Жувонмардиев, "XVI - XIX асрларда Фарғона ер-сув муносабатларига доир". 33-35 бет.

Масалан, Наманган беклигидан (Чуст ва Тўрақўрғон билан биргаликда) 800 минг чорак (чорак тахминан 5 пуд ёки 80 кг га тенг) хирож олинган. Баъзи ерлардан хирож солиғи пул билан ундириларди. Хонлик шаҳарларида, шу жумладан, Намангандаги бозорда ҳарбий ёки савдогарлардан тайинланган закотчилар бўлиб, сотилаётган нарсаларнинг қийматига қараб 2,5 фоиз ҳисобидан закот йиғиб олиш билан шугулланганлар. Бошқа йирик шаҳарлардаги каби Наманганда ҳам турли миллат вакиллари, чунончи: ўзбек, тожик, яхудий, уйғур, қирғиз, қипчоқ, дунгон ва бошқалар яшаган. Туркистонлик, шу жумладан, наманганлик савдогарлар ҳам Россия ерларига борганларида татар қизларига уйланишлари натижасида оилавий муносабатлар таркиб топган. Бундан ташқари, татарлар Ўрта Осиё мадрасаларига келиб ўқирдилар. Савдо - сотиқ ва ҳунар ишлари билан шугулланган татарларнинг "Нўғай маҳалла" деб аталган маҳаллалари ҳам бўлган.

Наманган ва унинг аҳолиси нафақат Қўқон хонлиги ҳамда Шарқий Туркистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларда, балки маданий алоқаларда ҳам фаол қатнашганлар. Аммо бу масала жуда кенг тарзда чуқур ўрганилмаган.

Машҳур шоир Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билик" асари нусхаларидан бири айнан Наманган шаҳрида топилгани, Наманган хаттотлари қўли билан бир қанча шарқий туркистонлик алломаларнинг асарлари китоб ҳолига келтирилганлиги бунга мисол бўлади.

Косонсойлик Маҳдуми Аъзам Косонийнинг ўғли Исҳоқ Валининг онаси Қошғар амалдорларидан бирининг қизи бўлиб, кейинчалик унинг авлодлари Шарқий Туркистондаги Ёркент хонлигини бошқарган. Исҳоқ Валининг яна бир авлоди Муҳаммад Ҳакимхонтўра 1823 - 1826 йиллари Наманган ҳокими бўлган. Бобораҳим Машрабнинг айнаи гуллаган ёшлиги Шарқий Туркистонда - Офоқхожа хизматида ўтган. У уйғур шашмақоми куйларига шеърлар ёзган. Қўқон адабий муҳитининг "Маликуш-шуаро" си Фазлий Намангоний ўзининг "Мажмуаи шоирон" номли асарида қошғарлик шоирлардан бири Хислат Қошғарий ҳақида маълумот, шеърларидан парчалар берган. Шарқий Туркистонда Етти шаҳар давлатини тузган Қўқон саркардаси Муҳаммад Ёқуббекнинг хизматида Муҳаммад Умар Намангоний деган шоир ва тарихчи бўлганлиги манбаларда таъкидланади.

Бир сўз билан айтганда, Қўқон хонлиги ҳамда Шарқий Туркистон ўртасидаги ўзаро муносабатларга Наманган ва унинг аҳолиси муносиб ҳисса қўшган<sup>1</sup>.

1620 йилги Ахси зилзиласидан сўнг кўчиб келган аҳоли ҳисобига шаҳар ҳудуди яна ҳам кенгайган. Шаҳарнинг кенгайишига нафақат ахсиликлар, балки Шарқий Туркистондан кўчиб келган аҳоли ҳам ўз ҳиссасини қўшган. XVII - XVIII ва XIX асрлар давомида Шарқий

1. Ш.Қўлдошев, "Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон алоқаларида Наманганнинг ўрни", "Таълим ва тафаккур", Наманган 2000, 3-сон, 23 - бет.

Туркистондаги Жунғор ва Ёркент хонлиги ўртасидаги курашлар, Хитойдаги Цин империяси қўшинларининг Шарқий Туркистонга 1755 - 1759 йиллари бостириб кириши ва антицин курашларининг шафқатсиз бостирилиши натижасида ҳам Шарқий Туркистонлик аҳоли Фарғона водийсига, жумладан, Наманган ҳамда унинг атрофига кўчиб келиб жойлашган.

Қозоғистонлик олим Г. С. Садвоқосовнинг фикрича, Наманган шаҳрининг илк аҳолисидан бири қошғарликлар бўлган, чунки ҳозирда уларнинг “уттиловчи” шеvasи асли уйғур лаҳжаларидан бири ҳисобланади. Бу фикрни рус шарқшунослари А.Н.Боровков ва Гейорлар ҳам ўз асарларида таъкидлаб ўтишган. Аммо мазкур фикрларнинг манбаси ишонarli эмас ва шу боис бу масала қанчалик ҳақиқатга яқинлигини кейинги тадқиқотлар натижаси кўрсатади.

Ҳозир, Наманган атрофида Қошғар маҳалла, Уйғур каби аҳоли жойлари учрашини шу ўринда эслатиб ўтиш жоиз. Шунингдек, наманганликларнинг уй - жой қурилишида “қашғарча мўри”, “қошғарча айвон” ва санъат соҳасида эса “қошғар рубоби” каби атамалар ишлатилади. Уйғур ва дунгон таомларини Наманган аҳолиси севиб истеъмол қилади.

Қўқон хонлиги даврида Наманган беклигида яшовчи деҳқонлар, хунармандларнинг аҳоли аянчли эди. Айниқса, Худоёрхон ҳукмронлиги даврида халқ оммасидан йиғиладиган турли солиқ ва ўлпонларнинг сони янада кўпайиб кетди. Натижада бу жабр - ситамларга чидай олмаган халқ хоннинг ички ва ташқи сиёсатига қарши норозилик ҳаракатлари билан чиқди. Айни пайтда хон саройида ҳам оппозицион гуруҳлар пайдо бўлди.

Рус давлати Бухоро ва Хива хонликларига қарши уруш олиб бораётган йиллари Қўқон хонлигида чуқур сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий инқироз ҳукм сурарди.

“У, - деб ёзган эди Ибрат, - Русиядан хотиржам бўлиб, вақтини ўйин - кулгу билан ўтказиб, қуш солмоқ ва кўпқари чопмоқ йўлларинда булиб, уламо ва фузало насиҳатларига амал қилмай жабуру зулм тарафига ўтиб турганида, раияту халқ (ундан) юз ўғирди”<sup>1</sup>. Охир оқибат хонликдаги сиёсий вазият чиғаллашдики, Худоёрхон узил - кесил ўзини ҳам, бутун хонликни ҳам босқинчилар оёғи остига ташлади.

У шу даражада ишончли йўқотган эдики, фурсатни ғанимат билиб, қочишга қарор қилади. “Охир ул - амр саксон ароба кўч хазина ва ойимлар, бекалар, етти ароба танга билан 1875 йил 22 июлда йўлга чиқади”. Унинг ёнида 4000 пиёда ва 2000 отлиқ аскар, 68 тўп бўлган. Бироқ Қўқондан 10 қақирим юрганларидан кейин мазкур қўшин хонни ташлаб кетган. Хон 500 аскар билан йўлни давом эттирган. У Тошкентга етиб боргандан кейин Қўқон хонлигининг муҳр ва васиқаларини генерал - Кауфманга топширади, руслар энди фойдаси тегмайдиган бўлганидан

1. Ибрат, “Фарғона тарихи”, Мерос,- Т. 1991, 310 - бет.

сўнг Худоёрхонни тақдирлаш у ёқда турсин, халқ ҳисобига тўпланган хазинани ҳам тортиб олди ва ўзини Оренбургга сургун қилди. Хонни бу ерга Мулла Маъруф додхоҳ, Қосим тўқсабо, Жамил хазиначи, Муҳаммад шарбатдор, Хурсанд ва Муллача (ҳар иккиси кул), Мирзобой сағир ва Тожи маҳрам деган кишилар кузатиб борганлар.

Худоёрхон Қўқондан чиқиб кетишидан олдиноқ юқори табақа вакиллари тахтга унинг тўнғич ўғли Насриддинбекни ва бошқа номзодларни ўтқазिशга киришган эдилар. Абдурахмон офтобачи бошчилигидаги гуруҳлар Насриддинни тахтга ўтқазिशга муваффақ бўлдилар.

1875 йилнинг 26 сентябрида Кауфман Наманганга келиб, унинг ён-атрофига кўшин билан жойлашади. Бу вақтда Кауфман Абдурахмон офтобачи ва Пўлатбек бошчилигида Андижон шаҳри, атроф жойларида катта куч тўплаганлиги ҳақидаги хабарни олади. Шундан сўнг босқинчилар Фарғона водийсининг энг йирик ва ривожланган шаҳарларидан бири ҳисобланган Андижонни узоқ вақтгача қаддини кўтара олмайдиган даражада остин - устин қилиб ташлайдилар. 1875 йил 3 октябрда генерал Троцкий Андижондан Наманганга келиш йўлида ватан ҳимоячилари билан тўқнашган. Бундай тўқнашувларда қатнашган, деб кўп қишлоқлар ёндирилган.

Генерал Троцкий Наманганга яқинлашганда Пўлатхон лашкари билан тўқнашиб, қўзғолончиларни мағлубиятга учратган. Пўлатхон қочиб кетаётганда отдан йиқилиб, оёғи синган. У курашни давом эттиришга аҳд қилиб, Асакага ўрнашган. Бу ерда Пўлатхон атрофига 12000 киши тўпланиб, улар бирин-кетин бир неча ғалабага эришдилар. Чунончи, Уш, Андижон ва Марғилонни эгаллайдилар.

Бу ҳол Насриддин мавқеини катта хавф остида қолдиргани учун 9 октябрда Хўжандга қочади. 1875 йил 16 октябрда Кауфман Наманганга генерал Скобелев бошчилигида 14 та рота, 500 казак, 4 ракета станогни ва 16 тўпдан иборат ҳарбий кучни қолдириб, Хўжандга кетган. У Наманган беклигининг Россия империяси таркибига киритилганлигини эълон қилиб, хонликка яна бир бор қақшатқич зарба беради. Скобелев бу вақтда Наманган бўлимининг бошлиғи этиб тайинланган. Водий халқи қанчалик азоб - уқубатлар, мисли кўрилмаган қирғинларни кўрмасин, барибир, озодлик курашидан воз кечмади. Аксинча, хонликнинг турли жойларида ғалаёнлар кўтарилди.

Сирдарёнинг ўнг қирғоғида Наманганнинг собиқ ҳокими Ботир Тўрабек ҳам атрофига одам тўплаб босқинчиларига қарши бош кўтаради. “Бул тарафда, Наманганда, - деб ёзади Ибрат, - Ботўра деган чиқиб, эски сипоҳлардан йиғиб, муҳороба қилмоқ бўлиб, уч - тўрт минг одамни жамлаб, Тўрақўрғонни ғарб тарафидаги Сарсончап деган қирға аскар йиғиб, уламолар сўзларига кўлоқ солмай ҳаракатда эрдилар”.

Ботир тўра қўли остидагилар Хўжанд ва Наманганни бир - бирига боғловчи йўлда Святополк - Мирский бошчилигида 20 солдат кўриқлаб



кетаётган юк ортилган босқинчилар транспортига ҳужум қилиб, уларни битта қолдирмай ўлдирганлар.

Скобелев 1875 йил 23 октябрда Тўрақўрғон кўзғолончиларини енгиб, кўп одамларни ўлдирди. Кўзғолонда фаол қатнашганлиги учун тўрақўрғонликларнинг кўпчилиги ўлимга маҳкум этилди. 23 - 27 октябрда Тўрақўрғонда бўлиб ўтган тўқнашувларда босқинчилардан 6 киши ўлдирилди ва 50 киши, жумладан, 3 офицер ярадор қилинди<sup>1</sup>.

Бу пайтда Наманганда босқинчиларга қарши кайфият зўрайган эди. Шу боис аҳоли қочиб келиб, Ботир тўра тарафига ўтган. Шундан кейин унинг раҳбарлигида ҳимоячилар Наманган шаҳри биқинидаги рус ҳарбий қисмига ҳужум қилдилар. Бундан хабар топган Скобелев Чустдан шошилини равишда қайтиб, 26 октябрда Наманганга келиб, эртаси куни ватан ҳимоячиларига қарши ҳужум бошлади ва шаҳарнинг бир қисмини остин - устин этди. Унинг фармонида кўра шаҳар шу даражада қаттиқ ўққа тутилдики, ҳимоячилардан 8800 киши ҳалок бўлди. Улар орасида ярадорлар сон - саноқсиз эди. Бу гал ҳам босқинчилар ўзларининг ваҳшийликларини яна бир бор намоиш қилдилар.

Босқинчилар кўрдиларки, “Халқ ани атвори бузуқ, бекор галва бўлур, буни босмоқ учун хабар чиқардики, эрта отув бўладур, кўчага бала чиқмасун, деб. Эртаси бирдан чиқуб, кўчада кўрунганни отмоқ бўлдулар. Ҳамма қоч - қоч бўлиб, кўп мусофирлар хонақоҳ масжидда эрдилар, кўча одамлари анда кирганда арқодан кириб, кўп кишиларни отдилар.

Ул вақтда ҳеч ким уламою уқалони сўзини олмай, ҳар ким ўз олдига маст кишидек, ўзига бир иш қиладурғон кўруниб, Наманган кўб бефойда ҳужум остида турганда уламолардан қози мулла Турсун Муҳаммад Охунд отланиб чиқиб: “Эй мусулмонлар, сизларга нима бўлди, ояту ҳадисга қаранглар, китобларда бу қилган ишларингни савоб демайду, бизда подшоҳ йўқ, асбоб йўқ, бул газавот эмас”, - деб панду насиҳат қилсалар, мастдек муштини кўтарган, тўқмоқ ва чўянбош кўтарган жухалолар биридан: “Урунлар, бул киши Русиядан ришво (пора) олган!” - деб қозикалон домлани отдан йиқитиб, шаҳид қилдилар. Муни кўрган уламолар бу фуқароларни алоҳол қўюб юбордилар”.

Бу ерда маълум бўлдики, айрим руҳонийлар, хусусан, қозикалон хон ва қурол-аслаҳаларнинг йўқлигини рўкач қилиб, халқни беҳуда қаршилик кўрсатишдан қайтармоқчи бўлганлар. Афтидан бу билан улар бекорга қон тўкилишини олдини олмоқчи эдилар. Лекин халқда ватанпарварлик туйғуси шу даражада кучли бўлганки, улар қурбон бўлишга ҳам тайёр турганлар, қуролсиз бўлсалар - да, жанг майдонида ўлишни афзал кўрганлар.

Пўлатхон Қўқон хонлигининг шарқий қисмида ҳукмронлик қилиб, босқинчилар билан бўладиган урушга тайёргарлик кўриб борди. Ўз навбатида Намангандаги ҳарбий қисмининг қўмондони ва ўзининг ватан

1. Ҳ. Зиёев. “Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш”, - Т. “Шарқ”, 1998, 351-352-бет.

ҳимоячилари устидан қўлга киритган ғалабалари учун генерал унвонини олган Скобелев бўлажак жангга ҳозирликни жадаллаштирди.

1875 йил 25 декабрда генерал Скобелев Наманганда 4 та рота, 40 казак ва 10 тўп, Чустда 2 та рота, 20 казак, 6 тўп, Оқжарда 2 та рота, 100 казак ва 2 тўп қолдириб, 2800 киши ва 12 тўпдан иборат қўшин билан Андижонга йўл олди. Бу вақтда Андижонда Абдурахмон офтобачи 20000 қуролланган халқ лашкари, 5000 сарбоз ва 10000 отлични тўплаганди<sup>1</sup>.

1876 йил 20 январда Абдурахмон офтобачи ўзининг 12 сафдоши, шу жумладан, Ботир Тўра, Исфандиёр, Холиқул Парвоначи, Нормухаммад додхоҳ ва бошқалар ҳамда 700 йигити билан Скобелевга таслим бўлди.

Пўлатхон Андижондаги мағлубият ва Абдурахмон офтобачининг душманга таслим бўлганини эшитиб, унинг ака - укалари ва келинини ўлдиртирди. Аини бир пайтда штабс - капитан Святополк - Мирский, унтер - офицер Ф.Данилов, яна 8 кишидан иборат рус асирларини ўлимга ҳукм этади. Генерал Скобелев ватан ҳимоячиларининг асосий қисмларига зарба бергач, Миллер - Закомелскийга 600 казак, ракета батареяси, 2 та рота пиёда аскар ва 4 тўп билан Марғилонга Пўлатхонга қарши юришни тайинлаб, Наманганга жўнайди. Ҳарбий қисмнинг шатб бошлиғи лавозимида кейинчалик ҳарбий вазир бўлган капитан Курапаткин турган. Унинг раҳбарлигидаги қўшин 1876 йилнинг 27 январида Пўлатхонинг изи билан юриб, 1876 йилнинг 28 январида Учқўрғонни қуршаб олди. Сўнгра улар тўсатдан ҳужум қилиб, у ерга бостириб кирдилар. “Девордан биринчи бўлиб, - дейилади рус манбасида, - капитан Курапаткин кирди. Ўрдада Пўлатхонни қутқариш учун жонини тикканлар билан қўл жанги бўлди. Бу вақтда 300 солдат 4 тўп билан етиб келиб, дарҳол жангга ташланди. Пўлатхонни кучлари сочилиб кетди. Пўлатхон чекинишга мажбур бўлди ва 1876 йилнинг февралда Учқўрғонда Пўлатхон асир олинди ва шу йилнинг 1 мартда Пўлатхон Марғилон бозорида ҳарбий суд ҳукми билан осиб ўлдирилди. Рус ҳукумати бўлажак хавфнинг олдини олиш учун қўзғолончиларнинг айримларини қатл қилди. Кўзга ташланганларидан Абдурахмон офтобачини Екатеринбург шаҳрига, Насриддинхон Владимир губернасига (ҳар иккисига нафақа таъминланган ҳолда), Иса Авлиё Омска, Ботирхон Тўра Тобольск губернасига сургун қилинди. Босқинчилар мамлакатга ўзлари бостириб кирганликлари ва урушни ўзлари бошлаганликларига қарамай, ҳарбий ҳаражатларни ундиришга ҳаракат қилдилар. Масалан, Кауфман Пўлатхонга ён берганлиги учун Марғилон беклигига 125,000 тилла (500 минг сўм) товон солган эди.

Шу тарзда Россия босқини оқибатида 1876 йил 19 февралда Қўқон хонлиги ҳам тугатилди ва Фарғона вилояти ташкил қилиниб, Туркистон генерал - губернаторлиги таркибига киритилди. Шундай қилиб, чексиз хўрлашларга қурилган 50 йиллик рус империясининг мустамлакачилик

1. Ҳ.Зиёев, ўша асар, 354-бет.

сиёсати Наманган шаҳри қиёфасига, халқнинг турмуш тарзига, маънавий - маърифий муҳитига ҳам катта таъсир кўрсатди. Энг аввало улкан бойлик - халқнинг мустақиллиги қўлдан кетди. Эрк, озодлик ўрнига қарамлик, зулм кириб келди.

Туркистонда мустамлакачилик идора усули жорий этилди. Бунга кўра Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларга, вилоят уездларга, уездлар участкаларга бўлинган. Вилоят ҳарбий губернаторлигига генерал даражасидаги, уезд бошлиғига полковник даражасидаги, участка бошлиғига капитан даражасидаги зобитлар тайинланган. Мазкур маъмурий тузилманинг ўзаги уезд бўлиб, унинг бошлиғи генерал-губернатор томонидан тасдиқланган ва катта ваколатга эга бўлган. Уезд бошлиғи маъмурий, полиция, ҳарбий ҳокимиятларни ўзида бирлаштирган. Одамларга жарима солиш, 7 кунгача ҳибсда сақлаши мумкин бўлган, шу боисдан уни “ҳокимтўра” деб ҳам аташган. Участка бошлиқлари ҳам одамларга жарима солиш, уч кунгача ҳибсда сақлаб туриши мумкин бўлган.

Қишлоқларни бошқариш учун участка бошлиғига бўйсунувчи бўлиш ва овул маъмурий бошқаруви жорий этилди. 1 - 2 минг хонадон яшовчи ҳудуд бўлиш бўлса, 1 - 2 юз ўтовли ҳудуд овул деб аталди. Туб ерли аҳоли орасидан бўлиш бошқарувчиси (оқсоқол ёки мингбоши), қишлоқ оқсоқоллари (юз боши, эллик боши, ўн боши) ҳамда овул оқсоқоллари, уларнинг ўринбосарлари сайланадиган бўлди. Аммо бу маҳаллий бошқарув тизими Россия маъмурияти қўлида эди, номигагина сайланган маҳаллий аҳоли вакиллари уларнинг қўлида қўғирчоқ бўлганлар.

Ўлкада, жумладан, Наманганда ташкил этилган полиция ва суд идоралари ҳам мустамлакачилик тартибини мустаҳкамлашга, маҳаллий аҳолининг ҳар қандай норозилик ҳаракатларини бўғиш ва бошқаришга қаратилган эди. Чоризмнинг маъмурий идора усули ўлкани иқтисодий ўзлаштириш, аҳолини маънавий жиҳатдан тобеликда сақлаш, руслаштириш сиёсати билан уйғунлаштирилганди.

## КЎҲНА ШАҲАРНИНГ ҚАДИМГИ МАВЗЕЛАРИ

Ўтмишда Наманган шаҳри тўрт даҳага бўлинган: Дегрезлик, Сардоба, Лаббайтоға, Чуқур кўча.

Шаҳарнинг шарқий қисми Дегрезлик даҳаси деб юритиларди. Дегрезлик - чўянгарлик демақдир. Фишткўприқдан Отауллохон тўра масжиди (ҳозирги мадраса)гача бўлган ҳудудда, кўча буйларида қатор дегрезлик устахона ва дўконлари бўларди. Ҳунармандлар чўян эритиб, ундан қозон, ўғирча, омов тиши каби буюмлар, асбоблар ясашарди. Дегрезлик сўзи шундан олинган. Мирзо Бобур "Бобурнома" асарида чўян қўйиш - дегрезлик жараёнини батафсил ёзиб қолдирган.

Дегрезлик даҳасига ҳозирги Уйчи кўчаси атрофлари кирган. Бу кўча Сумалак гузари яқинида икки томонга айрилиб, бири Чортоқ кўча дейилган. Шу йўлдан Машад қишлоғи орқали Чортоққа борилган.

Фишткўприқдан тортиб Тахтакўприқ, Наманган педагогика билим юрти, 43 - ўрта мактаб атрофлари, Намангансойнинг чап қирғоғигача бўлган ҳудудлар ҳам шу даҳага кирар эди.

Иккинчиси эса ҳозирги 2 - шаҳар туғруқхонаси ёнидаги кўча бўлиб, Уйчи қишлоғига қараб йўналган. Чортоқ, Уйчи атрофларидаги қишлоқларида яшовчи аҳоли, асосан деҳқончилик билан шуғулланувчилар ўзларининг меҳнат қуролларига бўлган муаммоларини ҳал қилиш учун бу ерга тез - тез келиб турганлар ва букортмалар берганлар.

Юқорида таъкидланган кўчалардан то шаҳар чеккасига чиққунга қадар бўлган йўналишда гоҳ арава сиғадиган, гоҳ сиғмайдиган, боши берк ёки айланиб ўтиб, асосий кўчаларга чиқиладиган кўплаб кўчалар мавжуд бўлган.

Чуқуркўча даҳасида Чорсу майдони гавжум бўлгани каби, Дегрезлик даҳасида Фишткўприқ ва унинг атрофларида эртадан кечгача турли - туман буюмларни сотувчи ва харид қилувчи кишиларнинг ғалаговурларини эшитиш мумкин бўлган.

Фишткўприқдан кун чиқар томонга ўтишингиз билан кўчанинг икки бетида темирчилик, мисгарлик, заргарлик, аравасозлик, аравага қўшиладиган отларга тўқим, бўйинтуруқ, қамишдан бўйра, бордон тўқилган. 1-2 метр ҳажмдаги турли қурилиш материаллари ҳисобланмиш чийларни, кўнчи ҳунармандларнинг устахоналарини, боққоллик дўконларини учратиш мумкин эди. Бошқа даҳаларга хос турли - туман ҳунармандчилик соҳалари мавжуд бўлса - да, Дегрезлик даҳаси, юқорида таъкидланганидек, асосан металга ишлов бериш билан ном чиқарган эди. Бу даҳадаги темирчи - ҳунармандлар метални эритиб турли буюмлар ясаш билан алоҳида ажралиб турганлар. Темирчилик устахоналарида омов тиши, Қўқон арава ғилдираклари учун тасма шаклидаги қоплама, арава гупчаги учун ишлатиладиган қувур шаклидаги қўймаларни, кетмон, теша, болта, иморат қурадиган усталар учун металл асбобларни тайёрланар эди. Айниқса, қозон қўйиш устахоналарида қатта - кичик ҳажмдаги чўян қозонлар кўплаб ишлаб чиқарилар эди.

Металл эритиш мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу ишни бажаришда ниҳоятда тезкорлик ва эпчиллик талаб қилингани учун ҳар ким ҳам бу ҳунарнинг уддасидан чиқмас эди. Темирчилар тайёрлаган асбобларни шу ернинг ўзига чархчилар томонидан чархланиб тайёр ҳолга келтирилган. Ҳозирги 15 - ўрта мактаб рўпарасида озиқ - овқатлар билан савдо қилувчи бозор бўлиб, даҳа аҳолиси ҳамда шаҳарнинг кунчиқар томонидан келадиган деҳқонлар, савдогарлар озиқ- овқат, мева - чеваларни сотиб, ўзлари учун зарур бўлган деҳқончилик асбобларини, уй - рўзгорда ишлатиладиган буюмларни олиб кетганлар.

Ҳар бир даҳада бўлгани каби Дегрезлик даҳасида ҳам аҳолининг маданий - маънавий ҳолатини озми - кўпми қониқтириб турувчи масжид, мадраса, ҳаммомлар ишлаб турар эди. Булардан бири меъморий маҳобати ҳамда баландлиги билан ажралиб турувчи 1916 йилда қурилган Ота Валихон Тўра мадрасаси ҳисобланади. Бу мадраса учун ишлатилган ғиштнинг тупроғини тузини ювиб ташлаш учун ойлаб сув оқизиб турилган, шундан кейингина лой тайёрланиб, ишланиб, ғишт тайёрланган. Бу ғишлар ниҳоятда авайланиб, эҳтиёткорлик билан хумларда пиширилган, шунинг учун ҳам юқори сифатли бўлиб, ундан қурилган иморатлар мустаҳкам ва кўркам бўлган. Бинобарин, даҳадаги бу меъморчилик обидаси Урта Осиёда муҳташам осори - атиқалардан ҳисобланади.

Дегрезликнинг маълум жойларидан карвонсаройлар ўрин олган. Бу жойлар ҳафтанинг жума ва якшанба кунлари от, эшаклар қўшилган аравалар билан тўлиб кетар, отларнинг кишлонаши, эшакларнинг ҳанграши бутун шаҳарни тутиб кетар эди. Қишлоқлардан ташриф буюрган деҳқонлар, баққоллар юмушларини бажариб бўлганларидан кейин кечга яқин ўз манзилларига тарқалганлар.

Даҳанинг ҳар маҳалласида тунги қоровуллар бўлиб, улар кечалари аҳолининг тинчлигини таъминлаб турар эдилар. Одатда қоровулларнинг қўлида қаттиқ ёғочдан ясалган шақилдоқ бўлган. Бу қуролларни эндиликда музейларда учратиш мумкин.

Шаҳарнинг гарбий қисмида Сардоба даҳаси жойлашган. Бу ерда ўтмишда қурилган сардоба бўлган. Мутахассислар фиркича, Урта Осиёнинг бепоён чўллари, сувсиз даштлари бўйлаб ўтувчи савдо йўлларидаги карвонлар, қўшинлар, сайёҳлар ҳамда бу ҳудуддаги чорвадорларининг сувга бўлган доимий эҳтиёжи сардобаларни барпо этишга олиб келган асосий сабабдир. Афсуски, Ислом давригача Урта Осиёда сардобалар мавжудлиги тўғрисидаги ёзма маълумотлар ҳам, қадимги сардобаларнинг харобалари ҳам бизгача етиб келмаган. Сардобаларнинг Урта Осиё ҳудудида барпо бўлиши ҳақидаги илк ёзма маълумот Х асрга оиддир.

Мутахассислар фикрига кўра, сардоба сўзи форсча "сард" - совуқ, муздек ва "об" - сув сўзларининг қушилишидан ясалган бўлиб, "совуқ сув", "муздек сув" маъносини беради. Шу билан бирга "Сардоб" атамаси Қазвиндаги шаршара ва Испаниядаги орол номида ҳам учрашини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.<sup>1</sup>

1. Ў. Мавлонов, Д. Маҳкамова, "Маданий алоқалар ва саздо йўллари", Тошкент "Академия", 2004, 68-69 бетлар.

Сардоба даҳасига ҳозирги Тўрақўрғон, Ахси, Қўқон, Ғалча, Марғилон кўчалари кирган.

Даҳадаги ҳар бир кўча, маҳалла ва аҳоли савдо - сотиқ қиладиган жойларнинг ҳам ўз номлари бўлган. Биз тарихдан биламизки, қадимда Ўзбекистоннинг сув танқис бўлган жойларида катта - кичик ҳажмли сув сақлагичлар қурилиб, ёзнинг иссиқ кунларида фойдаланилган. Ўз касбининг моҳир усталари махсус жойларда чуқур ва катта ҳажмда ҳовузлар қавлаб, унинг таги ва ён томонларини пишган ғишт билан уриб, юқори қисмини эса гумбаз шаклида ишлаб чиққанлар. Сув олиш учун бу иншоотнинг ҳар жойидан кичик эшиклар ўрни қўйилган. Сув сақлагич бўлган сардобаларнинг атрофи ва тепа қисми ёпиқ ҳолда бўлганлиги учун унинг ичига қуёш нурлари тушмас ва шу тариқа сув айнимасдан, муздек ҳолда сақланган. Наманган шаҳридаги сардоба ҳам ҳудди шу йўсинда қурилган.

Сардобалар марказда бўлгани учун унинг атрофи турли-туман ҳунармандчилик устахоналари, савдо-сотиқ қилинадиган гавжум жойлар ҳисобланарди. Масалан, Қўқон кўчанинг бошланиш қисмида кўмир билан савдо қилинган, ўрик, тут, ёнғоқ, нок каби дарахтларни кесиб ғўла шаклида махсус ишланган ўчоқларда куйдирилиб, кўмир тайёрланган.

Уни асосан темирчилар, мисгарлар ҳамда заргарлар сотиб олган. Ҳозир ҳам онда - сонда "кўмирхона" деган сўзни катта ёшдаги кишилар ишлатиб туришади.

Марғилон кўчасининг бошланиш қисмини Исфархон деб аталиб, у ҳозирги универмаг биноси ўрнидаги каттагина майдонни ташкил этган. Унинг атрофида баққоллик дўконлари, чойхоналар жойлашган Бу ерда ҳайит ва турли - туман байрам сайларида кўнгил очар ўйинлар кўрсатилган.

Ҳозирги 5-ва 6 - ўрта мактаблар ўрнини каппон бозори деб аталиб, бу ерда асосан озиқ - овқат маҳсулотлари сотилган. Каппон бозори деган номни катта ёшдаги кишилар ҳануз тилга олиб туришади.

Даҳада тақачилик устахоналари жойлашган бўлиб, унинг ўчоғида доимо олов гуриллаб ёниб турар, темирчи усталар ўз дўконларида асосан ўроқ, кетмон, теша, болта, тақа каби буюмлар ясаганлар. Устахоналар эшигининг ёнида от боғлаш учун махсус жойлар ажратилган, темирчилар отларга тақа қоқиш билан машғул бўлганлар.

Сардобанинг кун чиқар томонига юришингиз билан қовун - тарвуз ва бошқа полиз маҳсулотлари билан савдо қилувчи бозорга дуч келасиз. Дехқонлар қўқон араваларни отдан чиқариб, соясида уюм - уюм қилиб қўйилган полиз маҳсулотларини сотиб ўтирганлар.

Лаббайтоға даҳаси Наманган шаҳрининг энг кекса ва ўтмиши турли - туман, қизиқарли ҳамда айрим ҳолларда ачинарли тарихий воқеаларга бой бўлган даҳа ҳисобланади. Кекса авлод вакилларининг айтишича, ислом лашкарлари ва саҳобалар Фарғона водийсидаги ҳудудларга келишгандан кейин мусулмончилик қонун - қоидаларини тарғиб қилиш учун ҳар бир саҳоба бирор бир аҳоли истиқомат қиладиган жой атрофида аҳолини ислом динига даъват қилиб, унинг қонун -

қоидаларини ўргатиб борган.

Мана шундай кишилардан бири Подшоота бува ва у кишининг жиянлари ҳисобланган эди. Жиянлари Наманганда истиқомат қилган бўлиб, кунлардан бир кун Подшоота бува уни бир юмуш билан чақирган эканлар. Шунда жиян “Лаббай тоға” деб жавоб берган эканлар. Шунинг учун ҳам бу жойнинг номи кейинчалик “Лаббай тоға” деб аталган, дейдилар. Биз биламизки, ҳар бир ривоятнинг тагида озми - кўпми ҳақиқат мавжуд. Ўлкамиздаги Қораполвон, Полосмонбува, Қоровулбува, Оқтом, Сафед булон каби жойлар ҳам халқимизни яхшиликка, эзгуликка чақирган шахслар номи билан боғлангандир.

“Лаббай тоға” Соли Адашев номли кўчанинг бошидан охиригача, шимолий Фарғона канали соҳилидаги Олтитош мавзеси ва ҳозирги вилоят сув хўжалиги бошқармаси жойлашган ерларгача бўлган минтақани ўз ичига олган. Лаббай тоға даҳасида Мулла Бозор Охунд, Курашхона, Похолбосган, Қувурбоши, Етти тошли, Тегирмон ҳамда Қаландархона номлари билан аталадиган кўҳна жойлар кўп бўлган. Бу даҳадаги Мулла Бозор Охунд шарафига тикланган мақбара аждодларимизга нисбатан бўлган чуқур ҳурмат нишонасидир.

Тарихдан маълумки, Мулла Бозор Охунд XVII асрнинг биринчи ярмида халқни инсонпарварликка, эзгуликка, меҳр - оқибатга, илм - маърифатга, маънавиятга тарғиб қилувчи йирик олим сифатида машҳур киши бўлган. Бу уламо ҳамюртимиз, оташнафас шоир Бобораҳим Машрабнинг биринчи устози ҳисобланган. Шунинг учун ҳам Мулла Бозор Охунд мақбарасини ва қабрини зиёрат қилувчилар билан бу атроф доимо гавжумдир. Ҳар бир даҳанинг асосий кўчаси бўлгани каби Лаббайтоға даҳасида ҳозирда Соли Адашев номи билан аталувчи кўча ҳисобланган. Кекса кишиларнинг айтишларича, ушбу кўчанинг Қирғиз кўча, Савдогаркўча, Анорзор каби номлари ҳам бўлган.

XIX аср ўрталарида Янгиарик, XX аср бошларида Розенбах ариги (ҳозирги Шимолий Фарғона канали) ҳамда темир йул ўтиши билан даҳа аҳолиси кўпайиб, турли касб эгаларининг сони кўпайган.

Даҳада тарихий жойлари кўп. Булардан бири Курашхона деб аталувчи мавзедир. Қадимда бу жой катта майдон бўлиб, бир томонда Мулла Бозор Охунд номи билан боғлиқ бўлган ерлар мавжудлиги учун Рамазон, Қурбон ҳайитларида ва бошқа каби тантанали маросимларда ҳафталаб сайллар ўтказилган. Бу кунлари дорбозлар, масҳарабозлар, кўгирчоқ ўйнатувчилар ва бошқа халқ санъаткорлари ўз маҳоратларини намойиш этиб, байрам тантаналарига завқ-шавқ бағишлаган. Шу билан бирга бу байрамларда теварак - атрофдаги машҳур полвонлар ўртасида кураш мусобақалари машҳур бўлган. Шундан келиб чиқиб бу жойнинг номи Курашхона деб аталган. Курашхона номи билан боғлиқ бўлган тарихий фожиа 1916 йилда содир бўлган. Чор Россиясининг ерли аҳолидан мардикорликка олиш сиёсатиға қарши кўтарилган кўзғолонлар маркази айнан шу Курашхона бўлиб, бунинг натижасида норозилик билдириб чиққан қуролсиз аҳолининг кўпчилиги ўлдирилган, айримлари Сибирга сургун қилинди. 40 дан ошиқ кишининг қони тўкилгани учун Курашхона

деб номланган деган мулоҳазалар ҳам бор.

Яна бир жой Похол босган деб номланган. Ҳозирда ҳам бу ном аҳоли ўртасида тилга олиниб турилади. XIX асрнинг ўрталарида ҳозирги Янги ариқ қавланиб, Намангансой бўйига етиб келинганида ариқ сувини қандай қилиб сой ўзанидан олиб ўтиш масаласи кўндаланг бўлган. У даврларда ҳозиргидек катта хажмдаги темир қувурлар бўлмаган. Мироблар анча фикрлашиб олгандан сўнг, сойга ёғоч устунлар ўрнатиб, унинг устига ариқ шаклида бўлган мосламани, яъни новни ўрнатадилар. Новнинг таги ва ён тарафлари алоҳида тўқилган шохлар ва ажириқ аралаш лой билан сувалган. Бу қурилма ниҳоятда сермеҳнат бўлиб, ҳар сафар сой сувлари тошган пайтда, новнинг у ер - бу ерлари ўпирилиб кетар эди. Бу ўпирилишни қайта тиклаб, сув оқимини давом этдириш мақсадида сойнинг ҳар икки қирғоғига доимий равишда 20 - 30 арава миқдорида похол ва шох - шаббалар уюб кўйилган. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли бу ерни Похол босган деб атаб келган. Кейинчалик XX асрнинг бошларига келиб Янги ариқнинг суви темир қувурлар орқали сойнинг тагидан ўтказилган. Шунинг учун бу жойлар кейинчалик Қувур боши ҳам деб атала бошланган.

Наманган шаҳрининг даҳаларидан яна бирининг номи "Чуқур кўча" деб аталади. Бу даҳа шаҳарнинг энг гавжум, турли - туман ҳунармандчилик устахоналари ва дўконлари жамланган қисмига жойлашган. Ҳозирги пайтда ҳам айрим белгилари сақланиб қолган. "Чуқур кўча" деб номланишининг асосий сабаби шуки, аҳолининг асосий қисми истиқомат қиладиган "Жийдакапа" кўчаси ҳозирги кун ҳолатига нисбатан яқин 1,5- 2 метр чуқурликда жойлашган. Буни биз ажойиб архетектура ёдгорлиги ҳисобланган "Ҳожамнинг қабри" мақбарасининг кўчага нисбатан жойлашганлигидан билиб олишимиз мумкин. Ҳақиқатдан ҳам мақбара ҳовлиси кўчанинг ҳозирги кун ҳолатига нисбатан 1 метр пастликда турибди.

Чуқур кўча даҳасига "Жийдакапа", "Совунгарлик"- ҳозирги Самарқанд, Тошкент кўчалари ҳамда Мулла Қирғиз мадрасасининг шимол томондаги ҳозирда янги бинолар қурилиши муносабати билан кўча ҳолатини йўқотган кўплаб катта- кичик кўчалар кирган эди. Ҳар бир кўчанинг ўзига хос номи ва у ерда истиқомат қиладиган ҳунармандлари бўлган. Масалан, Жийдакапа кўчасининг икки томонида тандирчилар, кулоллар, сандиқчилар, йигчилар, қисман темирчиларнинг устахоналари жойлашган. Бу кўчани баъзида кексалар "Кўзагарлик кўчаси" ҳам деб атаб келишади.

Ҳозирги Тошкент ва Самарқанд кўчаларида совунгарлар истиқомат қилган бўлиб, бу жойларда асосан совун тайёрланган. Ҳозирги марказий универмагнинг қаршисидаги кичик- кичик кўчаларда яшовчи аҳоли асосан нонвойлик ва ошпазлик билан шуғулланиб келишган. Ҳозир ҳам ўша анъана бор ва "Ширмонпазлар" кўчаси ва маҳалласи деган номлар сақланиб қолган. "Спартак" ўйингоҳи ўрнида "Раста" деб аталувчи ёпиқ томли "Баззозлик" бозори бўлиб, у ерда асосан турли хил шойи,



атлас, бахмал, беқасам, олтивоқ, бўз, чит каби матолар, пойабзаллар савдоси қилинган. Бундан ташқари, хорижий мамлакатлардан олиб келинган хилма- хил буюмлар, кийим- кечаклар ҳам сотилган. Аввалги автобус бекати атрофида эса “Кўдингарлар”, яъни тўқилган шойи газламаларни пардозлайдиган, гул соладиган хунарамандларнинг ҳамда ип ва газламаларга бўёқ берадиган бўёқчиларнинг устaxonалари жойлашган бўлгани учун ҳам бу ерларни кўдингарлик ва бўёқчилик деб аталган.

Ҳозирги “Уйчи” кўчаси илгари вақтда торгина кўча бўлиб, унинг икки томонида чойхоналар ва ошхоналар, улар оралиғида эса қандолатчилик дўконлари жой олган. Буларда ҳолва, пашмак, парварда, ҳолвайи совунак, печак, новвот каби ширинликлар билан савдо қилинган.

Кўчанинг ҳар жой - ҳар жойида карвонсаройлар жойлашган бўлиб, бу ерларга атроф қишлоқлардан келган деҳқонлар ва қўшни шаҳарлардан келган савдогарлар от- араваларини қўйган ва кечалари тунаган.

Чуқур кўча даҳаси маркази “Чорсу” бўлиб, ҳозирги вақтда ҳам шу ном билан атаб келинади. “Чорсу” сўзининг маъноси “Тўрт томондан кесишган кўча” демакдир. Бу каби номни Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарларида учратиш мумкин. Чорсуга Жийдакапа, Уйчи ва Зирабулоқ кўчалари туташган, тўрт томонга кетиш ва келиш мумкин бўлган. Ҳозирги “Чорсу” меҳмонхонанинг олд қисмида 1912 йилда қурилган Мулла Қирғиз мадрасаси рўпарасида XIX аср ўрталарига мансуб Саидқулибек номи билан аталувчи ҳашаматли мадраса жойлашган эди. Унинг шарқ томонида ҳам мўъжазроқ мадраса ва масжид мавжуд бўлган.

Даҳанинг ҳозирги автобус бекати жойлашган “Ғишткўприк” ҳудудида эса кўплаб қабристонлар бўлган. Ҳозирда ҳам бу бекатнинг чеккасида йўл бўйида, Намангансойнинг қирғоғида бир қабр сақланиб қолган. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки ўтмишда шаҳримиз аҳолиси озчиликни ташкил қилган, ҳар бир маҳалла ўзига яқин майдонларни қабристон қилиб олаверган. Хўжамни қабри, Яккагўр, Танҳогўр, Чоргўристон ва шунга ўхшаш кўплаб номлар ҳозирда ҳам сақланиб қолганки, бу ҳам фикримиз исботи. Мулла Қирғиз мадрасаси атрофида сада, чинор каби кўп йиллик серсоя улкан дарахтлар мавжуд бўлиб, бу дарахтларга лайлақлар ин қуриб, тухум қўйиб бола очар эдилар. Бу дарахт шохларида доимо лайлақларни қўниб туришини ва ўзига хос тарзда сайрашини одамлар кузатиб туришган. Шунинг учун ҳам бу жойни шаҳар аҳолиси “Лайлақ уя” деб аташган. Юқорида тилга олинган меҳмонхона битгач, тарихий атамани сақлаб қолиш мақсадида “Чорсу” деган ном берилди.

Наманган шаҳрида лайлақларнинг кўплиги шаҳар атрофи сувга сероблигидан далолат бериб туради. Қаердаки кўллар, дарёлар яқин бўлса, ўша ерда бу ажойиб қушлар кўп бўлади. Наманганликлар лайлақни хосиятли қуш деб билиб, унга ҳеч бир зиён-заҳмат етказишмаган, безовта қилишмаган. Шунинг учун лайлақлар шаҳар марказида бемалол,

хотиржам яшашган. Ҳақиқатдан ҳам дунёнинг кўплаб халқлари, айниқса Европа халқлари лайлакларни бахт-иқбол келтирадиган куш сифатида эъзозлаб келишган. Наманганликлар ҳам шундай фикрда бўлишган.

Илгари турар жой ҳақидаги муълумотда аввал даҳа, кейин маҳалла, сўнгра кўча номи ва уй рақами кўрсатиларди.

Ҳар қайси даҳада бир неча маҳалла бўлади. Кишиларнинг тарихий ривожланган бир неча оилалардан ташкил топган бирлиги - маҳалладир. Шароит бўйича ҳар бир оила учун ўнг, сўл, орқа ва олд томонидаги қирқтадан хонадон, жами 160 хонадон қўшни мақомидадир. Мусулмон ёки ғайридин экани маҳалладошлиқда аҳамиятсиз.

Маҳалла деганда, Ватан ичра Ватан бўлган муқаддас бир маскан кўз олдимизга келади. Шу маскан замирида бизнинг узоқ йиллик ўтмишимиз, ўзлигимиз намоён бўлади.

Маҳалла фуқароларнинг ташаббуси билан ташкил этилган тарихий жамоадир. Тарихчи олим Наршахий "Бухоро тарихи" асарида 1100 йил илгари ҳам маҳаллалар бўлганлигини қайд этиб ўтган. Демак, маҳалла бундан минг йиллар илгари мавжуд бўлиб, ўзига хос ички тартиби, қоидалари, ёзилган ва ёзилмаган қонунлари бўлган экан. Хулоса ўрнида таъкидлаймизки, Наманган шаҳри маҳаллалари, мавзелари асосан шу жойда яшайдиган аҳолининг касб - ҳунарига боғлиқ ҳолда номланиб келган. Кўчалар кесишган ерларда, чорраҳаларда жойлашган, чойхоналари, боққоллик, қассоблик каби дўконлари бўлган обод, гавжум ва серқатнов жойлар эса гузар деб юритилади.

Энди ана шу гузарлар ҳақида тўхталиб ўтайлик. Курашхона гузари қандай маънони англатишини юқорида айтдик.

Лангар деган жой - мавзени кўпчилик билади. Лангар, биринчидан, йўловчилар, карвон тўхтаб - қўниб ўтадиган манзил маъносини, англатади. Демак, шаҳардаги бу мавзе ана шундай ҳожатбарор, ҳайрли маскан бўлган.

"Қиссаи Машраб" да ҳам бу жой номи тилга олинади:

Алқисса, Шоҳ Машраб Лангар мазоридан чиқиб, ўз ҳасби ҳолларига бу ғазални ўқудилар:

*Наманган шаҳридан кетсам,  
мани йўқлар кишим борму?  
Ғариблик шаҳрида ўлсам,  
мани йўқлар кишим борму?*

Шаҳарнинг обод жойларидан бир - Испархон. Бу ном Эрондаги қадимий йирик шаҳар, III - VII ва XVI - XVII асрларда пойтахт бўлган Исфакхондан олинган (майдонлар, қишлоқларни машҳур шаҳарлар номига қўйиш одати бор). Исфакхон мис идишлар ясаладиган жой маъносини билдиради. Наманганнинг Испархонида илгарилари қатор мисгарлик ва темирчилик дўкон - устахоналари бўларди. Мис обдастанинг бир турини исфакхони дейилади. Шоир Абдулкарим Фазлий Намангандаги

қариндош-уруғ, ёр-дўстларига йўллаган бир шеърий мактубида Амир Умархон вафотидан кейинги йилларда дучор бўлган қийинчиликлари, кадрсизланганликларини, она шаҳри Наманган соғинчини ифодалаб, Испархон гузарини ҳам тилга олади:

*Намозшомдин илондек тўлғониб,*

*зшикка чиқмоқ йўқ,*

*Бу ойдин кечаларда юргали ул Исфaxon йўқдур.*

Шаҳарда Иброҳим гузари, Қози гузари, Сумалак гузари, Орифбой гузари, Исҳоқ чўян гузари, Атанган гузар, Пастгузар деб аталувчи гузарлар мавжуд. Ҳар бир маҳалланинг ўз гузари бор.

Сумалак гузаридан жанубга томон катта бир ариқ ўтган. Ариқ устида тегирмон, обжувозлар бўлган. Бурилиш жойга борганда ариқ суви юқоридан пастга шарқираб тушиб, шаршара ҳосил қилган. Шаршара маҳалласи номи шундан олинган.

Бобур шоҳ кўчасидан кираверишдаги бир жойни Танҳоғўр деб аталади. Бу ерда яққа қабр бор. Адабиётимизнинг ёрқин юлдузи Усмон Носир шу маҳаллада таваллуд топган. Бу жойдан нарироқдаги маҳалла - Қалқонқулоқ. Таниқли шоир Рафиқ Мўмин шу ерда туғилган.

Бордонқўрган. Вилоятимизда “Кўрган” сўзи қўшилиб номланган бир қанча туман, қишлоқлар, масканлар бор. Янгиқўрган, Учқўрган, Тўрақўрган, Тепақўрган, Ерқўрган, Қумқўрган, Шўрқўрган, Қорақўрган, Тошқўрган. Наманган шаҳрининг шимолида, Шимолий Фаргона каналининг шундоқ ўнг қирғоғида, Янгиқўрган йўли ёқасида баланд адирлик қад кўтариб туради. Уни Бордонқўрган дейилади. Бу адир ер юзасидан анча баланд бўлгани учун халқ орасида нақл юрарди: “Бордонқўрганга сув чиқадими?” - деса, “Ҳа, чиқади”, деябер. Бу нақл чинга айланиб, ўтган аср ўрталарида Бордонқўрганга сув чиқарилди ва бу жой кўкаламзор, дарахтзор бир масканга айланди. Бордонқўрган шу жойнинг қадимий номи.

“Шоҳ Машраб қиссаси” да ҳам бу ном зикр этилади. Ўн саккиз йиллик мусофирликдан Наманганга қайтиб келган ўғли Шоҳ Машрабнинг дийдорини кўришга мушарраф бўлган онаи зори: “Эй бор Худоё, эмди омонат жонни ол, санга топшурдум, Аллоҳу Акбар!” - деб жон баҳақ таслим қилади.

“Алқисса, шоҳ Машраб оналарининг қабрида қирқ кун тиловати Қуръон қилиб, андин сўнг бир кеча ётиб, истихора қилиб кўрдиларки, - дейилади қиссада, - Бухорода - мадрасаи Кўкалдошда Мавлавий Шариф етти туман кишига дарс айтурлар. Шул бузургни зиёрат қилмоқни ихтиёр қилдилар. Бозор бошига қелиб, шўри фиғон қилиб, бир неча ғазал ўқудилар:

*Ишқ ўтига ўртаниб, девона бўлган ўзгинам,  
Кую - кую кул бўлуб, ўтдек туташган ўзгинам...*

*Нолаву оҳим била дўзахни куйдурсам керак,  
Ҳам беҳишту жаннати мавони куйдурсам керак...*

- деб Бордонқўргонга чиқиб, атрофи жавонибга наззора қилиб, Бухоро тарафига равона бўлдилар”.

Кўприклар номи билан. Наманганда Тахтакўприк, Ғишткўприк, Қизилкўприк деб номланувчи маҳалла, мавзелар бор. Катта ариқ устига тахтадан кўприк қурилгани учун бу жойни Тахтакўприк деб аталиб келинади. Сой устига ғишдан мустаҳкам кўприк барпо қилингани учун бу масканга Ғишткўприк номи берилган. Ғишткўприк сойнинг икки томони - шаҳарнинг икки қисмини бир - бирига боғловчи асосий восита бўлиб келган. Бу кўприк 1949 йилдаги кучли селда қисман бузилди ва кейин қайта тикланди.

Қизилкўприк. Нега Қизилкўприк? “Қизил” сўзи шўро замонида кўшилган деб ўйлаб, уни ўзгартирмоқни кўзлаганлар ҳам бўлди. Аслида ундай эмас. Кўприк ёнидаги ёғоч панжараларни маҳалла мутасаддилари қизил бўёқ билан бўятганлар. Шундан кўприк ва у маскан Қизилкўприк номи билан машҳур бўлиб кетган.

Йўналишдаги кўчалар. Наманган шаҳридаги бир қатор кўчалар уларнинг бирор шаҳар, туман ёки қишлоқ томон йўналишларига қараб номланиб келинган: Қўқон кўчаси, Марғилон кўчаси, Аҳси кўчаси, Тўрақўргон кўчаси, Қосонсой кўчаси, Янгиқўргон кўчаси, Уйчи кўчаси, Чортоқ кўчаси, Жийдақапа кўчаси, Ғалча кўчаси. Булар тарихан ва мақсадга мувофиқ номланган ҳамда шу номлар билан ўзлашган. Йўловчилар учун ҳам қулайлик туғдирган. Бироқ кейинги вақтда кўча номларини ўзгартиришга берилиб кетиб, айрим кўчаларнинг номи ноўрин алмаштириб қўйилди. Ҳолбуки, масалан, Марғилон кўчаси шу шаҳарга бўлган йўналишни аниқ ифодалайди. Сирдарё устига янги кўприк қурилгани муносабати билан бу номнинг муносиблиги янада аниқ бўлиб қолди.

Жонажон диёримизнинг ҳар жойи қадрли, ҳар манзили азийз.

Ушбу бўлимни тайёрлашда таниқли адабиётшунос, НамДУ профессори Алихон Халилбековнинг “Қадимий шаҳарнинг қадимги мавзелари” тадқиқотидан (“Наманган ҳақиқати”, 2008 йил 7 июнь) фойдаланилди.

## ЧОРИЗМ ҲУҚМРОНЛИГИ ДАВРИДА НАМАНГАННИНГ СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ

Рус ҳукмронлиги ўрнатилгач, Қўқон хонлиги йўқ қилиниб, ўлканинг сиёсий - маъмурий тизими Россия манфаатлари нуқтаи назаридан шакллантирилди. Олий ва ўрта бошқарув лавозимлари рус ҳарбийлари қўлига топширилиб, туб жой аҳоли вакиллари фақат ижрочи сифатида қуйи лавозимларга тайинланди. Аммо эътироф этиш лозимки, янги саноат корхоналари, почта, телефон, телеграф, темир йўллар қурилди. Шунингдек, маҳаллий аҳоли сон жиҳатдан ўсди, фан, маориф ва маданият, савдо янада ривожланди. Буни биз Наманган мисолида ҳам кўраемиз.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Фарғона области ташкил этилгач, дастлаб у Андижон, Марғилон, Уш, Чимён, Қўқон, Наманган ва Чуст уездларига бўлинди<sup>1</sup>. 1897 йилда Чуст уезди Наманган уездига бирлаштирилиб, ҳарбийлардан уезд бошлиқлари тайинланди. Уездлар эса ўз навбатида, волостларга, волостлар қишлоқ жамоаларига бўлинди. Наманган уезди 29 волостга, волостлар эса 151 та қишлоқ жамоасига бўлинган, Наманган шаҳри эса 4 қисмга ёки участкага - Лаббайтога, Сардоба, Чуқур кўча ва Дегрезликка бўлиниб, идора этилди<sup>2</sup>.

Наманган шаҳри географик жиҳатдан бошқа шаҳарларга нисбатан ноқулай жойлашганлигига (савдо йўлларининг ўтмаганлиги, дарё ва денгизлардан узоқлиги, атрофи тоғлар билан ўралганлиги, сув танқислигига) қарамасдан аҳолиси тез ўсиб борди.

1876 йилда Кауфман шаҳарни кенгайтириб, уни икки қисмга ажратиш ҳақидаги лойиҳани тасдиқлади. Лойиҳага кўра Наманган "эски шаҳар" ва "Янги шаҳар" номи билан аталадиган бўлди. Эски шаҳар тор, қингир - қийшиқ кўчалар, лойдан қилинган уйлар, хуллас, XIX асрдаги типик кўринишида қолаверди.

"Янги шаҳар" қисми эса лойиҳа асосида тўғри ва кенг кўчалар, тош терилган йўллардан иборат бўлиб, бу ерда асосан уезднинг маъмурий идоралари жойлашди ҳамда рус чиновниклари, ҳарбийлар ва савдогарлари яшади. Уларнинг сони йилдан - йилга кўпая берди.

Қўқон хони Худоёрхон фармони билан қурилган мадраса рус қўшинлари учун тайёр мустаҳкам ҳарбий қалъага айланди. Мадраса пишиқ гиштдан қурилган бўлиб, боғ ичида жойлашган эди.

Рус ҳарбий маъмурлари бўлажак боғ ўрнидаги бу қалъани кенгайтириш, ёнига янги бинолар қуриш ва атрофини ураш учун 3 йилгача қурилиш ишларини олиб бордилар. Қурилишга ишлатиш учун хом гишт тайёрлаб, сўнг уни хумдонда пишириш йўлга қўйилди. Тупроқни эса шу атрофга яқин бўлган ҳовуз бўйидан олина бошланди. Олинган тупроқни ўрни аста - секин кенг ва чуқур катта ҳовузга ўхшаб қолди. Ҳарбий маъмурлар бу жойдан кўл сифатида фойдаланиш учун сув тулдиришди.

Кўл ўртасида қолган кичикроқ жойга уезд бошлиғи учун ошхона қурилди. Бу ҳозирги "Шаббода" ошхонасининг ўрни. Яқин кунларгача ҳам болаҳонали айвон сақланиб қолган эди. Кўл ва уезд бошлиғининг ҳовлиси атрофига (ҳозирги вилоят ўлкани ўрганиш музейи ўрнида бўлган)

1. "Туркестанские ведомости", от 13 марта 1876 г., № 13.

2. Й. Қосимов, "Наманган тарихидан лавҳалар", Тошкент; "Фан", 1990, 25-бет.

1878 - 1880 йилларда кўплаб дарахтлар ўтказилди. Ўша дуб, чинор, каштанларнинг кўплари ҳозирги кунгача сақланган. 1884 йили кўл ва дарахтзорлар атрофи ёғоч панжара билан ўраллади. Шу тариқа боғ (парк) - истироҳат маскани ташкил топди.



Наманган шаҳри боғидаги кўл кўриниши

Боғ ва боғдаги кўлнинг барпо бўлиш тарихи ҳақида оғиздан - оғизга кўчиб юрган турли маълумотлар айрим томонлари билан ҳақиқатга яқиндир. Чунончи, Наманган шаҳар уездига бошлиқ этиб тайинланган рус офицери бизнинг иқлимга ва жойларимизга кўника олмай, об - ҳаво ноқулайлиги, хусусан, бу ернинг ёзи ғоят иссиқ бўлишидан шикоят қилиб Россия подшоҳига

Намангандан кетиш учун рухсат сўраб хат ёзади. Россиядан эса кетишга рухсат берилмаслиги ҳақида хабар келади. Лекин унинг илтимосини ҳисобга олиб, яшаб турган жойида соя - салқин боғ ва кўллар барпо қилиш мумкинлиги, бунинг учун ҳукумат томонидан қисман ёрдам берилиши тўғрисида кўрсатма олади. Шунинг учун уезд раҳбарлари Наманган шаҳрида боғ (парк) барпо қилиш ишига тез ва қаттиқ киришиб кетишди. Нисбатан қисқа муддатда (5 йилда) боғдаги асосий ишлар амалда бажарилиб тугатилди. Керакли тупроқни ҳам бошқа жойдан келтирмай, шу яқин жойдан олиб ишлатишди ва юқорида айтганимиздек, сунъий кўл ҳосил қилишган.

1884 йили боғ расман очилди. Ўша пайтдан бошлаб биринчи боғбонлик қилган киши Зарифбоғбон Латиповдир. Кўл атрофидаги азим чинорларни шу киши ўтказган. Боғдан фақат уезд бошлиғи, унинг қариндошлари ва унга таниш бўлган бойлар, амалдорлар фойдаланишган, холос. Маҳаллий аҳолининг, айниқса оддий фуқароларнинг ва ҳатто солдатларнинг ҳам боққа кириши ва дам олиши қатъий тақиқланган. Умумий ер майдони 3 гектардан иборат бўлган бу боғ 1920 йилгача уезд бошлиғига қарашли бўлган!

1893 - 1895 йилларда рус мемори В.С.Гейнцельман лойиҳасига кўра уезд бошқармаси биноси қурилди. Наманганда ҳаммаси бўлиб 5 та банк бўлими бор эди.

Рус босқинчилари бу ўлкани бойлигини ташиб кетишга зўр эътибор бердилар. Шу мақсадда темир йўл қурилиши бошлаб юборилди. 1908 йилда "Кўқон - Наманган темир йўл жамияти" тузилди. 4 миллион 584 минг сўм ақцияли капиталга эга бўлган бу жамиятга Кўқон - Наманган - Андижон орқали Жалолободгача темир йўл шохобчаси қуришга рухсат

1. Ю. Исмаилов, "Наманган фаҳри", Наманган, 2005.

этилди<sup>1</sup>. 1910 йилдан бошлаб қурила бошлаган Қўқон - Наманган темир йўли эса 1912 йил 7 июлда тула биказилиб, темир йўлнинг очилиши муносабати билан катта тантана бўлди. Бу тантаналарнинг қатнашчиси Исҳоқхон Ибрat журналист сифатида уни ёритиб, "Наманганда умумий хабархурсанд" мақоласида темир йўл ва Сирдарё устига кўприк қурилишида қўл келган замона техникасига, халқ қудратига, меҳнатига тасаннолар ўқийди, уларни "хурсандлик тўйи"да қатнашишга чақиради. "7 июлда Наманганда поезднинг дохили муносабати билан ўн икки кун сайл бўлур, фуқаро меҳнатдан роҳатга чиққанини хурсандлик тўйи бўладур".



1912 йил 7 июл. Наманган шаҳрида илк поездни кутиб олиш маросими

Темир йўл Фарғона водийсининг ҳамма шаҳарларига етиб борди. Бунинг оқибатида савдо - сотиқ ишлари бирмунча ривожланди, халқ йўл азобидан қутилди.

Шоир Муқимий "Араванг", "Ароба" каби юмористик шеърларидан қўқон араванинг азобидан нолиб, уша замоннинг янгиликларида бўлган тўрт гилдиракли коляскани қўқон аравага қарама - қарши қўйган бўлса, Ибрat эскилик қолдиғи сарт аравани ва унинг азоб-уқубатларини қоралаш билан бирга, поездни унга қарама - қарши қўйди.

У шеърларидан бирида:

*Наманган аҳлига бормоқ эди  
Утирса сарт ароба узра меҳнат  
устига кулфат,  
Ароба меҳнатидин бормоққа  
бўлмас эди журъат,  
Бу дарёю ароба, меҳнатидин  
айлабон узлат,  
Ажиб бир фойизи ардоқи инсоний  
вагон келди.*

- деб ёзган. Дарҳақиқат, темир йўл шаҳарни шаҳар билан боглаб, йўл ёқасидаги қишлоқларга ҳам енгиллик олиб келган бўлса, четдаги қишлоқларда узоқ вақтгача от - арава асосий ҳаракат воситаси бўлиб қолаверди.

Темир йўллар фаолият кўрсатиши биланоқ нарх - наволар ошиб кетди. Б. Тагеев - Рустамбекнинг ёзишича: "Ниҳоятда озода, хилма - хил одамлар билан тўлиб тошган бозорда бир мунча вақт аввал маҳсулотлар ақл бовар қилмайдиган даражада арзон сотиларди. Бир қадок мол гуштнинг нархи 3 тийин, қўйники эса 5 тийин эди, меваларни гапирмаса ҳам бўлади, улар сув текин. Эндиликда эса, темир йўллар қурилгандан кейин маҳсулотлар кўп миқдорда четга олиб чиқиш кетилаётганлиги сабабли уларнинг нархи осмонга чиқди"<sup>2</sup>.

1917 йилгача Наманган вилоятидаги Андреев ширкатида қарашли

1. Улугбек Долимов. "Исҳоқхон Ибрat". 75-76 бет

2. Б. Тагеев - Рустамбек. "По Азин". 32 - бет.

якка-ю ягона автомобиль ҳисобга олинмаса, вилоятда автомобилнинг ўзи йўқ эди. Фаргона водийсида биринчи бўлиб, Наманган шахрига 1902 йилда автомобиль келган. Барча юклар ва йўловчилар туяларда, араларда ёхуд извошларда ташилар эди. Наманганда йўловчи ташийдиган атиги 13 извош бўлган. Автомобиль транспорти секин - секин пайдо бўлди. 1934 йилда ташкил этилган "Узтранс" ва "Таджиктранс" идоралари ўлкадаги биринчи давлат автомобиль транспорти ташилотлари эди.



1902 йил. Наманган шахридаги биринчи автомобил

Наманганда ҳозирги тушунчадаги саноат бўлмаган. Россия томонидан босиб олингунга қадар Наманганда бирорта завод ва фабрика йўқ эди. Дастлабки пахта тозалаш заводи 1887 йилда қурилди. 1888 йилда учта яна шундай завод қурилиб ишга туширилди<sup>1</sup>.

1892 йилга келиб эса пахта тозалаш, озиқ - овқат ва тўқимачилик саноатига доир 28 та, 1918 йилда эса 44 та корхона ишлаб турди. Жумладан, 17 та пахта тозалаш, 3 та ёғ - мой заводи, 3 та пилла қуритиш, 1 та пиво пишириш, 3 та ғишт заводи, 2 та босмаҳона мавжуд эди.

Саноат, асосан, пахта тозалайдиган завод, обжувоз, тўқимачилик ва ғишт қуйиш устахонлари, кам қувватли электр станция ва шу каби бошқа ҳунармандчилик корхоналаридан иборат бўлиб, биринчи жаҳон уруши арафасида ишчиларнинг тўпланиши буйича (ҳар минг аҳолига 22 ишчи) Наманган Туркистон ўлкасида учинчи ўринда турарди, уларда 4000 ишчи ишлар эди. Улканинг саноат тармоқлари, асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган, шулардан кузга кўрингани пахта тозалаш саноати эди.

1914 йилда Наманганда 28 та пахта тозалаш заводи бўлиб, уездда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг деярли 90 фоизи шу заводларга тўғри келар эди. Технологик ускуналар - пахтадан чигитни ажратадиган машина, яъни жинлар, кам қувватли дизеллар, пресслар чет эллардан сотиб олинарди. 1903 йилда ишга туширилган ва ўша йилларда замонавий корхона ҳисобланган Наманган ёғ заводида атиги 3 та пресс ва қуввати 50 от кучга тенг бўлган 1 та буг машинаси бор эди. Завод бир кеча кундузда 41 тоннага яқин чигитдан ёғ чиқарар эди. Бу заводларнинг кўпчилиги мавсумий бўлиб, бир йилда бор - йўғи 30 кун ишлар эди.

Завод, фабрика ва корхона ишчиларига тўланаётган маошлар жуда кам, уларнинг турмуш шароитлари ҳам аянчли эди. Туркистонлик ишчининг ўртача меҳнат ҳақи Умумроссия ишчиларининг ўртача иш ҳақидан 40 фоиз кам, айрим корхоналарда иш вақти суткасига 13 соатлаб давом этарди. Ака - ука Крафтлар савдо уйининг Наманган шахридаги иккинчи пахта заводидаги ўз вакилига юборган жавоб хати маҳаллий ишчиларнинг аянчли аҳволига далил бўла олади. Бу мактубда

1. "Туркестанские ведомости", от 4 июля 1886 г., № 27.



жумладан, бундай дейилган: “Муҳтарам жаноблар! Сизнинг 1916 йил 1 августдаги меморандумингизга жавобан хабар қиламизки, буюқ ишларига пудратчини юбора олмаймиз, чунки темир йўлда сартларнинг юришига ҳали рухсат йўқ”, дейилади унда.

Янги пахта тозалаш заводлари ва бошқа саноат корхоналарининг вужудга келиши маҳаллий саноат ишчиларининг ўсишига катта таъсир этди. Маҳаллий халқ вакиллари орасида ишчи кадрларининг етишиб чиқишида рус ишчиларининг роли катта бўлди. Шунингдек, жойларда чоризм мустамлакачилигининг ижтимоий таянчини пайдо қилиш ва маҳаллий аҳолини руслаштириш сиёсатини юргизиш мақсадини кўзлаб XIX асрнинг 70 - йилларидан бошлабоқ Россиянинг марказий ва жанубий губерналаридан рус оилаларини кўчириб келиш тезлашди. А.Ф.Миддендорфнинг таъкидлашича, рус келгиндилари, асосан Саратов, Тамбов, Воронеж, Самара губерналаридан эди. Улар Подшоота ва Санач, Косонсой, Сусамир ва Чотқол томонларга ва Наманган шаҳри ҳамда атрофларига жойлаштирилди. Натижада вилоят ҳудудида ҳам этник хилма - хиллик учун йўл очилди. Улкага руслар, татарлар, украинлар, қozoқлар ва бошқа миллат вакиллари кела бошлади. 1889 йилда Наманганда жами 33 минг киши яшаган бўлса, 1910 йилга келиб аҳолининг сони 75,6 мингга етди. 1917 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига қура, Наманган уездида 290677 киши яшаган бўлиб, шундан ўзбеклар 181,6 минг кишини ёки аҳолининг 62,5% ни ташкил қиларди. XX аср бошларидан бошлаб Фаргона водийсидаги жумладан, Намангандаги қорақалпоқлар, қипчоқлар, ҳатто қozoқлар ҳам узларини ўзбек деб атай бошладилар.

Наманганда савдо-сотиқ ишлари янада ўсди. Шаҳарда истеъмол молларининг 80-85 фоизи Россиядан келтирилар эди (бунга озиқ-овқат маҳсулотлари кирмайди). Россия билан бўлган савдо ва бошқа муносабатларнинг кенгайиши билан қолоқ ўрта аср феодализм шароитида яшаб келаётган маҳаллий халқ ҳаётида, ижтимоий муносабатларида ва маиший турмушда жиддий ўзгаришлар бўлди.

Чунончи, бой хонадонларида 7-ва 10-кerosин чироқлар, меҳмонхона ҳамда жамоат жойларида эса 40 - “Варшава чироқлари”, Швейцария соати ва рус самоварлари, Европа тикув машиналари (“Зингер машиналари”), Бельгия гугурти ва “машина ўчоқ” лари (примуслар) пайдо бўлди. Уралда қуйилган чўян қозонлар ва XX аср бошларида эса граммафонлар тарқалди. Бундай ўзгаришлар маҳаллий аҳолининг кийим - бошларида ҳам рўй берди. Масалан, бадавлат кишилар ва савдогарлар, уларнинг ўғиллари илгарилиги “ҳолта куйлак” - жиякли куйлак ва руҳонийлар “итёқа куйлак” деб атаган тугмадан қопқоқ ёқали куйлак устидан энсиз бўлма ёқали тун кийишга (“инглиз ёқа” дейилган) ва узун занжирли соат тақишни ўрганадилар. Аёллар эса биринчи марта кўкрагидан бурма қилиб тикилган куйлак кийишга ўтадилар.

Россия туқимачилик саноатида Абрамов, Захаров, Соколов фабрикаларида ишлаб чиқилган сатин маҳсулотлари маҳаллий халқ орасида машҳур бўлиб, бу маҳсулотлар фабрика эгаларининг номларига қараб “Захар - мараз” (Захаров - Морозов), “Обровон” (Абрамов), “Соколин сатин” (Соколов сатини) деб аталарди. Русча товар (халқ орасида “Товар” деб аталган) - ярим ипак газлама ва бахмаллар бадавлат хонадонларига кириб келди. Айни пайтда бу даврда ўзбек хонадонларида илк бор картошка ва помидорлар истеъмол қилина бошланди.

## ЧОРИЗМ ИСТИБДОДИГА ҚАРШИ ХАЛҚ ҲАРАКАТЛАРИ

Қанчалик янгилик ва ўзгаришлар юз бермасин, лекин меҳнатқаш халқ оммасининг моддий аҳволи, ҳаёт шароити жуда оғир эди. Улка Россия мустамлакасига айлангандан сўнг икки томонлама зулм остида қолди: чоризм маъмурлари ва маҳаллий бойлар халқни беаёв эзарди. Янги солиқлар, жарималар пайдо бўлган эди. Қарзини, солиқни тўлолмаган деҳқонлар еридан, ҳунарманд дўконидан, савдогар сармоясидан ажралади. XIX аср охири, XX аср бошидан янги йирик ер эгалари, судхўрлар, кўп сармояли дўкондор-савдогарлар пайдо бўлади, зулм яна кучаяди. Россия ўлкага турли салбий ҳолатларни ҳам олиб келди, ўғирлик, фоҳишабозлик, ичкиликбозлик авжига чиқди. Маҳаллий халққа душманлик кўзи билан қараб, кенг ҳолда руслаштириш сиёсати олиб борилди. Ф.Достоевский “Русиянинг барча истеъдодли ва илғор кишилари ҳамма вақт қартабоз ва ароқхўр бўлганлар, ҳозир ҳам шундайлар, кейин ҳам шундайлигича қолаверадилар” деб ёзган эди. З.К.Костельский ашаддий шовинист бўлиб, “Қўқон хонлигида яшаган ўзбеклар, қирғизлар, қипчоқлар ва бошқа халқлар ёлғиз тўн (чопон) кийгани учунгина қириб ташлашга лойиқ”, деб ёзган эди. Бундан кўриниб турибдики, Урта Осиёни истило этишга келган рус генераллари шовинист бўлибгина қолмай, айна пайтда қонхўр, одамхўр ваҳшийлар эди. Рассом В.Верещагин такаббуруна таъкидлашича, “Дорга осилган одамларнинг типирчилаб турганида расмларини чизганман. Бир муллаваччани минорадан улоқтириб юбордим”. Қаранг, ҳатто санъаткор киши ҳам бегуноҳ одамларнинг ўлимига ўз ҳиссасини қўшиб қолишга интилган. Бундай ёвузликлар, халқ ҳақ-ҳуқуқлари, инсоний қадр-қимматининг оёқ ости қилиниши, талончилик ва бошқалар ҳамма ҳудудлардагидек Наманган аҳолисининг қаҳр-ғазабини ошириб юборади. Улар 1882 йилнинг бошларида маъмурларга қарши бош кўтариб, солиқларни камайтиришни талаб қилиб чиқдилар. Кўзғолончилар Наманган уезд бошлигининг уйини қуршаб олдилар. Маъмуриятга қарши ҳаракат кучая бориб, уркалтак бошланиб кетганидан сўнг солдатлар бўлинмаси ишга солинди. Натижада уезд маъмурияти томонидан жазоланди. Нанайда Бағиш волостига Чуст уезди бошлиғи Араватакин сайлов ўтказаяётган пайтда адолатсиз ва порахўр оқсоқоллар сабр косаси тўлган халқ томонидан қаттиқ калтакланади. Бу ҳаракат ташкилотчилари ҳам суд ҳукми билан қаттиқ жазога тортилади.

1890 йил июл-август ойларида Фарғона водийсида вабо билан касалланган беморлар қайд этилди. Биргина Наманган уездида 4121 киши дардга чалиниб, 3328 таси ҳаётдан кўз юмди. Вабо билан боғлиқ ишлар Тошкент кўзғолонига сабаб бўлди. Орадан кўп ўтмай, 1898 йили Андижон кўзғолони бўлди. Янги тайинланган генерал-губернатор С.М.Духовский ҳарбий вазир Куропаткинга юборган рапортида таъкидлайдики: “Бу гарчанд Фарғонада кўтарилган бўлса ҳам, уни мутлақ маҳаллий ҳодиса ёки қандайдир синфнинг иши деб бўлмайди. Фарғонанинг барча аҳолиси ва ўлканинг ўзга ҳудудларида ҳам ғазовотга ҳайрихоҳлик билдирганлар кўп. Фарғонадаги ғалаён дастлабки тахминларда кўзда тутилган туман доирасидан анча кенг ташқарига ёйилиб кетди дейишга тўла асос бор”.

“Дукчи Эшон” кўзғолонининг таъсирида Наманган уездининг кўплаб қишлоқларида Чор Россиясига қарши чиқишлар бўлди. Жойлардаги масжидларда халқни кўзғолонга чақирадиган хатлар тарқатилди. 1898 йил май ойида Заркент ва Нанай атрофларидаги аҳолининг қуролли чиқишлари рўй берган. Наманган туман бошлигининг ёрдамчиси ротмистр Бушен бошлиқ казаклар отряди 1898 йил 11 июнда Намангандаги кўзғолонни бостириб, Янгиқўрғон ҳудудидаги тоғли жойлардаги кўзғолончилардан 29 кишини асирга олган. Халқ норозилиги ошиб бораверди, унга жавобан оқ подшо ҳарбийлари, сиёсатдонлари миллий мустамлака зулмини кучайтира борди.

1905-1907 йиллари Россиядаги ғалаёнлар бутун Наманганда ҳам садо берди. Тергачи, Янгиқўрғон, Боғиш, Сарисув, Тепақўрғон, Қирчин ва бошқа жойларда катта ғалаёнлар бўлганлиги ҳақида тарихий фактлар мавжуд. 1905 йил 6 февралда Чодак волостига қарашли Гурумсарой қишлоғида ва Олмос волостида шундай чиқишлар бўлди. 21 февралда Олмос қишлоғи деҳқонлари Чуст ва Наманган томонга қараб юра бошлаганларида пристав уларга қарата икки марта ўқ узди. Аммо халойиқни қайтариб бўлмади, 5 киши қамоққа олинди. Март ойида Тергачи волости деҳқонлари билан участка пристави капитан Котович ўртасида тўқнашув бўлди. Бундай ҳаракатлар Наманган уездининг бошқа қишлоқларида ҳам бўлиб ўтди. Биринчи жаҳон уруши халқ бошига ғоятда оғир кулфатлар келтиргани ҳаммага маълум. Аинан ана шу уруш қизиқ турган пайтда - 1916 йил 25 июнда подшо Николай II “Империядаги бегона аҳоли эркакларини ҳаракатдаги армия турган районларда мудофаа иншоотларини ва ҳарбий алоқа йулларини қуриш ишларига жалб қилиш тўғрисидаги” фармонга имзо чекди. Фармонда чекка ўлкаларидаги 19 - 31 ёшда бўлган эркакларни сафарбар этиш кўзда тутилганди.

Туркистоннинг туб аҳолиси, шу жумладан, Наманган халқи с а ф а р б а р л и к к а қаршилиқ курсатиши, норозилик намоийшлари ўтказиши натижасида бу очиқ кўзғолонга айланиб кетди. Бундай кўзғолонлардан бири 1916 йил июлида Наманганда бўлиб ўтди.



1916 йил. Наманган шаҳридаги  
Курашхона кўзғолони

1916 йил 11 июль кuni эрта соат 7 ларда шаҳарнинг Лаббайтоға қисмидаги “Курашхона” майдонида 4 мингга яқин

маҳаллий аҳоли тўпланиб (улар орасида болалар ва хотин-қизлар ҳам бўлган) оқсоқоллардан чақирилувчилар рўйхатини йиртиб ташлашни талаб қилдилар. Бу вақтда уезд бошлиғи полковник Крошков Чустда эди. Даҳа оқсоқоли қочиб кетди. Шу пайтда шаҳарнинг эски шаҳар қисмига уезд бошлигининг ўринбосари Румянцев бошлиқ полиция қисми

кириб келди ва норози халқни кўриб, уларни тинчлаштиришга ҳаракат қилди. Лекин ҳеч ким қулоқ солмади. Шундан сўнг бу ерга пулемёт билан қуролланган рота чақирилди. Тўпланган халқ аскарлардан чўчиш ўрнига “Урушда ўлгандан кўра уйда ўлган афзал!”, “Мардикорликка одам бермаймиз!” деган чақириқлар билан жавоб бердилар. Ғазаб ва нафратга тўлган оломон аскарларнинг пулемёт ва милтиқларига, кийимларига ёпишдилар. Шундан сўнг кўзғолончиларга қарши ўт очиш буюрилди, бир нечта киши ўлди, ярадор бўлди. Бошқа маълумотларга қараганда эски Наманганда 69 киши ўлган ва ярадор бўлган, ярадорлар орасида уч аёл ва бир бола бўлган. 3,5 соат давом этган бу кўзғолон халқ ҳаётида ўчмас қора из қолдирди. Архивларда сақланаётган ҳарбий суд материалларига қараганда кўзғолонни ташкил этишда Ғофурхўжа сарториал, дурадгор Абдурахмон Розикбоев, Йўлдошхўжа Исмоиҳўжаев, сувоқчи Йўлдош Мирзаев, этикдўз ака-укалар мулла Усмоиҳқори ва Равшанқори Халфаевлар, қора ишчи Юнус Ғқуббоев, тўқувчи Дадабой Орифбоев ва бошқалар жонбозлик, мардлик курсатиб ҳалок бўлганлар.

Наманган кўзғолони маъмуриятни ташвишга солиб қўйди. Фарғона вилоят ҳарбий губернатори генерал Гиппиус 20 июлда Наманганга келади ва халқда ўзига нисбатан ишонч уйғотиш ниятида тўн кийиб, салла ўраб Наманган масжидида Қуръон ўқийди. Қуръонда мардикорликка одам олишга қарши кўрсатма йўқлигини, ақсинча у маъмурларга бўйсунуш вазифасини юклашини исботламоқчи бўлади. Аммо маъмурлар тушунтириш йўли билан халқни тинчлантиришга имконият бўлмагач очикдан - очик ҳарбий жазога ўтдилар.

Адиб ва публицист Лутфилла Олимий “Ер юзи” журналининг 1926 йил 11-сонидаги “Қонли ва оғир-қайғули кунлар” воқеий ҳикоясида бу ҳодисаларнинг даҳшатли ва андуҳли тасвирини беради:

“1916 йил июль ойларида, руза вақти, кунлар иссиғ, ҳар ерда очлик аломатлари кўринадир...

...Бунинг устига “подшоҳ ҳазратлари”нинг “фармони олийлари”: “Урушнинг орқасидаги ҳар хил қора ишларни ўташ учун Туркистонда 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган барча эркак зотин сафарбарликка чақирилсин!” Кўп ўтмасдан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлгон кишиларнинг рўйхати бошланди. Шунинг билан бирга, халқнинг юрагида 30 йилдан бери подшоҳ истибдодига қарши ҳозирлонгон исён оловланди. Ҳар ерда ташвиқот:

- Подшоҳ энг аввал отларимизни олиб пиёда қолдирди, бизни кучсизлантирди. Энди 19 ёшдан 43 ёшгача бўлгон бутун йигитларимизни олиб, бизни бутунлай битирмакчи. Мамлакатимизни ўрис унсури билан тўлдирмакчи!

Буни зиёлилар сўзлайдилар.

Имомларнинг-да бир фикри бор:

-Мусулмонларнинг душмани бўлгон подшоҳ бизнинг наслимизни қуритиб, ислом динини йўқотмоқчи...

Эртага рўйхат бошланади... деган хабарга халқ мана бу хилда жавоб берадир:

-Биз рўйхат қилдиргали қўймаймиз. Подшоҳга болаларимизнинг тирноғини-да бермаймиз!

Тонг отди: бу кунги иссиғлик бошқа кундагиларга қарағонда иссиғроқ.

Шамол ҳам йўқ. Қушлар ҳам сайрамайдилар. Бу дунё аллақандай даҳшатлар кутади.

“Кишилар ҳаммаси ҳукуматга қарши кураш учун бир жойга тўплонгон. Ҳамманинг ёнида пичоқ, болта, ханжар ва бошқа ўқсиз қурооллар.

Йиғилгон халқ орасида сўфийлар, зокирлар ҳам бор, улар зикр-самоғ билан халқнинг диний ҳаяжонини орттирадилар.

Мана ҳозир халққа қарши солдатлар, милтиқлар, пулимутлар келади. Лекин халқ қурқиб даражасидан ўтган.

Ҳоким томонидан буйруқ:

-Тарқалинглар!

Халқ жавоб беради:

-Сен солдатларинг ва пулимутларинг билан кет, сўнгра биз тарқаламиз.

Кўп-да ўтмади. Халққа қарши пулимутлар ва милтиқлардан отиш бошланди. Халқ бошда ўлганига қарамасдан пулимутни қўлга киритишга уриниб кўрса-да, ундан ёмғир сингари ёғилиб тургон ўқлар халқни яқинига келтирмади. Пичоқлар милтиқ билан пулимутга қарши кураша олмади. Халқ энгилди. Халқ қочди. Солдатлар, палисалар уларни орқасидан қувлаб бориб кўрган жойда отди, чопди, майдонда, кучаларда йигитлар, чоллар, ўспиринлар қонларга бўялиб ётади. Иккиқат хотунларнинг қоринлари устида подшоҳ солдатларининг найзаси санчилиб туради. Йиқилгон гудакларнинг қизил лаблари кўкарган, ёш қизларнинг кесилган бошларидаги қора сочлари юзларига ўралиб, уларнинг бетларини қонхурларнинг кўзларидан сақлаидилар. Ярадорларнинг инграган товушлари яқинда оқиб шовуллаб тургон сувга қушилиб оқади. Шаҳар қон ичида...”

Намангандаги июль воқеалари таъсирида уезд қишлоқларида ҳам халқ қўзғолонлари бўлди, халқ билан полиция ўртасида қонли тўқнашувлар бўлиб турди. Чунончи, Капа волостининг Шўрқўрғон, Уйчи волостининг Ерқўрғон, Қизилравот ва Уйчи, Чуст волостининг Машад, Уйғур, Тошқўрғон ва Тепақўрғон, Олмос волостининг Пешқўрғон ва Куйи Олмос, Тергачи волостининг Чиндовул қишлоғида, Поп волостининг Хонобод ва Поп қишлоқларида, Чодак ва Варзик қишлоқларида қаттиқ тўқнашувлар бўлиб, Шўрқўрғондан 120 та, Чиндовулдан 25 та қўзғолончи қамоққа олинган. Ерқўрғонда иккита қишлоқ оқсоқоли қўзғолончилар томонидан уриб ўлдирилди, мардикорчилар руйхати куйдириб ташланди ва иккита муҳр синдириб ёкиб юборилди. Тарихий маълумотларга кўра, Фарғона областида 1916 йил июль ойидагина 8 та волость бошқарувчиси, 11 та қишлоқ оқсоқоли, 5 та элликбоши, 6 та котиб ва бошқалар ўлдирилган. Шу муносабат билан Гиппиус Тошкентга йўллаган ахборотида: “Мен ҳамма уездлардан ташвишли сигнал олиб турибман. Маҳаллий маъмурият юрагини шу қадар олдириб қўйганки, қонли жазо берилишидан қўрқиб, волостлардан шаҳарларга қочмоқда”, деб ёзган эди.

Наманган ўлкани ўрганиш музейида, Тошкентдаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейида ва бошқа музей ҳамда архивларда Наманганда булган 1916 йил июль воқеалари ҳақидаги материаллар, қўзғолон иштирокчиларининг фотосуратлари ва номлари сақланмоқда. Булар қўзғолон ҳақида тўла ҳикоя қилишга имкон беради. Чунончи, вилоят ўлкани ўрганиш музейида қўзғолон иштирокчиларидан Акбарали

Мўминов, Муҳиддин Мадкаримов ва Абдухалил Соддиқовларнинг суратлари мавжуд.

Ўзбек халқи тарихининг энг қора саҳифаларидан бири мардикорликка олиш воқеаси халқ ўртасида қўзғолон ва ғалаёнларга сабаб бўлди. Буларни тинчитиш мақсадида подшо ҳукумати Фармонига “ҳар қандай маҳаллий бошқа одамни ёллаш ва ўзининг ўрнига жўнатиш мумкин” деган тузатиш киритилган.

Наманган уездининг деярли ҳамма волостларидан қўлаб кишилар фронт орқасида меҳнат қилиш учун Россияга жўнатилган. Шоир Мискин бу воқеани бадий ифодалаб:

*Двинскага кетмас эди,  
Мард йигитнинг бир булаги,  
Двинскага кеткизворган,  
Николайнинг замбараги, ”-*

деб ёзади.

1916 йил қўзғолони бостирилгандан кейин ҳам маҳаллий аҳоли ўртасида пинҳона ғалаёнлар тўхтамади. Чор оҳранкасининг хабар беришича, Андижон, Наманган уездларида “кайфият таҳликали ва арзимас миш - мишлар ҳам аҳолини безовлантирмоқда” эди. Генерал - губернатор Куропаткин буларга қарамасликка ундади, рус аҳолисини “умумий муслмонлар қўзғолони” хавфи билан кўрқитди ва “русларни тезда қуроллантиришга” даъват этди.

1917 йил 27 февралда Николай замбарагининг овози ўчди. Россия императори тахтдан ағдарилди. Бу ҳақдаги хабар узоқ Наманган уездига ҳам етиб келди. Уезд бошлиғи подполковник Чикоидзе Фарғона область бошқармасига ёзган рапортида: “Мен бошқараётган уезд солдатлари етарли қурол-яроғ ва патронлар билан таъминланган. Бироқ, Чуст ва Янгиқўрган участкалари учун яна 2600 патрон, “Браун” ва 60 обоймали револьверлар керак”, - деган эди.

Чор чиновниклари қўзлаган мақсад амалга ошмади. Тайёрланган қуролларни халққа қарши олишга улгурмадилар. Шаҳар марказий кучаларида ишчи ва камбағалларнинг митинглари утказилди. Унда Она-Ватани мустахлакка исканжасидан қутқариш, уни мустақил ва ҳур мамлакатга айлантириш орзусида юрган Қодирхожа эшон, Юсуфбой Матмусабобоев ва бошқалар истиқлол учун ҳаракат бошлайдилар. Улар атрофига озодлик учун курашга бел боғлаган ўзбек ўғлонлари тўпланадилар. Наманган гарнизонида чор ҳукумати офицери Орбелов командирлик қиларди (у большевикларни ниҳоятда ёмон кўрарди). Вақтли ҳукумат қарорига кўра у 1917 йил 1 апрелидан бошлаб шаҳар милициясининг бошлиғи этиб тайинланади ва унинг ихтиёрига 103 милиционер берилди. Шаҳар думаси ҳам ҳокимият органи сифатида иш кўрарди.

Муваққат ҳукуматнинг 1917 йил 5 майдаги “Бегона халқлардан мажбурий суратда олинган кишиларни ўз Ватанига қайтариб юбориш ҳақида”ги қарорига мувофиқ 1916 йилда фронт орқасидаги ишларга (мардикорликка) сафарбар қилинган кишилар 1917 йил ёзида Россиядан қайтиб келдилар.

1917 йил 16 майда Наманган вокзалида мардикорларни кутиб олиш маросими ўтказилди.

1917 йил мартада Наманганда биринчи ишчи ва солдат депутатлари

Совети тузилди. 39 кишидан иборат Совет составидан эсер Хохлов унинг раиси этиб сайланди. Совет ихтиёрида босмаҳона бўлиб, "Дело" газетасини нашр этдилар. Айни вақтда 1917 йил июнида Наманган Мусулмон депутатлари Совети ҳам тузилди. Бу мусулмон меҳнаткашларининг тарихда биринчи демократик ташкилоти эди.

Шундай қилиб, Наманганда икки ҳокимиятчилик вужудга келди. Бир томонда Вақтли ҳукумат қарорларини бажарувчи ва "милиция" - полиция кучига таянган шаҳар думаси, иккинчи томонда эса Ишчи, солдат ва Мусулмон депутатлари Советлари иш кўрди.

Маълумки, 1917 йил ёзида бошқа шаҳарларда бўлгани каби Наманганда ҳам озиқ - овқат танқислиги содир бўлиб, бу ҳолат шаҳардаги мураккаб шароитни янада кескинлаштириб юборди. Норозилик ҳаракати кундан-кунга кўпайди. "Ака-ука Крафт" ларнинг заводидан пахта тозалаш заводи, ёғ заводи ва совун пишириш заводи ишчиларининг йиғилиши бўлиб, ишчилар соатлик иш куни жорий этишни, иш ҳақини 40 процент оширишни, меҳнат шароитини яхшилашни, йиллик таътиллار берилишини ва бепул медицина хизмати кўрсатилишини талаб қилдилар.

1917 йил октябрь давлат тўнтаруви халқнинг озодлик ҳақидаги умидларини пучга чиқарди. Чоризм мустамлакачилик сиёсати совет мустамлакачилик сиёсати билан алмашди. Туркистон халқлари тарихида шўро тузуми истибдоди даври бошланди.

Большевиклар тузган маҳаллий ҳокимият органларига маҳаллий миллат вакиллари киритилмади ва номигагина бир-икки киши қўшиб кўйилди. Жумладан, Наманганда ҳам шундай бўлди. Тошкентдаги совет комиссариати Туркистон мусулмонлари курултойининг мамлакатни идора қилишни ерли халқ қўлига топшириш ҳақидаги қарорини рад этди. Туркистон миллий маркази ҳаракатига тўсқинлик қилди. Шундан кейин 1917 йил 9 декабрда Кўқонда Бутун Туркистон Улка курултойи чақирилди. Курултойга 180 вакил қатнашди. Курултой Туркистон Мухтор Жумҳуриятини, унинг бошқарув тизимини ташкил этди. Ҳукумат раиси, вазирлар, 54 кишидан иборат Миллий маслаҳат Шўроси сайланди. Наманганлик Носирхон тўра Саид Камолхон тўра ўгли (1871-1938) маориф вазири этиб тайинланди. У Туркистон мусулмонлари Марказий Кенгаши Фарғона бўлинмасининг раҳбари ҳам эди.

Носирхон тўра йирик уламо, маърифатпарвар зиёли, истиқлол учун толмас курашчи эди. У кўп қиррали олим, адиб ва публицист сифатида ҳам фаолият кўрсатган. 15 бўлимдан иборат "Тарихи Туркистон", "Оренбург мактублари" каби асарларни яратган.

Туркистон Мухториятининг ташкил этилганлиги ўзбек миллий давлатчилиги тарихида янги босқич эди. Мухториятни маҳаллий халқ оммаси шодлик билан кутиб олди. Наманган шаҳри марказий майдонида янги Туркистон ҳукуматини қувватлаб 10 мингга яқин киши иштирок этган намоиш бўлиб ўтди. "Яшасин Мухториятли Туркистон ва унинг ҳукумати!" деб ёзилган шиорлар намоишчилари қўлида хилпирар эди ("Улуғ Туркистон", 1917, 13 декабрь). Бироқ большевиклар буни куч билан тарқатиб юбордилар.

Айниқса, эркпарвар ўзбек зиёлилари мухториятни қизғин қувватладилар. Шоирлар ушбу тарихий воқеа муносабати билан халқ қувончини ифодаловчи, мухториятни олқишловчи шеърлар ижод

қилдилар. Ҳамза “Туркистон мухториятина” шеърини ёзди. Эндигина 20 ёшга кирган шоир Абдулҳамид Чўлпон мухториятнинг “Озод турк байрами” номли мадҳиясини яратди. Ушбу мадҳия босиб чиқарилди, куйга солинди ҳамда варақа тарзида халққа тарқатилди. Унда жумладан шундай сатрлар бор:

***Мухторият олинди,  
Ишлар йўлга солинди,  
Миллий маршлар чалинди,  
Душман ўртасин энди.***

Мадҳия нақороти таъсирчан, гурурбахш ва тантанавор:

***Туркистонли-шонимиз, туронли-унвонимиз,  
Ватан-бизим жонимиз, фидо ўлсун қонимиз.***

Бирок омманинг, халқ куйчиларининг қувончи узоққа чўзилмади. Большевиклар ҳокимияти Мухториятга қарши катта қўшин юборди. 1918 йил 18-22 февраль кунлари Қўқон кўчаларида қаттиқ жанглар бўлди. Кучлар тенг эмас эди. Шунинг учун босқинчилар устун келдилар. Мухторият ҳукумати ва Халқ Шўросининг 50 га яқин аъзосини қамоққа олдилар. Яшириниб юрган Носирхон тўрани бир ойдан кейин топиб, ҳибсга олдилар. Омон қолганлар ватандан бош олиб кетишга мажбур бўлдилар.

Қўшин Қўқон ва унинг атрофида қиргинни бир неча кун давоам эттирди. Кўп киши ўлдирилди, мулклар таланди, шаҳар вайрон қилинди. Водийдаги бошқа шаҳар ва қишлоқлар ҳам қонга ботирилди. Руслар ва арман дашноқларидан иборат ҳарбийлар Қўқонда ўн минг кишини қирдилар. Наманганда ҳам икки минг кишини ўлдирдилар. Водийдаги 180 қишлоққа ўт қўйдилар. Большевиклар 1917 йил 22 ноябрда “Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига” қарата мурожаатнома чиқарган ва бунда: “Сизлар ўз ватанингизнинг ҳокимлари бўлишингиз керак... Сизларнинг тақдирингиз ўз қўлингизда”, - деб ваъда берган эдилар. Бу сўзлар сохта ва алдовдан иборат эканлиги аён бўлди.

Ватанпарвар кучлар озодлик учун, большевиклар ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш учун уюшишга киришдилар. Аиниқса, 1918 йилнинг сўнгги чорагида Наманган музофотида миллий озодлик ҳаракати кучайди. 1918 йил охири ва 1919 йил бошларида бутун Фарғона водийсида бу ҳаракат кенг тус олди. 1919 йилнинг март ойида Наманган учун қаттиқ жанглар бўлди. Истиқлолчилар шаҳарни эгалладилар. Уша йили 22 октябрда қўрбошилар курултои Фарғона муваққат ҳукуматини тузди. Озодлик учун кураш кучлари эрк, ҳуқуқ, ахлоқ, дин, қадриятлар ва ор-номусни ҳимоя қилиш йўлида бирлашдилар. Ушбу ватанпарвар ва истиқлолчилар ҳаракатини большевиклар нотўғри талқин қилдилар ва унга “босмачилик ҳаракати” деб ном бердилар.

Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Қайғисиз Отабоев Турк МИКнинг 1992 йил 18 июлда Тошкентда бўлиб ўтган 4-плenumsи, 5-мажлисида сўзлаган нутқида водийдаги ҳаракат “Босмачилик эмас, балки ўзига хос халқ исёни” эканлигини, “сиёсий мазмун касб этиши”ни таъкидлайди. “4 йил мобайнида биз бу ҳаракатга ҳатто тўғри баҳо беришни ҳам билмадик, - дейди Отабоев ўз нутқида, - У халқ қузғалони бўлгани ҳолда, биз уни босмачилик деб атадик. Босмачилик моҳиятан талончилик деган маънони билдиради, бизнинг ушбу ҳаракатга берган нотўғри таърифимиз масалани ҳал этишда нотўғри ёндошувларга олиб



келди" (Ушбу нутқ стенограммаси 1992 йили Тошкентда чоп этилган "Ўзбегим" китобида "Қайғисиз Отабоевнинг қайгулари" сарлавҳаси остида берилган.)

Озодлик ҳаракати сафларига қўшилиб қолган айрим кимсалар ва гуруҳларнинг жиноий ишларидан, халққа етказган жабр-жафоларидан кўз юмиб бўлмади, албатта. Айни пайтда, қизил армия отрядларининг ёвузликлари халқ нафратини оширарди. Қ.Отабоев нутқида бундай қонхўрликларга доир қатор мисоллар келтирилади. Айниқса, уларнинг Наманган уезида қилган хунрезликлари ҳақидаги мана бу маълумот юракда ғазаб ва алам кўзгади: "Фарғона фронтининг кўмондони ўртоқ Коновалов "босмачилар"нинг турган жойи ҳақида хабар топиб, Бозорқўрғонга йўл олди. Ва отряднинг ҳаракати ҳақида "босмачилар"га хабар берилишидан кўрқиб, йўлда учраган барча ўзбекларни отиб ташлади. Отряд Бозорқўрғон яқинида яна "босмачилар" билан тўқнашиб, қичик жанг қилади. Урт.Коновалов бу ердан кўнаиб кетаётиб Бозорқўрғонга қўшни булган Никольское қишлоғи крестьянларига Бозорқўрғонни босмачилардан тозалашни таклиф қилади. Никольское крестьянлари 23 кун мобайнида Бозорқўрғонни "тозаладилар". "Тозалаш" шундай олиб борилдики, аввал "фақат" талайдилар, кейин аҳолини отиб ташлайдилар: эркакларни босмачиларга ҳамдард деб, болаларни эса келажақда босмачи бўлиши мумкин деб ўлдирадилар". Ҳатто "аҳоли отилганларни қабристонда дафн этиш маросимини ўтказаётганда, крестьянлар бу ерга ҳам ҳужум қилиб, охиригиларни бир йўла қириб ташлаган".

Қизил армия кўмондонлиги "аҳолининг ҳаммаси босмачи" деган нуқтаи назар билан жазолаш сиёсатини амалга оширди. Кўпгина қишлоқлар шафқатсиз вайрон қилинди. Гаровга олиш тажрибаси узоқ давом этди. "Шунчалик кўп кишилар гаровга олиндики,-дейди Қ.Отабоев,-бутун Фарғонада қамаш учун жой топилмай қолди. Гаровга олинганларни гуруҳ-гуруҳ отиб ташлаш ҳам "босмачилик" ҳаракатини тўхтата олмади".

Озодлик кучларига қарши қирғин шу даражада олиб борилдики, таслим бўлган гуруҳлар ҳам отиб ташланди. Водий қонга беланди, хонавайрон, дийдагирён ўлкага айланди.

Зўғим, тортиб олиш, зўравонликлардан безган, қамаш, отиш, йўқ қилишларни кўрган, Шўро ҳокимияти сиёсатининг оқибатини ҳис қилган кўп кишилар чет элларга бош олиб кетдилар.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида эълон қилинган "Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукми" қоғозда қолди, амалга ошмади, халқни алдаш, риёкорлик эканлиги маълум бўлди. Ваъда бажарилмади, аксинча, миллат ҳуқуқи ва қадриятларини оёқ ости қилиш тобора кучайди. Бу аҳволга қарши ва мустақиллик мақсадларини кўзлаб миллатпарвар ва ватанпарвар кучлар "Миллий иттиҳод" ("Миллий бирлашиш"), "Миллий истиқлол" ташкилотларини туздилар, яширинча кураш олиб бордилар.

1924 йилга келиб Москва ҳукмдорлари бир бутун Туркистонни парчалаб юбордилар. Империя манфаатларини кўзловчи "бўлиб юбор ва ҳукмронлик қил" сиёсати ана шу зайлда амалга оширилди. Ўзбекистон қарам республика бўлиб қолди.

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Наманган тарихида зиё маскани - мактабнинг ўрни катта бўлган. Қадимги замонларда ёшлар оқ билан қорани, яхши билан ёмонни, адолат билан қабоҳатни, меҳр билан қаҳрни, ботирлик билан қўрқоқликни, меҳнатсеварлик билан ялқовликни, уддабурронлик билан нўноқликни фарқлашни, ота - оналарга меҳрни, яқинларни қадрлаш, кексаларни ҳурмат қилишни, ҳунар ўрганиш ва деҳқончилик илмини доно кексалар қатори халқ оғзаки ижодидан ҳам ўрганганлар. Наманганда мохир ҳикоя, эртақ айтувчилар бўлган. Улар "Алпомиш", "Гўрўгли" туркумидаги дostonлар, эртақлар, қўшиқлар, мақоллар ва бошқалардан айтиб бериб, узоқ қиш тунларини мароқли ўтказишда хизмат қилганлар. Бу аъёнalar авлоддан-авлодга ўтиб, ривожланиб бораверган.

Мовароуннаҳрнинг араб халифалиги томонидан истило қилиниши жараёнида Ўзбекистон ҳудудида мактабхоналар, мадрасалар ва таълимнинг бошқа шакллари пайдо бўла бошлади. Уларда исломий таълим асосий ўринда бўлиб, Қуръони карим, ҳадислар асосий манба бўлиб келган. Лекин шуни ҳам қайд этиш ўринлики, турк ҳоқонлиги тарихига оид манбаларда араблар кириб келгунга қадар ҳам болалар 5 ёшдан ёзув ва ўқишга ўргатилганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Унда ўғил ва қиз болаларга нисбатан қўлланиладиган тарбиявий тадбирлар тизимининг ўзига хос эканлиги қайд этилган. Халқ орасида кенг ёйилган одатлар, маросимлар, аъъанавий уйинлар, тарбиянинг ёрқин намуналари бўлган. Халқ ўз фарзандларини фақат махсус муассасалар орқали эмас, ҳаёт сабоқлари ва турмуш тарзи билан ҳам тарбиялаган.

Мактабхоналар дастлаб масжидларда очилиб, имомлар ўғил болаларга дарс беришган. Кейинчалик айрим шахслар хусусий мактабхоналар очиб, ўзлари ўқитишган. Улар мактабдор, домла дейилган. Қизларни ўз уйларида ўқитган аёлларни отинойи ёки отинбиби деб аташган. Яхши мактабдор ўқувчига ҳусни хат ва оғзаки ҳисобни ўргатишга ҳам эътибор берарди.

Мактабхоналарга кириш учун муайян ёш белгиланмаган, 5 - 6 ёшдан 15 - 17 ёшгача бўлган болалар ўқиган. Ўқиш муддати ва унга қабул қилиш вақти белгиланмаган. Ота - она боласини йилнинг қайси вақтида олиб келса, домла қабул қилаверган. Ўқиш деярли йил бўйи давом этган. Дарсларнинг қатъий жадвали, дастури, ўқув синфлари бўлмаган. Ҳар бир мактабдор ўқитишни ўз усули билан олиб борган.

Мактабхона харажати ва домланинг даромади болаларнинг оилалари ҳисобидан бўлган.

Бола бир китобдан иккинчи китобга ўтишда ота - оналари домлага "озодлик" (пул ёки озиқ - овқат, кийим - кечак) юборган.<sup>1</sup>

Далоилхона типидagi мактабга саводи чиққан болалар қабул қилиниб, уларга асосан Қуръоннинг айрим сура ва оятлари, сўнгра 15 асрдаги

1. "Ўзбекистон Республикаси". Энциклопедия,-Тошкент,: 1977 й, 374 - бет.

мусулмон уламолардан Сулаймон ибн Язуру қаламига мансуб бўлган “Далоил ул - ҳайрат” китобини ёдлатилган. Китоб 7 қисмга бўлиниб, ҳар бир қисм ҳафтанинг маълум кунда ўқитишга мўлжалланган.

Қорихонада эса Қуръонни тиловат қилиш ўргатилган. Қорихоналар одатда йирик мактабхоналар қошида ёки катта мазорлар ёнида очилган. Уларга мактабхонани битирган қатта ўғил болалар қабул қилинган. Қорихонада болалар 3 - 4 йил ўқитилган. Ўқиш жумадан ташқари ҳар куни эрталабдан кечгача давом этган.

Юқорида қайд этилган мактаб ва мадрасаларда ёшлар диний адабиётлардан ташқари машҳур алломалар Абу Али ибн Синонинг “Донишнома”, “Китоб - ул нажот”, “Китоб ишорат ва танбиҳот”, Юсуф Ҳос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг”, Қайковуснинг “Қобуснома”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул - ҳақойиқ”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб - ул қулуб”, “Назм - ул - жавоҳир”, “Арбаин”, имом Исмоил ал - Бухорийнинг “Ал - адаб ал - муфрад”, “Саҳиҳ”, Имом ат - Термизийнинг “Сунан”, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, Жалолиддин Даввонийнинг “Ахлоқи жалолия”, Шермуҳаммад Муниснинг “Саводи таълим”, Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақое” каби китобларини ҳам ўрганганлар. Ҳафтияк, “Чор китоб”лар билан бирга Сўфи Оллоёрнинг “Саботул ожизин”, “Маслакул - муттақин” асарлари ҳам ўқитилган.<sup>1</sup>

Маълумки, VIII - IX асрларда Ахсикент, Косонсой шаҳарларидан кўҳна шарқни лол қолдирган алломалар кўплаб етишиб чиққан. Шулардан бири Сайид Аҳмад ибн мавлоно Жалолиддин хожаги Косоний Маҳдуми Аъзам (1461-1542)дир. У киши нақшбандия тариқатининг XV асрнинг охири ва XVI асрларда ривожлантирган ва такомиллаштирган етакчи, назариётчи мутафаккир - ахлоқшунос, фақҳ, файласуф ва илоҳиётчи олим эди. Ҳазрати Маҳдуми Аъзамнинг издошлари, муридлари ва мухлислари жуда кўп бўлган. Бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонда, ҳатто Ҳиндистонда ҳам Маҳдуми Аъзамнинг “пиримиз” деб эъзозловчилар кўплаб топилди. Баъзи манбаларда ҳазрати Маҳдуми Аъзам ҳақида олтмиш муридни тарбиялаб, камолот чўққисига етказган пир (пири шасти) деб таъкидланади.

Кўпчилик маърифатпарвар олимлар, ҳукмдорлар, давлат арбоблари, шоиру уламолар Маҳдуми Аъзамга “қўл бериб” мурид бўлишган. Теурийлардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур унга мурид тушган. Маҳдуми Аъзам ўз асарларида поклик, софлик, одиллик, олийжаноблик, пурҳимматлик, ваъдага вафодорлик, содиқлик, аждодларни эъзозлаш ва уларга муносиблик, ўзидан катталарни, ота - онани ҳурмат қилиш, ватанга содиқлик, қилинаётган хизматдаги холислик, мақсад сари интилишда жиддийлик каби умуминсоний қадриятларни тараннум этган.

Туркистон ҳудудида ислом дини тарқалганидан бошлаб, то чор Россияси томонидан босиб олинганига қадар таълим тизими бир оз ўзгаришларга учраган бўлса-да, асосан, бир хил тартибда фаолият

1. Э. Ҳайитбоев, “Заркент” (Тарихий лавҳалар).-Наманган.; 2005, 114 - 115-бетлар.

кўрсатиб келди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда, жумладан, Наманган вилоятида ҳам аҳолининг саводхонлик даражаси узоқ йиллар мобайнида кирилл алифбосига нисбатан баҳолаб келинди. Чунончи, 1897 йили аҳоли рўйхатига кўра ўзбеклар орасидаги саводхонлик кўрсаткичи 1,6 фоизни ташкил этади деб нотўғри ёзилган. Аини вақтда аҳолининг катта қисми араб алифбосида ўқиш ва ёзишни билган, деярли барча қишлоқларда араб алифбоси асосида таълим берувчи мактаблар, шаҳарларда мадрасалар мавжуд бўлган. Жумладан, Наманган шаҳридаги Мулла Қирғиз мадрасаси ва бошқа мадрасаларда юқори малакали дин пешволари тайёрланган. Ўша вақтларда Наманганнинг кўзга кўринган таълим даргоҳи Саидқулибек мадрасасида Нодим Намангонийнинг отаси Улуғхон тўра Зокирхон тўра ўғли мударрислик қилган. Кейинчалик Нодим Саидқулибек мадрасасида таҳсил олган ва ўз даврининг билимдон кишиларидан бўлиб етишади.

Туркистон чор Россияси томонидан босиб олингандан кейин ҳам мусулмон мактаблари маҳаллий халқ учун асосий таълим ўчоқлари бўлиб келди. Шу билан бирга ўлкада Европа усулидаги янги ўқув юртлари очила бошланди. Барча таълим муассасалари чоризм империяси назоратига олинди ва уларнинг фаолияти мустамлакачилик сиёсатига бўйсундирила бошланди. 1876 йилда ўлкада маориф фаолиятига раҳбарлик қилиш учун Тошкентда Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош бошқармаси ташкил этилди. Мактаб, мадрасалар билан бир қаторда янги усулдаги таълим тизимлари: хунар билим юртлари, рус - тузем мактаблари, жадид мактаблари ишлаб бошлади.

Туркистон генерал-губернаторлиги бош инспекторининг кўрсатмаси ва Фарғона область ҳарбий губернаторининг буйруғи билан 1878 йил 1 июлдан бошлаб область территориясида 8 та ўқув юрти очилди. Шундан 1879 йилда Наманганда битта ўғил болалар учун икки синфли ва битта қизлар учун икки синфли приходский (бошланғич) мактаб очилди.

1884 йилдан бошлаб эса водий шаҳарларида рус-тузем мактаблари иш бошлади. Рус-тузем мактаблари ўқув-тарбия соҳасида эски маҳаллий мактаблардан юқори туриб, рус тилини ўрганишда муҳим роль ўйнади.

Наманганда биринчи рус-тузем мактаби 1897 йилда очилди. Аммо мутаассиб ва чала мулла кишилар уни “кофирлар мактаби” деб эълон қилдилар. Шунга қарамасдан унга қизиқиш ортиб борди. Ўша шароитда илғор маърифатпарвар олим ва шоир Исҳоқхон Ибрат ўз ўғли Аббосхонни биринчилар қаторида рус - тузем мактабига ўқишга беради. Исҳоқхон Ибратнинг ўзи ҳам Тўрақўрғонда 1907 йилда янги мактаб очиб, болаларни илғор педагогика асосида ўқитади ва мактабни замонавий қурооллар билан жиҳозлайди. Адибнинг “Тўрақўрғондаги рус-тузем мактаби” деган мақоласи (“Туркистон вилоятининг газетаси” да босилган) ана шу масалага бағишланган.

Рус-тузем мактаблари учун ўқув қўлланмалари яратилди. Жумладан, 1887 йилда В.П.Наливкин томонидан “Азбука для мусульманских школ

оседлого населения", 1902 йилда Саидрасул Азизов томонидан ёзилган "Устози аввал" дан сўнг янги усулчи муаллимлар алифбе дарсликларини туздилар. 1908 йилда Ибрат савод чиқаришга бағишланган "Санъати Ибрат", "Қалами Мирражаб Бандий" асарини ҳамда "Илми Ибрат" рисоласини Наманганда нашр эттирди. К.Е.Бендриковнинг ёзишича, XX аср бошларида Россия ҳақида биринчи марта оммавий маъруза матнлари ("Народные чтения для туземцев") тузилиб тарқатилди. Маърузада илм - фан тараққиётига йўл очиш учун мадрасаларда рус тили ўқитиш таклиф қилинади.

Наманган шаҳар хўжалик бошқармасининг 1908 йил 23 декабрь қарори билан вилоят бошқармасидан Наманганда билим юрти очилишини сўрайди. Бунинг учун 11,500 сўм маблағ ажратилади. Билим юрти 1909 йилда 3 синф билан очилади.

Бу мактабда дастлаб 3 ўқитувчи ишлайди. 1910 йил яна битта синф қўшилади. 1915 йилда билим юртида ўқиш ҳақи 8 сўмдан 12 сўмга оширилади.<sup>1</sup> Бу йилларда шаҳарда янги усул жадида мактаби ҳам очилади. Наманган "Маърифатпарварлар жамияти"нинг талабини ҳисобга олиб, 1913 йил кузидан бошлаб, иккинчи разрядли аралаш типдаги уч синфли ўқув юрти ташкил этилди.<sup>2</sup>

Туркистон ўлкасининг барча ҳудудларида бўлгани Наманганда ҳам татар маърифатпарварлари самарали фаолият олиб борганлар. Татар муаллимларининг Туркистон ўлкасига "ноқонуний" равишда кириб келиб, ҳукумат рухсатисиз мактаблар очиб, маҳаллий аҳоли болаларини ўқитишлари ҳамда аҳоли томонидан улар фаолиятининг қўллаб-қувватланиши мустамлакачи маъмуриятни жиддий ташвишга солди. Шу муносабат билан Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош нозири Ф.Керенскийга татар муаллимлари фаолияти билан жиддий шуғулланиш вазифаси юклатилади.

Ф.Керенский Туркистон ўлкасининг барча вилоят губернаторлари ва уезд бошлиқларига махсус хатлар йўллаб, ўз ҳудудларида фаолият олиб бораётган татар муаллимлари ҳақида тўлиқ маълумот беришларини сўрайди. Натижада 1898 йил 1 августда Наманган уезди бошлиғидан олинган маълумотга кўра, Наманган шаҳрининг Сардоба даҳасидаги Оққошбой масжидида татар муаллими Қорабой Баширов маҳаллий аҳоли болаларини йилига 2 сўмдан 2,5 сўмгача, Чуқуркўча даҳасида ҳам татар муаллими Иззатулла Қори Таҳмуллабоев 10 нафар татар, 100 нафар сарт (ўзбек) болаларини ўз уйда йилига 1 сўмдан 2 сўмгача ҳақ эвазига ҳукумат рухсатисиз ўқитаётганликлари аниқланади.

Россия империясининг сиёсий ва махфий полицияси бўлган Туркистон район муҳофазас бўлими (ТРМБ)нинг асосий фаолияти ҳам тараққийпарварлар фаолиятини назорат қилиб боришдан иборат эди.

ТРМБ айғоқчилари Фарғона вилоятида ҳам фаол ҳаракат олиб борганлар. Хусусан, "шаҳрисабзлик" лақабли махфий хизматчи

1. Наманган вилоят Давлат архиви, Ф.-47, ОП.1, ЕД.394, Л 47.

2. Наманган вилоят Давлат архиви, Ф.-47, ОП.1, ЕД.394, Л 47.

томонидан 1913 йил 8 мартда ТРМБ бошлиғи полковник Сизихга берилган маълумотга кўра, Наманган шаҳрида 4 нафар татар муаллими яшаб, маҳаллий аҳоли болаларини ҳукумат рухсатисиз ўқитаётганлиги ва маҳаллий аҳолининг улар фаолиятига ҳайрихоҳлиги билдирилади.

Туркистон генерал-губернаторлиги канцеляриясининг 1910 йил 28 майдаги 8829-сонли кўрсатмасига мувофиқ, Фарғона вилояти уездларидаги янги усул мактабларида татар муаллимларининг дарс беришлари маън этилганига қарамасдан, нафақат Наманган уезди, балки Туркистон ўлкасининг кўпгина ҳудудларида халқнинг хоҳиш-истагига кўра, маҳаллий аҳоли болаларини ўқитишда давом этганлар.

Наманган уезд ва шаҳар маданий ҳаётида, айниқса, татар маърифатпарварлари Ҳусан ва Фотиҳа Макаевалар муҳим ўрин тутадилар. Асли Саратов губернияси, Хвалинск уезди, Янги Кулатка қишлоғидан бўлган Ҳусан Макаев 1904 йилда татар мутаасибларининг таъқиби остида ўз Ватанини ташлаб чиқишга мажбур бўлади. Янги Марғилонда очилган мактабда маҳаллий аҳоли болаларига сабоқ беради. Унинг 1907 йилдан кейинги ҳаёти бевосита машҳур ўзбек маърифатпарвари Исҳоқхон Ибрат билан боғлиқ бўлади.

Аёлларнинг замонавий мактабда ўқишлари у вақтларда хом хаёл эди. Боғчасарой шаҳрида чиқадиган "Олами нисвон", "Аёллар олами" ойномасининг 1906 йилги сонларидан бирида босилган Фотиҳа Макаеванинг мақоласи ўша даврнинг энг характерли воқеаларини қамраб олган. Мақолада ўзбек хотин-қизларининг тўрт девор орасида, гўё қафасда кун кечираётганлари, лекин илм-маърифатга ташна эканлари ўз ифодасини топганди. Мақола муаллифи Фотиҳа Макаева Қозондан Наманганга маърифат тарқатиш учун келган пайтларидаги шароит оғир эди. Шундай бўлишига қарамай у мусулмон хотин - қизларининг ўқишлари учун жон куйдирди. 1905 йил сентябрь ойида Сардоба даҳасида маҳаллий диндорлар тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатишига қарамай биринчи аёллар мактабини очишга эришди. Ниҳоят паранжида бўлса ҳам, хотин-қизлар бирин-кетин мактабга кела бошладилар. Аёллар ўртасида саводсизликни тугатиш, паранжи ташлаш ("ҳужум") ҳаракатларида фаол иштирок этиб, аёллар ва қизларнинг илму маърифатга етаклади. Фотиҳа Макаева 1937 йилгача Наманган шаҳридаги 4,5,10,11 - мактабларда ўқитувчилик қилиб, жуда кўп шогирдлар етиштирди.

1914 - 1915 йилга келиб Наманган шаҳрида мактаблар ва уларда ўқувчилар сони кўйидагича бўлди: эркалар мактаби 68 та, ўқувчилар сони 1388 та, мадраса 21 та, ўқувчилар сони 1158 та, қорихона 9 та, ўқувчилар сони 92 та, янги усул ўқув юрти 1 та, ўқувчилар сони 122 та, шунингдек, яҳудийлар мактабининг 71 ўқувчиси бор эди.<sup>1</sup>

Замонавий таълим-тарбия тизимини жорий этиш, ёғду таратиш, тараққиёт учун тўғаноқ бўлган салбий ходисаларга қарши курашиш жаҳидлар маърифий ҳаракатларида етакчи ўрин тутди. Улар мазмун-

1. Наманган вилоят Давлат архиви, Ф.-47, ОП.1, ЕДХ.1336, л 250.

мундарижаси ва иш усули янгича бўлган “усули жаҳид” мактабларини барпо қилдилар. Ўқитишни синф-дарс тизими асосида йўлга қўйдилар. Ўқиш-ўқитиш ишлари қулай шароитга ўтказилди. Муҳими, ўқув дастурларига дунёвий фанлар киритилди. Дастлабки “усули жаҳид” мактаблари вилоятимизнинг Наманган, Тўрақўрғон, Чуст шаҳар ва туманларида ташкил топди. Аввал Исҳоқхон Ибрат Тўрақўрғонда янги шароит ва янги усулда иш олиб борадиган мактаб бунёд қилади, дарсликларни ўзи яратади. Ўқув дастурида дунёвий илмларни ва бошқа тилларни ўрганишга катта эътибор беради. Мактаб харажатларини ўз маблағи ҳисобидан таъминлайди. Янги усул мактабларини матбуот орқали ҳам тарғиб этади ва қаттиқ туриб ҳимоя қилади.

Жаҳид маърифатпарварлиги ва миллатпарварлигининг таниқли намояндаларидан бири Лутфилла Олимийдир. У 1893 йилда Наманган шаҳрида туғилади. Лутфилла Олимий 1915 йилда Уфадаги “Мадрасаи Олия”га бориб ўқиди. Ўқишни битириб қайтгач, яна ўқитувчилик фаолиятини давом эттиради.

Жаҳидчилик ҳаракатининг фаолларидан бири, ёзувчи ва олим Мўминжон Муҳаммаджон ўгли 1926 йилда нашр эттирган “Турмуш уринишлари” китобида наманганлик бир қанча жаҳид-маърифатпарварларнинг номларини тилга олади (1913-1914 йилларда у Наманган шаҳрида Зайниддин Қори мактабида ўқитувчи ва йўриқчи бўлиб ишлаган).

“Туркистоннинг кўп шаҳарларида мен жуда кўп тараққийпарвар (миллийпарвар)лар, тафаккурли, маърифатпарвар ёшлар билан танишдим,-деб ёзади у. - Наманганда: Зайниддин Қори, Дадамирза Қори, Дадабой Қори, Ғофур хожи, Абдуллажон, Муҳаммад Иброҳим, Инъомжон, Тошихўжа Қори, Абдулмўмин баззоз, Ғулом Маҳмуд, Тошхўжа Қори, Лутфуллоҳ Олимий ва бир неча бошқалар”.

Наманган маданият ва маърифий ҳаётида жиддий ўзгаришларнинг юз беришида юқорида зикр этилган илғор зиёлилар - жаҳидчилик ҳаракати намояндаларининг хизматлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳаёт тарзида дунёнинг илғор тажрибаларини ўзлаштиришга, жаҳон маънавиятининг энг фойдали жиҳатларини сингдиришга киришилгани, янги таълим тизимининг жорий қилина борганлиги, миллий тил қадрига эътибор кучайганлиги, миллий онгнинг уйғона бориши уларнинг хизматлари туфайлидир.

Кейинчалик йирик жамоат ва давлат арбоби бўлиб етишган Акмал Икромов 1918-1920 йилларда Наманган шаҳрида ўқитувчи ва фирқа ходими бўлиб ишлади.

1920-йилларда миллий зиёлилар ҳаракати билан маданият ҳаётда баъзи ўзгаришлар рўй берди. Саводсизликни тугатиш тадбирлари олиб борилди. Мактаблар сони кўпая борди. Маърифатпарварлар ташаббуси туфайли ҳашар йўли билан бир қанча мактаб бинолари қурилди. Ибрат, Сўфизода, Рафиқ Мўмин, Лутфилла Олимий, Иномжон Низамбоев ва бошқалар маданият, маориф соҳаларида жонбозлик қилдилар.

1918 йилнинг бошларида Наманганда очилган “Намуна” мактабида Лутфилла Олимий халқ ўқитувчиси бўлиб ишлаш бошлади. Бу мактабнинг ташкилотчилари ва муаллимлари Дадамирзақори Шайхов, Акмал Икромов, А.Тухмуллин ва Лутфилла Олимийлар эди. Шу йил беш ойлик муаллимлар тайёрлаш курсида Л.Олимий, А.Икромов, Насриддин Нуриддинов (мудир) дарс бера бошлашди. Бу курс шаҳарнинг ҳозирги Қўқон кўчасида очилган эди.

Оммани ўқимишли қилиш учун ўз ҳаётларини қурбон қилган наманганлик А.Ўринов ва М.Содиқов, халқ маорифини қарор топтиришнинг дастлабки ташаббускорлари Наманган халқ маорифи бошлиғи И.Низомбоев, А.Мавлонов, В.Исоқов, А.Тухмуллин, М.Исоқова, М.Муродов, Ф.Насриддинов, У.Акрамов, С.Холиқов, М.Маллабоев, Н.Бадалий, К.Мўминова, А.Холиқий ва бошқа ўнлаб кишилар халқ хотирасида мангу қоладилар.

1920 йиллардан бошлаб Наманганда оммавий, илмий, маърифий масканлар бирин-кетин юзага кела бошлаган. Жумладан, Наманган шаҳрида вилоят ўлкани ўрганиш музейи энг кекса илмий - маърифий муассасалардан бўлиб, 90 йиллик тарихга эга. У 1920 йилда Наманган шаҳридаги 1-рус мактабининг физика ўқитувчиси Владимир Иванович Иванов ташаббуси билан ташкил қилинган. У 1919 йили халқ таълими нозирлигига ёзган хатида ўқувчиларга пухта билим бериш мақсадида Наманган шаҳар мактабларида барча физика ўқув асбобларини бир жойга йиғишни ва ягона физика хонаси ташкил қилишни таклиф қилади. Бу таклиф халқ таълими нозирлиги томонидан қабул қилинади. Бу эса бўлажак музей учун асосий манба вазифасини бажаради. Туркистон оқсоқоллар кенгаши маданият бўлимининг қарорига асосан Наманган шаҳар халқ таълими бўлимига ўша даврда шаҳардаги энг кўркам бино ҳисобланган савдогар Қаландаров уйини музей хонаси учун ажратилади. Шу тариқа музей ўз экспонатларини кўпайтириб, янги экспозицияларни яратиш натижасида аста-секинлик билан вилоят ўлкани ўрганиш музейи мақомини олиб, ҳозирги кунда 66 минг донадан ортиқ экспонат жамланди. Республикада ҳамда Фарғона водийсида ўз ўрни ва нуфузига эгадир.

XIX аср охириларида Наманганда 50 та ўринга мўлжалланган ҳарбий лазарет (касалхона) ва 20 ўринга мўлжалланган касалхона очилган. Туркистон генерал-губернатори барон Вревскийнинг 1897 йил 12 ноябрда Фарғона область ҳарбий губернаторига ёзган циркуляр хатида Қўқон, Андижон, Наманган ва Эски Марғилонда хотин - қизлар ва болалар учун бепул медицина хизмати кўрсатишга рухсат этилган.

1917 йилги давлат тўнтаришига қадар Наманган уездида соғлиқни сақлаш ишларига сарфланган ҳаражат аҳоли жон бошига 2,5 тийинни ташкил этарди. Шаҳарда аҳоли учун 15 ўринли битта касалхона бўлиб, бир ўринга 2330 киши тўғри келар, касалларга 2 врач, 4 фельдшер ва фармацевт хизмат кўрсатар эди. Ўлка аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилган қишлоқ меҳнаткашлари эса врач хизматидан маҳрум



эдилар. 1919 йилда наманганлик ўзбек аёлларидан Х. Эралиева, Б. Мансурова, О. Қосимова, Т. Шарифбоева, О. Холмирзаева ва бошқа ўнлаб хотин - қизлар паранжиларини ташлаб, Намангандаги касалхонада фаррош ва айни вақтда таржимон бўлиб ишлай бошладилар.

XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистоннинг бошқа шаҳарларидаги каби Наманганда ҳам мусиқа санъати, халқ оғзаки ижоди, ҳаваскорлик тўғараклари, қизиқчилик ва аския санъати маълум даражада ривожланди. Наманганда “Чодир хаёл - кўғирчоқ ўйини” устаси Шокир кўғирчоқбоз, Раҳим от ўйинчи, Комил дарбоз, Саттор дарбоз, ёғоч-оёқ, қайроқ, товоқ ўйинчилари Тўрахўжа Эшхўжаев, аскиячи-қизиқчилар Тошпўлат қизиқ, Ғофур қизиқ, Қозон ҳожи аскиячилар, ҳофизлар: Қозоқ ҳофиз, Қўчқор ҳофиз, яллачи-ўйинчи аёллар: Ҳамроҳ сатанг, Бувихон сатанг, Дебсон Марям, Шарофат сатанг ва Назирахонлар, хонандалар: Маматхўжа эшон, Абдулла тароқ, Усмон ҳожи Фозилбоев, созандалар: Шарифхожи ғижоакчи, Эгамберди Меҳтар кўшнаичи ва сурнайчи, Тожимирза Меҳтар кўшнай ва карнайчи, Қобул ота танбур, Уста Қулф гармон, Собиржон найчи, Уста Рўзиматхонларнинг номи анча шуҳрат қозонган эди.

1910 йилда Ҳусан Мақаев ва унинг турмуш ўртоғи Фотиҳа Мақаевалар биринчи бўлиб Наманган типографияси ёшлари иштирокида драмтўғарак тузиб, “Чолбарсиз” (“Шимсиз”) номли комедияни саҳналаштириб, томошабинларга ҳавола қилганлар.

1911 йилда “Матбааи Исҳоқия”да Абдурауф Шаҳидийнинг “Маҳрамлар” драмаси босилиб чиқди. Бу асар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” драмаси билан бирга ўзбек ёзма драматургиясини бошлаб берди.

“Вақт” газетасининг 1913 йил 1535-сонидagi хабарига кўра, Наманган маҳаллий миллат ҳаваскорлари тўғараги “Эски Туркия ва оч ҳарифлар” асарини, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” пьесасини саҳнага кўйган. Мўминжон Муҳаммаджон ўғли “Турмуш уринишлари” китобида бу ҳақида кўйидаги тафсилотни беради: “Наманганда бўлган пайтимда (1913-1914) муфти Маҳмудхўжа Бехбудий ёзган “Падаркуш” деган асар асосида кўйилган театр биринчи марта Самарқанд ҳаваскор ижрочилари томонидан ўйналди, иккинчи марта Қўқонда кўрсатилди. Биз учта бўлиб, мен, Дадабой Қори ва Дадамирза Қори Наманган ёшлари вакиллари сифатида иштиёқ билан Қўқонга кўришга бордик. Биринчи марта театр ўз ўзбек тилимизда кўйилди. Кейинроқ биз бу пьесани ўзимизда, Наманганда кўйдик. Мен Нор ролини ўйнаб иштирок этдим. Мен Насрулла Ибн Қудратулла ёзган “Суннат тўйи” номли пьесада ҳам қатнашдим. Пьеса 1914 йил Самарқандда ёзилган. Пьеса Тошкент ва Наманган шаҳарларида кўйилди”. Демак, Наманган жадидчилари ўзбек театр санъатининг асосланишига лойиқ ҳисса қўшганлар.

Маданият фахрийси, марҳум Иброҳим Абдураззоқов ўз эсдаликларида 1918 йилга келиб Наманган шаҳрида драмтруппа ташкил этилиб, унга “Кўк кўйлақлар” деб ном берилганлигини таъкидлайди.

Труппа аъзолари асосан партия ва ташкилотларнинг ходимларидан иборат бўлиб, улар орасида ревком раиси Иномжон Низомбоев, туман партия қўмитасининг котиби Эргаш Бойхонбоев, қидирув бўлими бошлиғи Охундада Солихонхожиев, адлия ходими Усмон Абдурахмонов, сиёсий маориф уйи мудири Усмон Аминов, ўқитувчилардан Фотимахон Абдурахмонова, Эшон Низомий, журналист Ҳимойиддин Йўлдошқориев, Асил Мансуров, шоир ва ўқитувчи Рафиқ Мўминлар бор эди. Ҳеч қанча ўтмай, булар сафига санъатга ҳавасманд ёшлардан Абдулла Тўрахонов, Муҳиддин Абдуллахонов, Асқар Раҳмонийлар қўшилдилар.

1919 йилнинг сентябрида Ҳ.Ҳ.Ниёзий Наманганга келади. У труппа аъзолари билан машғулот ўтказди, актёрлик ва режиссурадан таълим беради, “Падаркуш”, “Етим ва етимлар” асарларини саҳналаштиради. Сўнг ўзининг “Заҳарли ҳаёт” асарини қўлга олади. Аммо уни марказга чақириб қолишади. Постановкани ниҳоясига етказишни Иномжон Низомбоев билан Ҳимойиддин Йўлдошқориевга топширади.

Ҳамза кетиш олдидан труппа аъзолари олдига шундай вазифа қўяди: - Сизларнинг асосий ишларингиз шаҳарда. Шунинг учун қишлоқларга боролмайсизлар, деҳқонларга хизмат қиладиган труппа бўлиши лозим. Наманганда эса ҳаваскорлар кўп. Шу ҳақида чуқурроқ ўйланглар.

Лекин ҳаваскорларни тўплаш анча қийин бўлди. Уларни жалб этиш учун труппа аъзолари кечалари билан тайёргарлик қилишарди. Қисқа вақтда янги спектакль тайёрланиб, халққа тез - тез намойиш этишарди.

Кейинчалик Наманганга машҳур ўзбек рақси устаси Али Ардобус, озарбайжонлик артист ва режиссёр Асқар афанди рафиқаси Зухрохоним билан келишди. Улар энди фақат драма эмас, музикали драмаларни ҳам саҳналаштириш мумкинлигини амалда кўрсатиб, “Лайли ва Мажнун” дан парчалар қўйишди.

Ҳозирги кунда Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган Навоий номли музикали драма ва комедия театрига ана шундай асос солинган эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Наманганга рус ва чет эл савдогарлари, сайёҳ ва олимлари келдилар. Чунончи, Наманганда уезд бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаган В.П.Наливкин ва унинг хотини М.Наливкина узоқ вақт шу ерда яшадилар. Истеъфога чиққач, у ўз оиласи билан Нанай қишлоғида бир неча йил яшаб, тарих, тил, этнографияга доир материаллар тўплаб уларни китоб қилиб чиқардилар. Масалан, Наливкин тўплаган материаллари асосида (маҳаллий тарихий манбалар, ривоятлар, ёрлиқлар, буйруқлар, иноятномалар ва бошқалар) “Кўқон хонлигининг қисқача тарихи” (Казань, 1886), В.Наливкин ва М.Наливкиналарнинг этнографияга оид “Очерки быта женщины оседлого туземного населения Ферганы”, “Русско - сартовский и сартовско - русский словарь” (Казань, 1886), М.Наливкинанинг “Сартовско-русский словарь по наречиям Наманганского уезда” каби асарлари фикримизнинг далилидир. Туркистон генерал-губернаторлигининг илтимоси билан Фарғона областининг иқтисодий ҳаётини ўрганиш ва қишлоқ хўжалиги

шароитларини кўздан кечириш мақсадида табиатшунос олим, академик А.Ф.Миддендорф 1878 йилда водийга экспедиция билан келади. Уч ой давомида водийни айланиб чиққан А.Миддендорф Наманган уездининг Чортоқ, Янгиқўрғон, Заркент ва Нанай қишлоқларида бўлиб, мазкур районларнинг қишлоқ хўжалиги, хусусан, ирригация аҳволи билан танишиб, ўзининг конкрет таклифлари билан чиқади. Наманганда уч кун туриб, сўнгра Ахсикент харобасига бориб коллекция тўплайди.

А.Миддендорф 1882 йилда Петербургда “Фаргона водийсининг очерклари” номли йирик асарини нашр эттиради. Асарда Наманган воҳасининг ирригацияси, қишлоқ хўжалиги ва географиясига доир қимматли маълумотлар бор.

Россия археологик комиссиясининг топшириғи билан 1884 йилда Петербург университетининг профессори, шарқшунос олим П.И.Веселовский (1848 - 1918) Туркистонга келади. У Бухоро, Зарафшон ва Фарғонада бўлиб, археология ишлари билан танишади ва қазилмалар ўтказди. Айниқса, у Ахсикент харобасида ўтказган қазилмалари вақтида қимматли материалларни топади ва Ахсикент ҳақида ўз фикрларини баён этади.

Веселовский илмий сафари давомида Наманганда ҳам бир неча кун бўлади. Афсуски, у ҳам бошқалар каби шаҳар ҳақида ҳеч нарса ёзиб қолдирмаган. Шунингдек, Қўқон хонлигини тугатишда шахсан қатнашган тарихчи олим А.Кун Наманганда бўлиб, турли материаллар тўплайди. Ўзбек, тожик ва араб тилларини яхши билган А.Кун (тахаллуси Искандар Тўра) ўзининг машҳур “Қўқон хонлигининг очерки” номли асарини ёзди. Асар Қўқон хонлиги тарихи ҳақида ёзилиб, унда муаллиф Наманган шаҳри ҳақида ҳеч нарса демайди.

“Туркистон вилояти газети” (бу газетанинг биринчи сони 1870 йил апрелда чиққан) газетасининг хабар беришича, венгер олими барон Уйфальви Мезо Ковешд Косонга, шунингдек, шарқшунос олимлар Н.Пантусов, венгер Г.Вамбери, немис олими Мартин Хартманнлар ҳам ўз вақтида шахримизга ташриф буюрганлар.

НамДУ немис ва француз тиллари кафедраси катта ўқитувчиси Мусахон Тожиҳўжаев М.Хартманн ижоди бўйича махсус тадқиқот олиб бормоқда.

Ўрта Осиё шаҳарларида босмаҳона ва литография ташкил этилиши жуда катта маданий воқеа бўлди. Бинобарин, Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинмасдан олдин ўлкада китоб нашр қилинмас эди. Китоблар айрим шахсларнинг буюртмаси билан махсус котиблар томонидан қўлда кўчирилган. Китобларнинг камлиги оддий кишиларнинг улардан баҳраманд бўла олмаслигига сабаб бўлди. Архив материалларининг кўрсатишича, давлат йўли билан Наманганда биринчи босмаҳона 1882 йилда ташкил этилган. Бундан ташқари, йирик рус савдогарлари ва кейинчалик эса маҳаллий аҳоли вакиллари томонидан хусусий босмаҳоналар ва типолитографиялар ҳам ташкил топди.

Матбуот ва матбаачилик бўлмаса, маънавий ҳаётимизни тасаввур

қилиш қийин. Бу соҳанинг, хусусан, матбаачиликнинг вилоятимизга кириб келиши ҳамюртимиз Исҳоқхон Ибрат номи билан бевосита боғлиқ.

Хожа Аҳмад Яссавий авлодларидан бири, шоир, тилшунос, тарихчи олим Исҳоқхон ғура Ибрат дунёда рўй бераётган янгиликлар, хусусан, матбаачилик соҳасидаги кашфиётларни ўз юртига олиб кириш, шу билан таланган, хўрланган юртдошлари шуурида янги фикр, янги маслақлар пайдо қилишни ўйлади. Ибрат 1862 йили 21 мартда ҳозирги Тўрақўрғон тумани Сайрам қишлоғида туғилган.

Ота - онаси илм маърифатли бўлгани боис фарзандлари ҳам чуқур билим олишига алоҳида эътибор беришади. Маърифатпарвар оилада катта бўлган йигит 24 -25 ёшга борганда хорижий тилларнинг еттитаида бемалол сўзлаша оладиган даражага етади. Бу, савдо - сотиқ билан шуғулланувчи, чет элларга борувчи кишилар учун жуда қўл келарди. У ўз замонасининг энг илғор хизмат кишилари сифатида савдогарчилик ва хизмат вазифалари билан 28 мамлакатга сафар қилди. Уларнинг маданияти, урф-одатлари билан қизиқди. Хитой, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Афғонистон, Россия каби мамлакатларнинг саноати

Туркистон ўлкасига қараганда бирмунча ривожланган эди.

1907 йил ёзида хизмат юзасидан Оренбург шаҳрига борган Ибрат бир неча ой давомида бу ернинг маданияти, санъати ва техника янгиликларини ўрганди. Матбаачи Гауфман билан яқиндан танишиб, ўз юртида кичик босмахона ташкил этиш масаласида ёрдам беришини сўради. Гауфман унга нусха кўчириш, китоб босиш сирларини ўргатди. Шундай қилиб, бир неча ҳарфлар тўплами, битта литография машинасини 10 йил давомида пулини тўлаш шarti билан сотиб олган Ибрат уларни катта машаққатлар эвазига поездда Қўқон шаҳрига олиб келди. Энг сўнги манзили Тўрақўрғон қишлоғига от-араваларда етиб келган дастгоҳлар 1907 йилда "Матбааи Исҳоқия" номи остида иш бошлади. Исҳоқхон ғуранинг янги бошлаган ишига бутун қишлоқдагилар ёрдамга келди. Ҳатто, қўшниси Мирзабой Ғиёсов ҳарф ўйиш учун уйдаги ёнғоқ дарахтини кесиб берди. Татаристонлик ўқитувчи Ҳусайн Мақаев Ибрат



Наманган шаҳридаги  
илк босмахона  
асосчиси Ибрат

таклифига кўра Тўрақўрғонга келди. У кичик босмахонада иш олиб борар ва Ибрат очган мактабда рус тилидан дарс берар эди.<sup>1</sup>

"Мақсад бу ишдан эрди оламга илм қасри" деган лозу қилган Ибрат босмахонасида биринчи марта 1908 йилда савод чиқаришга бағишланган "Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий" асарини нашр қилди.

1. Ю.Самадов, "Мавлоно Ибрат ворислари". Наманган, 1999, 3-4 бетлар.

“Матбааи Исҳоқия” илм - маърифат тарқатиш мақсадида ташкил қилинган эди. Шунинг учун ҳам Исҳоқхон матбаага нур таратаётган қуёш тасвирини ишлатиб, ичига “Илм” сўзини ёздирган. Бу билан у билимни нур сочаётган қуёшга ўхшатади. Бу рамз мазкур матбаада нашр қилинган китобларининг кўпиди учрайди.

Исҳоқхон Ибратнинг хуснихатга, савод чиқаришга бағишланган “Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий” рисоласи, “Қўйин дафтари”, “1336 ҳижрий-1918 милодий йил календари”, “Илми Ибрат” шеърлар тўплами маърифатпарварлик руҳи билан суғорилган. Ёзувлар тарихига бағишланган “Жомеъул хутут” (“Хатлар мажмуаси”) каби асарлари ана шу “Матбааи Исҳоқия”да нашр этилади.

Ибрат чет элларга тез-тез бориб турганлиги сабабли босмахонага Охунзода Шохидий раҳбарлик қилар эди. Чоп этилаётган буюртмаларга тобора талаб ортиб борганидан уни кенгайтириш, ўлкада энг кўзга кўринган босмахоналаридан бирига айлантириш ҳаракатига тушилди. Халқ орасида литографик усулда босилган китоб ва турли рисоалар эътиборни тортар, “Матбааи Исҳоқия”нинг довруғи кундан - кунга ҳар тарафга ёйиларди.

XX аср бошларида Наманган кичкина шаҳар бўлиб, 30 мингга яқин аҳоли яшарди. Унинг саноати асосан ёғ ва пахта тозалаш заводи, турли хунармандчилик устахоналаридангина иборат эди. Вақт ўтган сари уларнинг сони ортиб борди.

Шаҳардаги маҳаллий ҳукумат 1909 йилда Туркистон генерал-губернаторидан босмахона очишга рухсат олди ва шу йили август ойида Тўрақўрғондаги “Матбааи Исҳоқия” босмахонаси Наманган шаҳрига кўчирилди. Янги жойда иш бошлаган босмахонага Ҳусайн Макеев мудирлик қила бошлади. Бу пайтларда бор-йўғи бир неча кассада қўлда териладиган ҳарфлар ва бир дона қўл кучи билан ишлайдиган босиш дастгоҳи бор эди, холос.

1912 йилда Наманган шаҳрида “Жомеъул хутут” (“Хатлар мажмуаси”)нинг нашр этилиши ўзбек матбаачилиги тарихида улкан ҳодисадир. Ибратнинг замондоши Ҳусайн Макаев мазкур асарнинг тарихий аҳамияти ҳақида сўзлар экан: “Нафис санъат ҳисобланган энг эски ёзув ва хатларни бизга бир умрлик асар қолдиргувчи бу китобнинг Туркистонда нашр қилиниши бизнинг учун ўзи бир шарафдир” деб қайд қилиб ўтади.

Шаҳар аҳолиси кўпайган сари саноат ҳам ривожлана борди. Бу орада Наманган матбаачилиги Туркистон ўлкаси миқёсида маълум аҳамият касб этди. 1913 йилдан раҳбарликни қўлга олган М.Абдусатторовнинг саъй - ҳаракати билан моддий база кучайди. Унда ведомостлар, ҳар хил бланкалар, ордерлар, таклифномалар ҳам босиларди. Босмахона жамоаси ёш, истеъдодли кадрлар билан мустаҳкамланиб борди. Маҳаллий ёшлар қаторига 1916 йилда Россиянинг Рязань вилоятидан ёш ҳарф терувчи Ҳасан Бурнашев келиб қўшилди. У шаҳардаги биринчи ташкил этилган шўро газеталарини саҳифалашда

ва босишда жонбозлик кўрсатди. Ҳасан Бурнашев 1930 йилгача босмахонада сидқидилдан меҳнат қилди ва ўзига хос мактаб яратди. Бир неча шогирдлар етиштириб чиқарди. Унинг намунали меҳнат тажрибаси ҳақида XX асрнинг 60-йилларида ҳам эслашарди. Ҳ.Бурнашев билан бирга ишлаган Ибрагим Ерзин, Абрам Арифов, Николай Амелик, Иван Саврасов, Николай Кравченко ўз касбларини чинакам усталари эдилар. Ўз навбатида улар ҳам ёшларга мураббийлик қилишарди. Насриддин Сатторов ва Абдусаттор Абдухалиловлар бу касб сирларини қизиқиб ўрганишарди. Босмахона 2 катта хонага жойлашган бўлиб, 1917 йилдан “Ударник” (“Зарбдор”) номи билан атала бошланди.

Уезд-шаҳар советининг қарорига мувофиқ 1918 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб миллий тилдаги биринчи газета - “Ишчилар қалқони” чиқа бошлади. У биринчи сонидagi бош мақоласида ўз мақсади ва вазифасини ифодалаб, шундай деб ёзган эди: “Биз Туркистоннинг энг қоронғи пучмоғинда бўлгон Фарғона меҳнаткашлари ўз душманларимиз - бойларга қарши кўкрагимизни қалқон қилиб майдонга чиқдик. Бизнинг олган йўлимиз ҳам, маслагимиз ҳам фақат ишчилар, меҳнаткашлар фойдаси учун, ўз қўли ила кун кечирувчилар манфаатига қаратилган”.

Журналист Салоҳ Қориев ўз отаси тўғрисида хотирлаб шундай фикрларни билдиради: “Ўғиз “Ишчилар қалқони”нинг фаол ташкилотчиларидан, муҳаррир эди. Навоий номли республика кутубхонасида Наманганда 1920 йилда нашр этилган “Қизил тикон” журналининг 5 та сони сақланыпти. Унинг муҳаррири ҳам Ўғиз. Босмачилар қўзғолони вақти бўлгани учунми, ёзганда тахаллус қўйиш одат бўлган экан. Шунинг учун газета ва журналларда отам Ҳимойиддин Йўлдошқориев эмас, Ўғиз тахаллуси тез-тез учрайди”.

Ўғизхон “Ер юзи”, “Муштум”, “Қизил Ўзбекистон”, “Камбағал деҳқон”, “Янги Фарғона”, “Маориф ва ўқитғувчи” газеталарининг йигирманчи йиллардаги саҳифаларида танқидий мақолалари, лавҳалар билан актив қатнашган. Деярли 1930 йилгача мана шу “Наманган ҳақиқати” газетаси редакциясида ишлаган.

Лутфилла Олимий ўзбек матбуотининг асосчилари ва мўътабар публицистлари Ҳ.Ҳ.Ниёзий, С.Айний, А.Қодирий, М.Шермухаммедов, А.Икромов, Ф.Ҳўжаев, О.Аюбов, М.Ҳасанов, Н.Тўракулов, А.Каримов, У.Эшонхўжаевлар авлодига мансуб журналистлардан эди.

1914 йили “Садойи Туркистон” газетасининг 21-сонида Лутфилла Олимийнинг “Миллатим” шеъри босилиб чиқди. Шеър мавзудан сезилиб турибдики, Лутфилла маърифатни тарғиб қилиб, мактаблар очиб, ўғил-қизларни илмга даъват этади. Шу пайтдан бошлаб, унинг шеър ва мақолалари “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона”, “Турон” газеталарида мунтазам босилиб турди.

1917 йилдан сўнг у она юртига қайтиб келди. Энди Лутфилла Олимий сиёсий ишларга аралашиб кетди. У “Наманган тараққийпарвар ёшлар жамияти”га аъзо бўлиб киради ва унда котиб бўлиб ишлайди.

Олимий 1918 йил 1 сентябридан “Ишчилар қалқони” газетасида саркотиб бўлган. Бу газетанинг масъул муҳаррири Тоҳир Фатхуллин бўлиб, октябрь инқилобидан сўнг Фарғона водийсида вужудга келган ўзбек матбуотининг иккинчиси эди.

1919 йилга келиб, Фарғона вилоятида босмахоналар кўпайиб, 5 тага етди, Фарғона, Кўқон, Наманган шаҳрида биттадан бўлиб, Андижон шаҳрида 2 та босмахона мавжуд эди. Намангандаги “Ударник” босмахонасида 12 киши меҳнат қиларди (5 киши ҳарф терувчи, 3 киши нусха босувчи, 2 нафар муқовасоз, 2 нафар хизматчи). 1921 йили бир кунда 1000 босма нусха, йилига эса 280 минг нусха босилган.<sup>1</sup>

XX аср бошида биронта ҳам оммабоп кутубхона бўлмаганини бугунги кунда тасаввур қилиш қийин. Биринчи кутубхона 1903 йилда ташкил қилинган, ўшанда савдогар Соловьев кутубхонани очиш учун 1400 та китоб берган. 1909 йил маълумотларига кўра, Наманган уездида 20 та кутубхона мавжуд бўлиб, унинг 13 таси Наманган шаҳрида эди. 1918 йилда ёғ заводи клуби қошида биринчи оммавий кутубхона очилиб, унинг 240 китобхони бор эди. Орадан 5 йил ўтгач, яна иккита: ўзбекча ва европача кутубхона ташкил қилинди. Вилоятда кутубхоналарнинг ривожланиши ана шундай бошланган эди.

Расмий маълумотларга кўра, биринчи оммавий китоб дўкони Наманганда 1909 йилда татар зиёлиси Исҳоқ Шарипов томонидан очилиб, унинг дўконида турк, татар ва ўзбек тилларда Истамбул, Тошкент, Қозон ҳамда Наманган (“Матбаи Исҳоқия”)да нашр этилган китоблар билан биргаликда “Таржумон”, “Вақт”, “Юлдуз” каби ўз даврининг илғор матбуот нашрларининг олиб келиб сотишни ҳам ташкил этган.

Дўконда “Матбаи Исҳоқия”да нашр этилган китоблар, қўлёзма асарлар, эълонлар, таклифнома ва бошқалар сотила бошланади. Бугина эмас, И.Шарипов кўшни хорижий мамлакатлар - Ҳиндистон, Эрон, Туркия мамлакатларида, шунингдек, Қозон, Петербургда араб графикасида чиқарилган китобларни ҳамда газеталарни Наманганга олиб келиб сотишни ҳам ташкил этган.

Тадқиқотчи Рустам Холматовнинг таъкидлашича, 1906 йилда Петербургда Рашид Қори Иброҳимов ташкил этган “Улфат” номли босмахонада “Улфат” номли газета ҳам нашр этилади. Исҳоқ Шарипов ташаббуси билан ана шу газеталар Наманганга ҳам олиб келиб сотилади. Чунончи, сақланиб қолган газета намуналарига “Қошифия” сўзи битилган

1. Ю.Самадов, “Мавлоно Ибрат ворислари”. Наманган, 1999, 4-5 бетлар.

муҳр босилган. Шунингдек, ҳозирги вақтда Фарғона область адабиёт музейида сақланаётган бир нечта литографик асарларга ҳам “Наманган Кошифия” деган муҳр босилган.

Наманганнинг Анорзор маҳалласида яшаган Усмон заргар Эшмуҳаммад ўғли томонидан ёзилиб, 1913 йилда “Исҳоқия” матбаасида чоп этилган “Ажойиб хосие ул фозили олим” (“Олим ва фозиллар ҳақида”) деган 75 бетлик илмий асар ҳам шулар жумласидандир. 1912 йилда “Исҳоқия” матбаасида босилган Ҳусайн Мақаевнинг болаларни ўқитиш масалаларига бағишланган “Илми ҳол” дарслигида ҳам “Кошифия” муҳри бор. 1919 йилга келиб Наманганда китоб дўконларининг сони 15 тага етади.

Шундай қилиб, асримизнинг бошларида Наманганда матбаачиликнинг вужудга келиши ва унинг ривожланиши омманинг сиёсий фаоллигини ошириш ва илғор фикрлар билан қуроллантиришда ҳамда ижтимоий-маърифий фикрларнинг такомлида катта аҳамият касб этди. Мустамлака даврида эксплуатация, миллий зулм ва талов қанчалик кучли бўлмасин, Наманган шаҳрининг социал - иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ижобий силжишлар рўй берди, у ҳудуд жиҳатдан бирмунча кенгайди ва аҳолиси ўсди.



## НАМАНГАНЛИК МАШХУР КИШИЛАР

Наманган диёри кўплаб олимлар, орифлар, фозилларни дунёга келтирди ва вояга етказди. Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Фаробий ва бошқа улуғ олимлар қаторида Наманган ўлкасидан ҳам жаҳон фани ривожига катта ҳисса қўшган алломалар етишиб чиқди.

Аҳмад Фарғоний номи билан машҳур бўлган буюк астроном, математик ва географ олим Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир (Қодир) ал-Фарғоний VIII аср охирларида таваллуд топган. X асрда Поп шахридан улуғ шайх ва донишманд Умар Боб Фарғоний етишиб чиқди. Қадимий Ахсикент шаҳри XII асрдаёқ шарқнинг биринчи малик уш-шуароси Асириддин Ахсикатийни вояга етказди. Ўзбек мумтоз адабиётининг буюк намояндаси Мирзо Бобур, ноёб шеърини истеъдод соҳиби Бобораҳим Машраб, малик уш-шуаро мақомига эришган яна бир етук шоир Абдулкарим Фазлий, XIII асрда яшаб ижод қилган таниқли олим ва шоир Абу Бакр Косоний, тариқат шуҳратини бутун ислом дунёсига ёйган мутасаввиф олим, Косон шаҳрида туғилиб ўсган Маҳдуми Аъзам - Сайид Аҳмади Ибн Мавлоно Жалолиддин Хожаги Косоний (1461-1542), нақшбандия тариқатининг йирик вакили мақомига етган Чодакда туғилиб, Чустда нашъу намо топган Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий ибн Фатхуллоҳ (XV-XVI аср), косонсойлик машҳур табиатшунос ва географ олим Саид Муҳаммад Тоҳир ибн Абдулқосим шу ўлка фарзандларидан.

Ғозий, Нодир, Мажзуб ва бошқалар XVII аср охири ва XIX аср биринчи ярмидаги адабиётнинг кўзга кўринган вакиллари дир. XIX асрнинг иккинчи ярмида Нодим, Ибрат, Шавқий, Ҳайрат, Хилватий ва бошқа пешқадам шоирлардан иборат ижодкорлар дастаси Наманганда эътиборли бир адабий муҳитни вужудга келтирди. Муҳаммадшариф Сўфизода Ўзбекистон сўз санъаткорлари орасида биринчи бўлиб "Халқ шоири" фахрий унвонини олди.

Наманган хаттотлари билан ҳам машҳур бўлиб келган. Жумладан, **Муҳаммад Юсуф ибн Имомуддин Ахсикатий**. Бу инсон XVI асрнинг охири XVII асрнинг биринчи ярмида яшаган ахсикатлик аҳли илмлардан ва хаттотлардан бири ҳисобланади.

Ахсикатдан Самарқандга кетиб, Улуғбек мадрасасида ўқийди. 1604 йилда Шарофиддин Ҳанифийнинг рисоласини насх хатида юксак маҳорат билан кўчириб ёзади.

**Иброҳим ибн Юсуф бин Имомуддин Ахсикатий**. Иброҳим Муҳаммад Юсуфнинг ўгли бўлиб, ёшлигидан илмларни ва хаттотлик санъатини отасидан ўрганган. 1652 йилда Муҳаммад Исматуллоҳ бин Неъматуллоҳ ал - Бухорий ар - Ревгарийнинг асарини кўчириб ёзиб, вақф қилган.

**Мулла Абдуллоҳ бин Мулла Тошфўлот Намангоний**. XVIII аср охири XIX аср бошида яшаган наманганлик котиб ва хаттот. 1802 йили Сўфи Аллоёрнинг "Маслакул-муттақийн" номли асарини настаълиқ хатида зўр маҳорат билан кўчириб ёзган.

Ҳозир мазкур асар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-текшириш институтининг қўлёзмалар хазинасида 1577 рақами остида сақланмоқда.

**Мухаммад Олим ибн Охунд домулло Мухаммад Шариф Намангоний.** XIX асрда яшаган. 1811 йилда Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул - маоний” девонини настаълиқ хатида кўчириб ёзган. Ҳозирда бу асар Душанбе шаҳрида Тожикистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг китоблар хазинасида 795-1 рақами остида сақланмоқда.

**Охунд бин Мир Ҳасан Намангоний.** XIX асрда яшаган. 1843 йилда Наманган шаҳрида Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” асарини кўчирган. Ҳозир бу асар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-текшириш институтининг қўлёзмалар хазинасида 11679-рақами остида сақланмоқда.

**Мулла Мухаммад Тоҳир ибн уста Барот Намангоний.** XIX асрда яшаган. 1855 йилда Алишер Навоийнинг терма девонини настаълиқ хати билан моҳирона кўчириб ёзган. Ҳозирда бу девон Бухоро шаҳри ўлкашунослик музейида 10669 рақами остида сақланмоқда.

**Мулла Муҳиддин мулла Ғозихон ҳожи Намангоний.** XIX асрда яшаган наманганлик котиб ва хаттот. 1882- 1883 йилда Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” асарини настаълиқ хатида кўчириб ёзган. Ҳозирда бу китоб Шарқшунослик илмий-текшириш институтининг хазинасида 1279 рақами остида сақланмоқда.

**Абдулваҳоб котиб Намангоний.** XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаган хаттот ва котиб. 1887-1888 йилда “Жомеъ - ур - румуз”, “Шарҳи аврод”, Абулайс Самарқандийнинг “Ҳазинат ул - асрор” асарларидан танлаб олинган айрим бобларни кўчириб, мажмуа тузган. Мазкур мажмуага Бедил шеърларидан, Абу Ҳанифанинг “Фиҳқ ул - акбар” асаридан намуналар киритган. Ҳозир мазкур асар Шарқшунослик илмий-текшириш институтининг китоблар хазинасида 7262 рақами остида сақланмоқда.

Наманганлик китоб мухлислари адабий ёдгорликларни ҳар доим юксак қадрлаганлар ва авайлаб асраганлар. Уларни таҳликали, офатли йилларда ҳам сақлаб қолишга эришганлар.

Наманганда XI асрнинг атоқли шоири ва донишманди Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” (“Саодатга йўлловчи билим”) номли достони, Ҳасан Деҳлавий ва Мавлоно Фигонийнинг XV асрда кўчирилган девонлари нусхалари, Алишер Навоийнинг XVII-XIX асрларда кўчирилган куллиёти, кўпгина қўлёзма девонлар ва баёзлар топилди. 1962 йилда Нодим Намангоний шахсий кутубхонасида шоира Нодиранинг ўзбекча ва форсча шеърларидан иборат девони сақланиб келганлиги маълум бўлди. Бу девон Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институти хазинасига олинди ва нашр этилди. Шунингдек, Косонсой ва Наманган шаҳарларида шоир Нодир-Узлат девонлари топилди ва тадқиқотлар доирасига киритилди. Наманганлик яна бир қанча шоирларнинг бадий мероси аниқланди ва ўрганишга киришилди.

Наманганнинг ўтмиш шоирлари ва носирлари томонидан яратилган асарларнинг кўпгина асл нусхалари эндиликда Тошкент, Кўқон, Душанбе, Санкт-Петербург, Лондон, Париж, Берлин, Деҳли, Техрон ва бошқа шаҳарлардаги қўлёзмалар ганжиналарида сақланмоқда.

Катта бадиий қийматга молик асарларнинг аниқланганлиги Наманган нодир адабий ёдгорликлар хазинаси бўлиб келганлигидан далолат беради.

Ёзма адабиёт Наманганда кўҳна асрлардан бошлаб ривож топа борди. Бу ердан ўз ижодий услуби, ўз овози ва созига эга бўлган кўплаб истеъдод соҳиблари етишиб чиқди. Улар сермазмун ва сержило асарлари билан адабиётимизни, миллий маънавиятимизни бойитдилар.

Қўйида биз Наманган Давлат Университети профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Наманган тарихи ва адабиётининг жонкуяр тадқиқотчиси Алихон Халилбековнинг “Наманган адабий гулшани” ҳамда адабиётчи олимлар Ҳамиджон Ҳомидий, Маҳмуджон Маъмуровларнинг “Наманган адиблари” асарларидан фойдаланган ҳолда Наманган шаҳрида етишиб чиққан айрим қалам соҳиблари тўғрисида маълумот беришни мақсад қилиб олдик.

**Машраб.** Оташнафас шоир, тасаввуфнинг қаландария сулукининг фидойи тарғиботчиси Бобораҳим Машраб бутун Шарқда машҳур ва маълумдир. У 1640 йили Наманган шаҳрида туғилади. Дастлабки таълимни замонасининг йирик донишманди Мулла Бозор Охунддан олади. У ўз давридаги барча билимларда камолот касб этган. Машраб сўфизм назарияси ва амалиётини ўрганиш мақсадида йирик авлиё, дин-шариат арбобларидан бири Маҳдуми Аъзам Косонийнинг невараси Офоқхўжа хузурига Қашқарга боради. Машраб ундан 7 йил таълим олади ва пири кўлидан хирқа кияди. Шундан сўнг Машраб мустақил фаолият кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритиб, бу даргоҳни тарк этади. Шоирнинг пири хузуридан кетишига Офоқхўжа канизларидан бирига меҳр қўйганлиги сабаб бўлган, деган фикр ҳам бор.

Шундан сўнг Машраб бутун Урта Осийё шаҳарларини кезиб чиқади. Ҳиндистонда, Бадахшонда бўлади. Уч марта ҳаж сафарига боради.

Машраб 1711 йили мутаассиб руҳонийлар фатвоси асосида Балх ва Қундуз вилоятлари ҳокими Маҳмуд Қатағон томонидан дорга осиб ўлдирилади.

Машрабнинг бизга катта ҳажмдаги шеърлар девони, “Мабдаи нур”, “Кимё” маснавийлари мерос қолган. Агар шоир шеърларида ҳақиқий ишқ билан мажозий муҳаббатни куйлаган бўлса, “Мабдаи нур” да Жалолиддин Румийнинг “Маснавий маънавий” сидан файз топиб, ирфоний мулоҳазаларини ажойиб ҳикоятлар орқали ифодалашга муяссар бўлган.

Машраб ижоди А. Ҳайитметов, И. Абдуллаев, М. Зокиров, Ж. Юсупов, А. Абдуғофуров, Д. Ҳамроева, М. Ҳошимхонов каби олимлар томонидан анча пухта ўрганилган. Халқ орасида Мшраб ҳаёти ва шахсияти ҳақида кўплаб ҳикоятлар, қиссалар тарқалган. Улардан бири “Қиссаи девонаи Машраб” халқ орасида кенг тарқалиб, шухрат пайдо

қилган, қайта-қайта китобат қилиниб, нашр этилган.

**Фазлий.** Абдулкарим Фазлий Намангоний ўзбек адабиётшунослиги, жумладан, Қўқон адабий муҳитида алоҳида мавқега эга шоир ва олимдир. У XVIII асрнинг охирларида Наманган шаҳрида туғилган. Шаҳардаги мадрасаларда ўқиган. Булажак шоир Тўрақўрғонда расмий вазифаларда ишлаган. Шу даврдан бошлаб у “Фазлий” тахаллуси билан форсий тилда ғазаллар ёза бошлайди.

Амир Умархон ҳокимият тепасига келгач, Фазлийни пойтахт Қўқонга олдиртиради. Унга “Малик-уш-шуаро” унвонини беради.

1821 йили бир гуруҳ шоирлар Фазлий раҳбарлигида “Мажмуаи шоирон” тазкирасини тузадилар. “Зафарнома” манзумасини ёзади. Тазкирада 80 га яқин шоирлар ҳақида маълумотлар бор. Гулханий, Махмур, Ғозий, Акмал, Нодирлар ҳақидаги далиллар ғоятда қадрлидир. Амир Умархон вафотидан сўнг (1822) Фазлий Наманганга қайтиб келади ва шу ерда вафот этади.

Фазлий умр бўйи лирик шеърлар ёзиб, девон тартиб берган бўлса ҳам, унинг дастхати ҳали топилмаган. Шарқ тазкиранавислигида “Мажмуаи шоирон” гина шеърда битилгани ва ундаги Фазлий қаламига мансуб ғазаллар шоирнинг юксак истеъдод соҳиби эканлигидан далолат беради.

“Мажмуаи шоирон” XIX асрда Истамбул ва Тошкентда бир неча бор тошбосма усулида чоп этилган бўлса-да, XX асргача эътибордан четда қолди ва шўролар мафкураси тазйиқида Фазлий ижоди ўрганилмади.

Фазлий ҳақида “Тазкираи Қаюмий” да, академик Азизхон Қаюмов, филология фанлари доктори, профессор Эргашали Шодиев, доцент Ҳакимжон Ҳомидийлар тадқиқотларида дастлабки маълумотлар мавжуд.

**Зокир.** Эшон Шайхулислом Намангоний-Зокирхўжа Наманган шаҳрида туғилган. Дастлаб Наманганда ўқиган Зокир, кейинчалик Бухоро мадрасаларида таҳсил кўриб, забардаст шоир ва олиб бўлиб етишади. Сўнгра Самарқанд Даҳбедида Халифа Сиддиқдан тасаввуф илими ҳол бўйича дарс олади. Шундан сўнг у Қўқонга келади ва Амир Олимхон уни шаҳардаги Жомеъ масжидига мударрис қилиб тайинлайди. Шайхулислом мартабасини беради. Зокир шу ерда уйланади ва Улуғхон номли ўғил кўради.

Зокир умрининг охириги йилларини Наманганда ўтказиб, 1812 йилда вафот этган. У ўзбек ва тожик тилларида баробар шеърлар ёзган. Баъзи манбаларда Зокир “Қасидаи Сиддиқия” асарини битганлиги қайд қилинган. Фазлий Намангоний “Мажмуаи шоирон” да уни “Хожаи Калон” деб таърифлаган. “Тазкираи Қаюмий” да Зокирнинг замондош шоирлардан Муҳаммад Амин Хожа Қиёс ғазалига ёзган ўзбекча мухаммаси келтирилган.

**Мухлис.** Ёрмуҳаммад Мухлис XVIII асрнинг 90-йилларида Наманган шаҳрининг Чуқур кўча даҳасидаги Қоратут маҳалласида дунёга келган. Наманган ва Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган. Афғонистон, Туркия, Арабистон мамлакатларида сафарда бўлди. Ҳаж фарзини адо этади.

У тахминан 1876 йилда вафот этган.

Шоирнинг адабий мероси қўлёзма ҳолида тўпланган. Бир қатор шеърлари “Тухфат ул-обидин ва анис ул-ошиқин” баёзи таркибида мавжуд.

Муҳлиснинг “Қарз” радифли ғазали шу кун руҳига мос. Унда қарз ва қарздорлик - судхўрлар тузоғига илинишнинг кулфатлари ўзига хос тарзда бадий бўёқларда ифодаланган.

**Нодим Намангоний.** Атоқли лирик шоир, маърифатпарвар адиб, бетиним сайёҳ Сулаймон Улуғхўжа Нодим Муқимий ва Хилватийларнинг яқин дўсти бўлган. У 1844 йили Наманган шаҳрининг Жомеъ маҳалласида зиёли оилада туғилган. Оиласи ва бошланғич мактабда савод чиқарган. Нодим Саидқулибек мадрасасида таҳсил кўради. Шундан сўнг халқ ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида шоир Урта Осиё шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилади, бир неча бор Тошкент, Қўқон шаҳарларида бўлади. Муқимий, Фурқат, Завқийлар мансуб адабий доира билан яқиндан ошно бўлади. Муқимий билан бир умрга дўстлашади, ўзаро шеърий номалар ёзишади, бир-бирларининг шеърларига мухаммаслар боғлашади.

Нодим 1902-1903 йиллар давомида Туркия, Мирс ва Арабистон ўлкалари бўйлаб сафар қилади. Шоир 1910 йил 26 июндан Наманганда вафот этади.

Нодимдан бизга катта миқдорда адабий мерос қолган. Улар шоирнинг ўзи тузган “Баёзи Нодим” дастхатида, XX асрнинг бошларида тузилган баёзларда сақланмоқда. Бундан ташқари, шоирнинг бир қанча асарлари “Туркистон вилоятининг газети”, “Туркестанские ведомости” сингари рўзномаларда чоп этилган. Шоир ўз асарларида, бир томондан, анъанавий муҳаббат мавзусини ўзига хос соз ва овозда тасвирлаб, лирик қаҳрамоннинг турли-туман руҳий кечинмаларини, маъшуқанинг бетакрор ҳуснини нафис тасвирлайди.

Нодим асарлари ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилдиради. Сафарномалари эса, турли мамлакатлар, баъзи шаҳарлар тарихини, маданий-маърифий ҳаётини, турмушга кириб келаётган янгилликларни муносабатини ўрганишда алоҳида қимматга эга. Шунинг учун ҳам ўзбек маърифатчилиқ адабиётида Нодим Намангонийнинг ўзига хос ўрни бор, дейиш мумкин. Шоир ижодини тадқиқ ва тарғиб этишда доцент А.Халилбековнинг алоҳида хизмати бор.

**Қиёсий.** XVIII аср иккинчи ярми ва XIX аср бошларидаги адабиётнинг таниқли вакилларида бири Эшон Муҳаммад Амин Хўжа Қиёсийдир. Шоир Наманган шаҳрида туғилиб вояга етган. Унинг аксар ғазал ва мухаммаслари ўйноқи, равон ва латиф.

**Рожий.** Шу даврда яшаган истеъдодли қалам соҳибларидан. Шоир Наманган шаҳрида туғилиб ўсади. Бухоро мадрасасида ўқийди. “Тазкираи Афзалий” да таърифланишича, айтган абётлари Намангандан Бухорогача бўлган жойларда қўнғироқнинг овозидай эшитилган экан. Мирзо Бедилнинг “Раҳматаст” радифли ғазалига мухаммас боғлаган

Рожий Бедилдай улкан санъаткор сўзига сўз пайванд этишдек мураккаб вазифани маҳорат билан адо эта олган. 1912 йилда Тошкентда “F уломия” нашриётида чоп этилган “Баёзи маҳбуб ал-маҳбоб”дан шоир Рожий Намангоний шеърлари ҳам ўрин олган.

**Излат.** “Бу шоир Наманган шахридан бўлиб, фақир киши бўлмишдир, - дейилади “Тазкираи Қайюмий”да. - Хароботийлардан экани тавсифдан англашиладур”.

**Риндий.** XIX аср бошларида Наманган шахрида туғилган, кейин Қўқон шахрида яшаб ижод этган шоир. Фақир ҳол киши бўлган, мадрасада истиқомат қилган. Моҳир созанда сифатида ҳам танилган. Амирий газалига назираси унинг иқтидорли ижодкор эканлигини кўрсатади.

**Мажзуб Намангоний.** XVIII аср охирларида ёзилган “Тазкират ул-авлиё” Мажзуб Намангоний қаламига мансуб бўлиб, унда Бухорода ҳукм сурган манғит хонлари Раҳимхон ва Шоҳмурод (1753-1800) давридаги тарихий воқеалар ҳақида маълумот берилган. Бундан Мажзуб Наманганда туғилиб, XVIII асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида яшаган, Бухоро ва Самарқандда бўлиб, илмини такомиллаштирган, деган фикрга келиш мумкин.

Мажзуб Ўрта Осиёда кенг тарқалган Нақшбандия тариқатига эргашган. Шу сабабли “Мажзуб” (жазаваси тутган) тахаллусини олган. У ўз лирикасида дунёвий муҳаббат билан бирга Ҳақ ишқини теран тасвирлай олган шоирдир. Шоир ғазалларидан чин севги, халқпарварлик, софдиллик, одамойлик, поклик, ҳалоллик, замона носозлгидан шикоят тасвирланади. Шоирнинг “Соқийнома” асари тасаввуфга тааллуқлидир. Шоир девонининг қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади. Унинг “Тазкират ул-авлиё”, “Мунақиби аҳли сулуқ” (“Тариқат ҳали сифатлари”), “Дар тавзеҳ” (“Изоҳлаш ҳақида”) сингари асарлари ҳам мавжуд.

Шоир девони 1911, 1915 йилларда тошбосма усулида Тошкентда нашр қилинган. Мажзуб ўзбек ва тожик тилларида баробар ижод қилган.

**Яҳё - Яҳёхон тўра Файзихон тўра ўғли ҳам** иқтидорли ижодкорлардан бири сифатида танилган. У Наманган шахрида туғилиб, 1923 йилда шу ерда вафот этган.

Шоирнинг маълум бўлган шеърлари аксари диний-тасаввуфий-фалсафий руҳда. Яҳё устоз сўз санъаткори Нодим Намангоний вафотида бағишлаб марсия ёзган.

**Лутфулло Олимий.** Ўзбек миллий матбуотининг илк қалдирғочларидан бири ҳисобланади.

Оташин публицист, журналист ва адиб Лутфулло Олимий 1893 йили Наманган шахрида дунёга келди. Уфадаги “Мадрасаи Олия”да таҳсил кўрган йиллари “Таржимон”, “Вақт”, “Мулла Насриддин” сингари газеталарни мутолаа қилди. Жадид ғоялари билан қуролланди, эл орасида маърифатни тарғиб қилди, шеърлар машқ қилди. Ўша давр матбуотида асарлари босилди.

Лутфулло Олимий Наманганда очилган “Намуна” мактабида дарс берди, Фарғонадаги “Ишчилар қалқони” газетасининг сарқотиби бўлиб

ишлади. Наманганда болалар ва ёшлар матбуотини ташкил этиш, ёшлар адабиётини жонлантириш учун курашди. “Қизил тикан” деган сиёсий-адабий ва ҳажвий журнал ташкил этди. “Қизил байроқ”, “Туркистон”, “Фарғона”, “Меҳнат байроғи” газеталари, “Билим ўчоғи”, “Қизил тикан” журналларида шеър, мақола ҳамда очерклари билан тез-тез кўриниб турди. Адибнинг “Нодира” (1923), “Унутилган шоир”, “Пахта олтин”, “Сиёсат дунёсида”, “Қизил адабиётимизнинг ҳозирги ҳоли”, “Бугун нега матбуот байрами?”, “Жумҳуриятимиз раиси Фарғонада” (1925-26) мақолалари айниқса диққатга сазовордир. Бу мақолаларда ўзбек мумтоз адабиётида муҳим ўрин эгаллаган Нодира каби шоирларимиз, маърифатчи Сўфизода ва унинг асарлари ҳақида биринчилар қаторида маълумот берди, янги адабиётнинг йўналиши, аҳамияти ҳақида илк бор илмий-назарий мулоҳазалар баён этди.

Лутфилло Олимий “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Турон” газеталарида, “Шўро” журналида ўз шеърлари ва мақолалари билан мунтазам қатнашиб туради. Шоир, публицист, журналист сифатида кенг фаолият кўрсата боради. Ҳажвий шеърлари тўплами “Тиконли гул” номи билан нашр этилади.

Лутфулло Олимий бу даврда драматургия билан шуғулланиб, “Ваҳшийлар фожиаси”, “Ёш қурбонлар”, “Омон полвон” пьесаларини ёзди. Уларнинг айримлари вилоят театрларида сахналаштирилган.

Фидоий маърифатчи, матбуотимиз ташкилотчиларидан бири Лутфулло Олимий Сталин қатағони йилларининг ноҳақ қурбони бўлиб, 10 йил Сибир ўрмонларида азоб чекди.

Умрининг сўнгги йилларини Қурама қишлоғида ўтказган адиб 1969 йилда вафот этди.

**Ҳожи Муҳаммад Усмонбек Намангоний.** 1852 йилда Наманган шаҳрида туғилиб, кейинги асрнинг 20-йилларигача яшаб ижод қилган шоир ва носирдир. 1913 йилда унинг шеърлари ва Арабистон, Миср, Сурия, Туркия мамлакатларига қилган сафари давомида кўрган ажойиботлари ҳақида ҳикоя қилувчи асаридан иборат китоби босилиб чиқади. Адиб унда Овруподаги техника ихтиролари тўғрисида ҳам маълумот беради. Бу билан маърифатпарвар шоир миллатни янгиликлар сари, тараққиётга томон интилтирмоқчи бўлади.

**Алихон Муллаохун ўғли Оразий.** Шоир Наманган шаҳрида туғилиб, шу ерда доимий яшаган. Кўплаб манзур ғазаллар, мухаммаслар, рубоийлар, ҳажвий шеърлар яратган.

**Нисорий.** Отахон Жалил ўғли Нисорий - яқин замондошимиз. Нисорий ширинсухан, закийтаъб, хуштавозе, бадиҳағўй, ҳозиржавоб шоир бўлган. У Наманган шаҳрининг ҳозирги Янгийул маҳалласида туғилиб ўсди.

Шоир ота касби - қосибчилик билан шуғулланган, хунармандчилик артелида ишлаган. Шу билан бирга, бадий ижодга берилди, ғазаллар ёзди. Уларда инсоний муҳаббат, меҳру вафо, одамийлик, яхшилик куйланди, хушхулқли, одобли бўлишга даъват этилди.

Нисорий ижоди деярли ўрганилмаган. У ҳақда А. Халилбеков,

Шўхийларнинг хотиралари оммалаштирилган, холос.

**Рафиқ Мўмин.** Забардаст шоир шўро даври қурбонларидан ҳисобланади. У “Қапчиғай” достони билан янги давр ўзбек дostonчилигини бошлаб берган.

Рафиқ Мўмин 1900 йил 7 февралда Наманган шаҳрида дунёга келган. Диний мактабда, мадрасада сабоқ олди. Рус-тузем мактабида ўқиди, рус тилини ўрганди, хусусий мутолаага берилди. Ғарб ва Шарқ адабиётидан файз топди.

Шўро даврида ўқитувчилик қилди. Болалар уида ишлади. Дастлабки мактабларни ташкил этишда фаол иштирок этди.

У ижтимоий-маърифий фаолиятини бадий ижод билан қўшиб олиб борди. Кўплаб лирик ва ҳажвий асарлар яратди. Рафиқ Мўмин “Муштум”, “Машраб” журналларининг фаол муҳбирига айланди. “Ёрилтош”, “Ишчи бобо”, “Ойдин”, “Заҳхоки Морон” сингари пьесалар ёзиб, сахнага қўйди.

Халқ ривоятларидан таъсирланиб, “Болақўр”, “Қизил қиз”, “Занглаган пичоқ”, “Тиёншон қизи” каби дostonлар ёзди. Айниқса, “Қапчиғай” дostonи илм-адаб аҳлини ўзига тортди. Ҳамид Олимжон ҳам бу дostonни устлади. Учқўрғонлик Ёрмат бободан “Ёзи билан Зебо” дostonини ёзиб олди. Рафиқ Мўмин яхшигина хонанда ва бастакор ҳам эди.

У баъзи асарларида “Машраб” тахаллусини қўллаган.

Рафиқ Мўмин 1937 йил 25 майда Наманган шаҳар партия ташкилотининг котиби, “Халқ душмани” Эрматовнинг “думи” сифатида қамоққа олинди. 1951 йил 5 майда оламдан ўтган.

**Унвоний.** Валихонтўра Ғозихонтўра ўгли Унвоний она томонидан Нодим Намангонийга неварга бўлиб, 1902 йилда Наманган шаҳрининг Жомий маҳалласида маърифатпарвар оилада таваллуд топди. Бобоси Нодим Намангоний тарбиясида камол топади, шеъриятга меҳр қўяди.

Валихонтўра ўзбек мумтоз адабиётини мустақил равишда мутолаа қилади. Навоий, Ғузалий, Машраб шеърларини ўқийди. Шеърлар ёза бошлайди. XX асрнинг 30-йилларида яшаган шоирлар билан яқиндан алоқада бўлади, улар даврасидаги баҳсларда, мушоираларда иштирок этади ва Унвоний тахаллуси билан ижод қила бошлайди.

Унвоний ўзидан аввал ўтган ва замондош шоирларнинг ғазалларига муҳаммаслар боғлайди. У мумтоз шеърият аъналарини муваффақият билан давом эттиради.

Шарқ адабиёти ошиғи Аҳмад Убайдуллоҳ айтганидек, бобоси Нодим Намангоний вафот этганида бўлажак шоир етти ёшда бўлиб, бобосига ўқиниб йиғлайди.

**Ёқуб Хаимов.** Атоқли ёзувчи 1909 йилда Наманган шаҳрида хунарманд оиласида туғилган. 1931 йили маориф институтини тугатгач, меҳнат фаолиятини бошлайди, колхоз, совхоз қурилишларида, 1933 йилдан “Байроғи меҳнат” газетаси таҳририятида, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети болалар нашриётида фаолият кўрсатган.

Адиб асарларида Ватан озодлиги учун кураш, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқини, иззат-нафсини ҳимоя қилиш, турли халқларнинг ҳамжихатлиги,



дўстлик гоёлари турли жанрлар имкониятларидан келиб чиқиб, теран тасвирланган.

Ёқуб Хаимов болалар учун ҳам бир қанча эртактар ёзди. “Волшебная клетка” эртактар-пьесаси Андижон кўғирчоқ театри ҳамда вилоят театрида сахна юзини кўрган.

Ёзувчи “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвонига сазовор бўлган.

**Шўхий.** Нозиктаб шоир, хушовоз хонанда Шўхий (Абдувоҳид Аҳадов) 1916 йил 25 сентябрда Наманган шаҳрининг Хўжам қабри (ҳозирги Янги ривожия) маҳалласида хунарманд оиласида дунёга келди. 1973 йили фоний дунёга риҳлат қилди.

Шўхий мустақил равишда ўз билимини оширди. Турли хил вазифаларда фаолият кўрсатди. Театрларда адабий эмакдош, вилоят ёш томошабинлар театри директори, кинотеатр директори, шунингдек, консерва заводи, “Намуна” артели, Мирзачўлда жамоа хўжалигида, бозор ва бошқа ташкилотларда меҳнат қилди.

Шўхий шеър, мусиқа ва хонандаликка меҳр қўйди. Айниқса, унда адабиётга ҳавасни 1927-28 йилларда наманганлик истеъдодли ғазалхон шоир, туғма кўзи ожиз Партав уйғотди. У акасининг дўсти эди. Кейин эса Шўхий наманганлик Чархий, Фироқий, Шукрий, Собир Абдулла, андижонлик Ҳабибий, Улфат, Маҳжур, шаҳрихонлик Оразий, Ҳайратий каби шоирлар билан дўстлашди, яқиндан алоқа қилди. Шоир Ҳабибий Шўхийни Наманган булбули деб атади.

Шоирнинг хотин-қизлар озодлиги тўғрисидаги биринчи шеъри 1933 йили маҳаллий “Зарбдор” номли газетада чоп этилган эди. Шундан сўнг унинг ғазаллари матбуотда кўрина бошлади. Хонандалар репертуарларидан ўрин олди; грампластинкаларда муҳрланди, радио мавжларида янгради. Кўпгина ғазалларининг ижодкори ҳам, бастакори ҳам, ижрочиси ҳам унинг ўзи эди. Шоир ўзбек мумтоз шеърятининг барча жанрларида асарлар яратган.

1971 йилда чоп этилган “Чертганда дуторим” (ҳамкорликда) тўпламида шоирнинг 20 та ғазали ўрин олган. Шоир шеърларида ишқ-муҳаббат мавзуси етакчилик қилади. Шунингдек, Ватан, инсон ва уруш, одоб-ахлоқ, насиҳат, ота-она, садоқат мавзулари унинг қаламида ўзгача жаранглайди. “Раҳм этмадинг нигоро”, “Қатъий қарор, дедим”, “Келсангчи”, “Абгор қилмасангчи”, “Ўргилсам”, “Чертганда дуторим” ғазаллари шоирга иккинчи умр бағишлайди.

**Азиз Турсун.** Таниқли журналист, истеъдодли шоир, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Азиз Турсуннинг “Кўшни қизнинг йиғиси” дostonи 50-йилларда ўзбек шеърятинида шўҳрат қозонган эди.

Азиз Турсун (Турсунов Азиз) 1917 йил октябрь ойида Наманган шаҳрида дурадгор оиласида туғилган. 1933 йилда педагогика курсини тугатади. Қашқадарёнинг Чироқчи туманида, Наманган шаҳрида мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, директор лавозимларида ишлайди. У 1939 йили Тошкент Давлат педагогика институтига сиртдан ўқишга киради. 4-курсдан ҳарбий хизматга чақирилади. Ржев шаҳрини

фашистлардан озод қилишда қатнашади, ўнг кўлидан ажраб, она юртига қайтди. Яна мактабларда ўқитувчилик қилади, вилоят радиосида ишлайди. Бу орада Азиз Турсун Республика партия мактаби ҳамда пединститутни тугатади; “Наманган ҳақиқати” газетасида бўлим бошлиғи, муҳаррир ўринбосари вазифаларини бажаради. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмиси вилоят бўлими масъул котиби, вилоят радиосида муҳаррир, Янгиқўрғон, Наманган, Уйчи туман газеталари муҳаррири лавозимларида меҳнат қилади.

Азиз Турсун ўзининг ижодий фаолиятини ҳикоя ёзишдан бошлади. Биринчи ҳикояси “Эгамберди ғижокакчи” да иккинчи истеъдод улуғланади. Биринчи шеъри “Украин дўстимга” деб аталади.

Азиз Турсун адабиётшунос олим Алихон Халилбеков билан ҳамкорликда “Нодим” китобини нашрга тайёрлади. Азиз Турсун 1977 йили вафот этди.

**Исмат Нарзулла.** Журналист ва шоир Исмат Нарзулла 1920 йили Наманган шаҳрининг Чуқур кўча маҳалласида деҳқон оиласида туғилади ва 1978 йили вафот этади.

Ўрта мактабда маълумот олади. Иккинчи жаҳон урушида техникумда ўқитувчилик қилади. Сўнг Тожикистон республикаси Ленинобод Давлат педагогика институтида таҳсил олади.

Исмат Нарзулла ўзининг деярли бутун умрини журналистика соҳасига бағишлайди. 1951-54 йилларда Наманган вилоят радио эшиттириш редакциясида муҳаррир, 1954-1962 йилларда “Наманган ҳақиқати” газетаси таҳририятида бўлим мудир, 1962-1975 йилларда Наманган туман “Учқун” газетасида бўлим мудир, муҳаррир ўринбосари, муҳаррир вазифаларида ишлайди.

Исмат Нарзулла газета таҳририятларида ишлаш билан бирга, публицистик мақолалар, ўйноқи шеърлар, дилбар газаллар ёзади. Унинг ижодида она диёр, пахта, сувчи, аёл сингари образлар тасвирланади. “Пахтакор донгдор йигит”, “Қаҳрамон шаҳар”, “Борай”, “Нанай қизига” сингари шеърлари ўша даврда кенг халқ оммаси орасида шуҳрат қозонди.

**Носирхон тўра Камолхон тўра ўғли.** 1917 йил 16-18 ноябрда (Янги ҳисоб билан 9-11 декабрда) Қўқон шаҳрида Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулудда IV қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда 180 вакил қатнашди. 28 ноябрда ташкил топган давлатнинг номи “Туркистон Мухторияти” деб аталиб, унинг бошқарув тизими ҳам тасдиқланди. Ҳукумат раиси, вазирлар, 54 кишидан иборат миллий маслаҳат кенгаши сайланди. Наманганлик Носирхон тўра Камолхон тўра ўғли (1871-1938) маориф вазири этиб сайланди.

Носирхон тўра Камолхон тўра ўғли Фарғона водийсидаги қуруллик қаршилик ҳаракатининг йирик ғоявий раҳнамоларидан бири эди. Шу билан бирга Фарғона бўлинмасининг раҳбари вазифасига ҳам шу фойдаланган инсон, маърифатпарвар зиёли, йирик уламо, истиқлол учун толмас курашчи сайланди.

Носирхон тўра Саид Камолхон тўра ўғли 1871 йилда Наманган

шаҳрида мударрис оиласида туғилган. Унинг отаси Саййид қозихон Наманганнинг энг кўзга кўринган мударрисларидан бири бўлиб, шариат қозиси лавозимида ишларди. Унинг Наманган шаҳрида хусусий босмахонаси бўлиб, унда ислом динига оид бўлган илмий, фалсафий асарларни чоп эттирган. Носирхон тўранинг илғор фикрли киши бўлиб етишишида оиладаги маънавий муҳитнинг таъсири катта бўлган. Носирхон тўра бошланғич таълимни отасининг мадрасасида олиб, кейинчалик эса илм марказлари ҳисобланган Бухоро, Қобул, Деҳли, Бағдод шаҳарларида давом эттиради. Носирхон тўра Наманган шаҳридаги мадрасада мударрис бўлгач, бутун Фарғона водийсида унинг шуҳрати яна-да тез тарқалади. У бир қатор хорижий мамлакатларда бўлиб, ўзгаришлар билан танишади. 1912 йилда Туркистонга қайтади ва ўлкадаги маърифий ҳаракат, миллатпарвар сиёсий оқим бўлмиш жадидлик ҳаракатида фаол қатнаша бошлайди. Носирхон тўра миллий уйғониш руҳи билан яшайди ва истиқлолга эришиш йўлида жонбозлик кўрсатади. Миллат камоли, Ватан мустақиллиги ва тараққиёти йўлида куюнчаклик билан хизмат қилади. Отасининг босмахонаси орқали Фарғона жадидларининг ислоҳотчилик ғояларини тарқатишда ёрдам берди. 1916 йил Ўзган, Косонсой ва Наманганда бўлиб ўтган халқ кўзғолонларини ҳам қўллаб-қувватлади. Фарғона водийсидаги қуроли қаршилик ҳаракатининг етакчиларидан бири бўлган Шермуҳаммадбек Носирхон тўрани ўзига пир деб эълон қилади ва ундан зарур маслаҳат ва маълумотлар олиб турган. Носирхон тўра фаолиятига баҳо бериб, Шаҳобиддин Яссавий қуйидагиларни ёзган эди: “Мужоҳид олим ва нуфузли бир қўмондон. Қўқон мухторият давлатини етакчиларидан эди”. Носирхон тўра 1917 йил Наманган шаҳар Думасига сайланган. 1917 йил феврал инқилобидан кейин Носирхон тўранинг ижтимоий-сиёсий фаолиятида кескин ўзгаришлар бўлди. Туркистондаги демократик жараёнларда унинг алоҳида ўрни бор. У 1917 йил 10 апрелда бўлиб ўтган Туркистон Ўлкаси Ижроия Комитетлари делегатларининг съездида иштирок этиб, аҳолининг барча табақаларини, барча миллатларни қўлга киритилган озодликни асраб қолишга, ҳуррият берган имкониятлардан унумли фойдаланишга даъват этади. Туркистон мухториятининг асосий ташкилотчиларидан бири айнан Носирхон тўра эди. Атоқли жадид Ашурали Зоҳирийнинг берган маълумотларига кўра, “агар Носирхон тўра Туркистон мусулмонларининг IV фавқулудда қурултойини чақириш устинда жон куйдирмаганда эди, балким бу қурултой чақирилмай қолиши мумкин эди”. 1917 йил 26-29 ноябрда Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг фавқулудда IV қурултойида қатнашади ва халқ маорифи вазири сифатида ҳукумат таркибига киритилган. Ушбу лавозимда ишлаш жараёнида аҳоли орасида маданий-маърифий ишларни яхши йўлга қўйишга имкон қадар ҳаракат қилди. 1918 йил февралда Мухторият Ҳукуматини ағдарган большевиклар бу ҳукумат кенгашининг 50 яқин аъзоларини қамоққа олдилар. Носирхон тўра ҳам бир йил давомида турли жойларда яширин ҳаёт кечиришга мажбур бўлган. У 1919 йил Косонсойда “Миллий иттиҳод” ташкилоти

бўлимини ташкил қилган. Бироқ, кўп ўтмай Носирхон Тўра большевиклар томонидан қамоққа олиниб, Оренбургга сурган қилинган. 1924-1929 йилларда Оренбургда яшаган Носирхон тўра Камолхонтўраев кўрган-билганлари ҳамда бошидан ўтказганларини ўзининг "Оренбург мактублари" эсдалигида баён қилган. 1929 йилда у сургундан қайтади ва мавжуд ҳукмрон тузумга қарши фаолиятини давом эттирган. 1938 йил июль ойининг бошларида уни Советларга қарши фаолияти учун яна ҳибсга оладилар. У ердаги қийинчиликлар ва унга нисбатан ўтказилган зулмлар оқибатида ўша йилнинг 3 сентябрида маорифчи, диний олим, тарихчи, миллатпарвар сиймо Носирхон тўра Андижон турмасида вафот этган.

Туркистон Мухторияти ҳукумати 1917 йил декабрда халққа Мурожаатнома йўллаган. Ҳукумат аъзоси, маориф вазири Носирхон тўра ҳам имзо чекан мазкур Мурожаатнома буюк бир орзу ва ишончни ифодалаган эди. Унда "Шундай вақт келадики, кишанлардан қутулган Туркистон ўз ерининг эгаси бўлади ва ўз тарихини ўзи яратади" каби сўзлар ёзилган эди.

Орадан етмиш тўрт йил ўтиб, мана шу эзгу ният, халқимизнинг армонга айланган орзу-истаклари ушалди. Халқимиз ва мамлакатимиз тарихида энг улуғ воқеа содир бўлди. Мана, салкам 20 йилдирки, халқимиз мустақиллик неъматидан баҳраманд бўлиб келмоқда.

**Қодирхожа Эшон.** Наманган шаҳрининг нуфузли ва обрўли кишиларидан бири бўлган Қодирхожа Эшон давлатманд ва саховатли киши сифатида кўп одамларга яхшилик қилган, ғариб, бечораларга меҳру мурувват кўрсатган, етим-есирларнинг бошини силаб, тўйларини ўтказиб берган. Қимматчилик даврларида катта қозонларда таом пишириб, очлар қорнини тўйгазган. Шу билан бирга ватан истиқлоли учун куйиб-ёниб яшаган, чоризм мустамлакачиларига қарши хуфёна курашиб келган инсон эди. У ўша давр муҳитининг ижобий томонларидан фойдаланиб, Наманган шаҳрида биринчиларидан бўлиб пахта заводи қурдиради ва маҳаллий халқ вакилларини иш билан таъминлайди. Мазкур заводида ишлаган кишилар биринчи наманганлик ишчилар эди. Қодирхожа эшоннинг пахта заводи собиқ бузилиб кетган "Наманган" меҳмонхонаси ўрнида бўлган. У пахтакор деҳқонлардан пахта сотиб олиб, заводда қайта ишлаб, тозаланган пахталарни Русия ва Оврупа давлатларига сотарди. Пахта савдоси билан шуғулланувчи савдогар сифатида танилган ва иш юзасидан Русия ва Оврупанинг айрим давлатларида бўлган эди. Шунингдек, баъзи пайтларда уйда рус ва оврупалик кишилар ҳам меҳмон бўлишарди. Эшоннинг уйи ҳам Оврупа ва Русияга хос нақшлар ва манзарали тасвирлар билан безатилган эди.

1917 йилда Петербургда оқ подшоҳга қарши кўтарилган қўзғолоннинг бўронли тўзони Наманганга ҳам етиб келди. Она-Ватанни мустамлака исканжасидан қутқариш, уни мустақил ва ҳур мамлакатга айлантириш орзусида юрган Қодирхожа эшон истиқлол учун ҳаракат бошлайди. Унинг атрофига озодлик учун курашга бел боғлаган ўзбек ўғлонлари тўпландилар.

Қодирхожа большевикларга қарши 1919 йилгача курашиб келиб, ўқ-дори, қурол-яроғ ва бошқа таъминот жиҳатларидан қийналиб қолади, четдан келиб турган ёрдамлар тўхтаб қолади. Большевиклар эса ҳар томондан ёрдам олиб турарди. Айниқса, уларнинг Петербург, Москва шаҳарларидаги ҳомийлари оқ подшоҳ империяси таркибида бўлган ҳудудларни қўлдан чиқармай сақлаб қолиш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қиладилар ва Туркистон ўлкасида кураш олиб бораётган ҳамтовоқларига ҳар қандай ёрдамни бериб турадилар.

Ночор қолган Қодирхожа эшон ўзига қарашли одамларни олиб Бухорога кетади. Унинг ҳовли-жойи, пахта заводи ва қолган ҳамма нарсаси большевиклар қўлига ўтади. Қодирхожа эшон уйи большевик зобитларга уй қилиб, хоналари тақсимлаб берилади.

Қодирхожа эшон Бухорога келгач Амир Олимхон қабулида бўлади ва Фарғонада бўлаётган воқеалардан уни огоҳ этади. 1920 йилда большевиклар Амир билан тузилган урушмаслик тўғрисидаги шартномани хоиннона бузадилар ва Фрунзе қўмондонлиги остидаги қўшинлар Бухорога бостириб кирадилар. Қодирхожа эшон Бухоро ҳимоясида жангларда иштирок этиб, шаҳид бўлади ва Хожа Баҳоуддин мазоротига дафн этилади.

**Уста Фозил Намангоний.** Уста Фозил Неъматилла ўғли Намангоний Лаббайтоға даҳасидаги Мулла бозор Охун маҳалласида 1875 йилда сувоқчи уста оиласида туғилган. Фозилнинг отаси Неъматилла моҳир сувоқчи уста бўлиб, тўнғич ўғлини шу маҳалла масжиди қошида очилган эски мактабга ўқишга беради. Мўйдин қоридан бошланғич маълумотни олган Фозил оилавий қийинчилик туфайли ўқишни ташлаб, отаси билан бирга ишлаб тирикчилик ўтказишга мажбур бўлади. Айни пайтда шу даврдаги фишт қуувчи уста Маматшоҳ билан бирга юриб XIX аср охирларида Наманганда қурилган бинолар: Николай ва Юсуф кулол банкasi қурилишида ишлайди. 1910 йилда эса Мулла Қирғиз мадрасasi қурилишида қатнашади. Ганчкорлик ва кошинкорлик сирларини ўрганиб, ном қозонган Уста Фозил 1915 йилда Отавалихон тўра масжидни қуришда фаол қатнашиб, катта обрў қозонади.

Собиқ шўролар даврида Уста Фозил машҳур меъмор сифатида танилиб, замонавий қурилишларига бошчилик қилди, маҳаллий кадрлардан кўплаб қурувчи шогирдлар етиштирди. Булар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор Абдулла Воҳидов, уста Шарифжон Раҳмонов ва бошқалар бор.

Уста Фозил 2-ГЭС қурилишига раҳбарлик қилиб, уни 1932 йилда битказади. У архитектура ёдгорликларини таъмир этишда маҳорат кўрсатиб, халқ ҳурматига сазовор бўлди. Жумладан, Мулла Қирғиз ва Тўрақўрғондаги Ғойибназар қори мадрасаларини таъмирлашга раҳбарлик қилди ҳамда уларнинг пештоқиға хотира учун ўз номини ёзиб қолдирди.



Уста Рўзиматхон

**Рўзиматхон Исабоев.** 1885 йилда Наманганда ёлланма темирчи оиласида туғилган Рўзиматхон машхур хонанда ва созандалардан ғижоак чалишни, айна вақтда бир қатор чолғу асбоблари яшашни ҳам ўрганади.

1911 йилда ёш хонанда мусиқадан тўлароқ билим олиш мақсадида Бухорога боради. Бу ерда устоз Ота Жалол билан яқиндан танишиб, ундан Бухоро шашмақомининг “Сегоҳ”, “Дугоҳ” йўлларини ўзлаштиради. Шундан кейин Самарқандга бориб, у ерда машхур бастакор ва ашулачи Ҳожи Абдулазиз хузурида “Самарқанд ушшоғи”, “Гулузорим”, “Каримқули” каби ашулаларни ўрганади.

Ўз билимини бойитган Рўзиматхон яна она шахри Наманганга қайтиб келади. “Машхур устозлардан ўрганган мусиқа асарларини хусусий мулк қилмасдан бошқаларга ўргатиш керак”, - деб ҳисоблаган Рўзиматхон 1912-1913 йилларда ўз атрофига Жўравой, Шарифжон, Пўлатхон, Дадахон сингари санъат ишқибозларини тўплаб, уларга мусиқа сирларини ўргатади.

Уста Рўзиматхоннинг санъаткорлик ва мураббийлик истеъдоди XX асрнинг 20-30-йилларида барқ урди. 1925 йил 5 декабрда Кўқон шахрида санъат ходимлари касаба иттифоқи йиғилишида қатнашган Рўзиматхонни йиғилишдан сўнг Андижондан келган раҳбар ходимлар уни Андижонга бориб ишлашга таклиф этадилар. Ҳар доим янги созанда ва шоирлар билан ишлаш иштиёқида юрган Рўзиматхон бу таклифни қабул қилади. У Андижонда Ҳамза билан танишиб, дўстлашади.

1927 йил 25 сентябрда Наманган шахри раҳбарларининг таклифига биноан яна Наманганга қайтади. 1928 йил март ойида 1 - болалар уйида янги мусиқа тўгараги ташкил этиб, 26 нафар болага мусиқа сирларини ўргатади. 1931 йилда шаҳарда мусиқали драма театри ташкил этишда жонбозлик кўрсатади.

Рўзиматхон ҳаваскорлик ансамблини тузиб, концертлар берди. Томошабинлардан тушган маблағни эса шаҳар маорифи бўлимига топширади. Наманган шаҳридаги 2,4,15,16 - мактаблар ана шу маблағ ҳисобига қурилган.

Уста Рўзиматхон “Фарҳод ва Ширин”, “Ёрилтош” каби сахна асарлари учун куй басталади. У кўплаб шогирдлар етиштирди. Ҳукуматимиз Уста Рўзиматхон Исабоевнинг мусиқа санъати соҳасидаги хизматларини тақдирлаб, унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” деган юксак унвон берди.



**Иномжон  
Низомбоев**

**Иномжон Низомбоев** 1891 йилда Наманган шаҳрида ишчи оиласида туғилган. 1916 йилда мардикорликка юборилган. 1917 йил 10 майда кўплар қатори Наманганга қайтиб келган.

1918 йил май ойидан бошлаб Наманганда ташкил топган мусулмон Совдепида раис муовунлиги вазифасида ишлайди. 1920 йилнинг бошида эса Наманган уезд ижроқўм раиси лавозимига сайланади. 1923 йилдан 1926 йилгача халқ маорифи, маданиятини ривожлантиришда фаол иштирок этди. Ўша пайтларда очилган мактабларнинг деярли барчаси бойларнинг уйига, савдогарлардан тортиб олинган биноларга жойлашган эди. 1924 йил 8 ноябрда шаҳар ижроқўми янги мактаб бинолари қуриш ҳақида қарор қабул қилади. Шаҳардаги 2, 3, 4, 15-мактаблар шу қарорга мувофиқ ҳашар йўли билан барпо этилади. Уларнинг қурилишига Иномжон Низомбоев бевосита раҳбарлик қилади.

Янги мактаблар 1925 йилнинг 29 ноябрида фойдаланишга топширилади. 1928 йил 10 ноябрда эса Иномжон Низомбоевга Наманганда халқ маорифини ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун “Халқ маорифи қаҳрамони” унвони берилади.

1927 йили Иномжон Низомбоев Файзулла Хўжаев тавсияси билан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига экиш компаниясини ўтказиш юзасидан масъул вакил этиб жўнатилади. Икки вилоятда экиш мавсумини муваффақиятли тугатиб, Наманганга қайтгач аввал “Омоч” союзига раис, сўнгра халқ маорифи бўлимига мудир этиб тайинланади. Ўша йиллари барча маданият муассасалари - кутубхоналар, клублар, театр ва кинотеатрлар халқ маорифи ихтиёрида бўлган. Шу боис Наманган шаҳрида маданият, адабиёт, санъат, халқ маорифи ривожиди Иномжон Низомбоевнинг муносиб ҳиссаси бор.

## НАМАНГАН ШАҲРИНИНГ МУҚАДДАС ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ВА МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ


Қадим - қадимдан кўпчилик эътиборини жалб этган Наманган муқаддас зиёратгоҳ-қадамжолари ва меъморий ёдгорликлари билан Ўзбекистонда, жумладан, водийда алоҳида ажралиб туради. Чунончи, Хўжамни қабри, Яккагўр, Танҳоғўр, Чоргўристон, Отчопар қабристон, Мангулик қабристон, Ун бир Аҳмад зиёратгоҳи, Мулла Бозор Охунд мақбараси, Атоуллохон тўра масжиди, Азизхўжа Эшон мадрасаси, Мавлавий Намангоний мақбараси, Мулла Қирғиз мадрасаси, Махдуми Эшон масжиди ва бошқалар ҳозирги кунгача мафтункор жилвасини йўқотмаган, барчани ҳамон ҳайратга солиб келмоқда.

Муқаддас қадамжой зиёратгоҳларимиз ҳамда меъморчилик ёдгорликлари халқларимизнинг ўлмас солномасидир, улар гўзаллик туйғуларини тарбиялайди, ўз даврининг гоёлари, мақсадлари ва ўйларини ифодалаш билан аجدодлар меросига бўлган ҳурмат-эҳтиром туйғуларини шакллантиради.

Қуйида биз шаҳримиздаги муқаддас қадамжолар ҳамда меъморий обидалар тарихи ҳақида қисқача тўхталамиз.

### АТОУЛЛОХОН ТўРА МАСЖИДИ

Наманган шаҳридаги меъморий обидаларнинг ажойиб намуналаридан бири “Сумалак гузар” маҳалласи марказида, “Уйчи” кўчасида



*Наманган шаҳридаги “Сумалак гузари” мавзесида жойлашган “Отоуллохон тўра” масжиди. Ҳозир ушбу бинода “Мулла Қирғиз” ўрта махсус ислом билим юрти жойлашган.*



жойлашган “Атоуллихон тўра” масжидидир (Бу масжид махаллий халқ иборасида “Отавалихон тўра” масжиди деб атаб келинади). Тарихдан маълумки, Наманган шаҳри тўрт қисмдан иборат бўлиб, даҳаларнинг ҳар бирида жомеъ масжидлари ва мадрасалари бўлган. Жумладан, Дегрезлик даҳасининг марказида, яъни ҳозирги Атоуллихон тўра масжиди ўрнида ҳам XVII асрнинг охирида бунёд этилган мадраса ва катта жомеъ масжид биноси мавжуд эди.

Манбашунос Аҳмад Убайдуллоҳ “Наманган ҳақиқати” рўзномасининг 2007 йил 31 январь сонисида ёзадики, ушбу мадраса ва масжид сингли қилиб қурилган. Бино жомеъ масжидининг айвони ниҳоятда дид, амалий санъатнинг гўзал усуллари билан зийнатланган, араб ёзувининг куфий, сулс, насх ва настаълиқ усулларида оятлар, ҳадислар ҳамда селоватлар нақш қилинган. Ганч ва ёғоч ўймакорлиги ниҳоятда моҳирона бажарилган.

XIX асрда Халифа Абдулазиз номи билан машҳур бўлган сўфий шоир Абдулазиз Ҳасанхўжа ўғли Мажзуб Намангоний мазкур мадраса ва жомеъ масжидини таъмирлаб, ўзи мударрислик қилади. Шу даврдан бошлаб мадраса Халифа Абдулазиз мадрасаси номи билан атай бошланади. Халифа Абдулазиз вафотидан сўнг орадан бир қанча йиллар ўтгач, XX асрнинг бошларига келиб, ёнгин натижасида масжид ва мадраса бинолари тамоман куйиб кетади.

Ёнгиндан сўнг Халифа Абдулазизнинг набираси Атоуллихон (Отавалихон) тўра бошлиқ Дегрезлик даҳасига қарашли маҳаллаларнинг оқсоқоллари маслаҳатлашиб, куйиб кетган масжид ва мадраса биносининг ўрнига янгидан гумбазли жомеъ масжиди қуришга қарор қилдилар.

Лойиҳага мувофиқ масжид катта гумбазли бўлиб, ёғоч ишлатмасдан фақат пишиқ гиштдан қурилиши ва бинонинг олди томони икки қувватли бўлиши, ички қисми ажойиб ўйма нақшлар билан безатилиши керак эди. Атоуллихон тўра масжидининг мазкур лойиҳаси ҳозирда Республика марказий Давлат архивида сақланмоқда. Бундай улкан гумбазли бинони қуриш иши осон бўлмаганлиги учун таклиф этилган усталарнинг кўпчилиги бу мураккаб ва масъулиятли вазифани зиммаларига ололмайдилар. Уста Мулла Қирғиз ҳақиқий устазода бўлиб, меъморлик санъати соҳасида туғма истеъдодга эга эди. Отаси Иброҳим ҳам меъмор бўлган.

1915 йилнинг баҳорида қурилиш ишлари бошланиб, Уста Мулла Қирғиз билан Уста Фозил Намангоний, соқов Ҳожи ва бошқалар бирга ишлайдилар.

Дастлаб бино пойдеворини 4 ой давомида шиббалаб қотирилган, ҳар бир шибба уришидан олдин пойдеворга тўлдириб сув қўйилган, сув шимилиб бўлгач, яна шибба урилган. Бу ҳол бир неча бор

такрорланган ва шундан сўнг тош териб, қамиш солиб, ғишт урилган. Бино тархи тўғри бурчакли ва гумбази мутаносиб бўлиб, 27x19,6 метрлик режа асосида қурилган. Масжиднинг усти айланаси диаметри 13,9 метрлик қовурғали улкан гумбаз билан ёпилган. Гумбазнинг ён томонларига айлантриб бир нечта панжарасимон туйнуқлар қўйилган. Масжид гумбазининг ғарбий ва шарқий қисмлари ғишдан кўтариб ишланган. Тўртта устунлар тепасига ўрнатилган бўлса, гумбазнинг шимолий ва жанубий қисмлари саккизта ана шундай устунчалар устига ўрнатилган. Бу устунларнинг барчаси турли рангдаги сиркор қопламалар билан қопланиб, юқори қисмига куфий хати билан Аллоҳ ва унинг сифатлари ёзилган. Устунлар билан девор орасидаги бўшлиқ эса масжид айвонини ташкил қилади. Масжидга кириш эшигининг икки ёнида иккинчи қаватга чиқиш учун баландлиги 10 метрга яқин, зинапоялик бурама йўлақлар бор. Уста Қирғиз мазкур йўлақларни қуришда ғишт теришнинг ўзига хос махсус усулларини қўлланган.

Атоуллихон тўра масжиди биносининг яна бир қимматли томони шуки, XVI асрдан то ҳозирги давримизгача Ўрта Осиёда бунёд этилган меъморлик обидалари орасида гумбазининг улканлиги жиҳатидан етакчи ўринлардан бирида турганлигидадир. Гумбазнинг устки қисмидаги марказдан бошланиб пастга тушган 30 га яқин қовурғалар, куёш нурида товланувчи кўк рангли қуйма сопол тувакчаларга ўрнатилган. Гумбазни сержилло ва жозибадор қилиш учун ғишдан бўрттириб гуллар чиқарилган ҳамда унинг остидан гумбаз айланасига бўртма куфий ёзувда “Калимаи тойиба” битилган. Масжид асосан Дегрезлик даҳасида яшовчи маҳаллалар аҳолисидан ва бошқа муридлардан йигилган маблағ ҳисобига бунёд этилган.

Масжид очилиши пайтида мухлислар масжид ичига яхлит тушадиган ҳажмда гилам тўқиб келиб, тўшаганлар. Масжид ишга тушгач, кутубхона ташкил қилинган ва бу кутубхонага кўплаб нодир қўлёзмалар жамлаган. Атауллихон тўра масжиди қошида Қуръон илмини ўргатувчи марказ, қорихона ташкил қилинган ва унда XIX аср охири, XX аср бошларида яшаб ўтган наманганлик таниқли қироат илмининг билимдонлари дарс беришган. Мазкур қорихонада Исмоил Махдум Соттиев, Муҳаммадхон Қори Хожя Абдуллоҳ ўғли сингари таниқли илм аҳллари сабоқ олишган.

1922 йилга келиб Шўролар халқимиз диний эътиқод ва диний муассасаларга ҳамда араб ёзувига қарши кураш бошлади. Натижада Атоуллихон тўра масжиди ҳам ёпилди, қорихона мударрисларининг айримлари ушланиб қамалди, қочиб омон қолган баъзи мударрислар хорижий мамлакатларга ўтиб кетиб қутулди. Кутубхонадаги китобларни ва бошқа ашёларни мусодара қилиб олдилар. Кейинчалик китоблар

ёқиб юборилди, ашёлар эса ҳукумат идораларига тақсимлаб берилди. Масжид эшигига ўйиб ёзилган оятларни болта билан чоғиб йўқотдилар. Шундай қилиб, улкан гумбазли масжид биноси ўз фаолиятини тугатди.

Бўш қолган бино бироз муддат омборхона вазифасини ўтаб келди ва 1930-31 йилларга келиб бу бино хотин - қизлар клубига айлантилди. Наманган давлат архивида сақланаётган тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Атоуллихон тўра масжиди 1939 йилнинг май ойига қадар хотин-қизлар клуби бўлиб турган. 1939 йилнинг 21 майида Наманган шаҳар ижроқўми президиумининг “Наманган шаҳрида вино заводи ташкил қилиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ хотин-қизлар клуби ўша пайтдаги Охунбобоев номли колхознинг ошхонасига кўчирилган ва Атоуллихон тўра масжиди биносида вино заводи ташкил қилинган. 1939 йил июль ойининг охирларидан бошлаб вино ишлаб чиқарилган. Вино заводи бу ерда 1983-84 йилларгача фаолият кўрсатган.

Мустақиллик шарофати билан меъморий ёдгорликларимизга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, Атоуллихон тўра масжиди таъмирланиб, гўзал масканга айланди. Ҳозир ушбу бинода “Мулла Қирғиз” ўрта махсус ислом билим юрти фаолият кўрсатмоқда. Кўплаб мусулмон давлатларидан келган меҳмонлар толиби илмларга яратилган бу ердаги шарт - шароитларни кўриб, офарин айтмоқдалар.

## ХЎЖАМНИНГ МАҚБАРАСИ


Наманган шаҳрида сақланиб қолган ноёб ёдгорликлар қаторида Кўзагарлик кўчасидаги “Хўжамнинг қабри” мақбарасидир. Ушбу мақбара ҳақида И.Е.Плетновнинг 1968 йилги “Ўзбекистон” нашриётида “Хўжа Амин қабри” номи билан чоп этилган рисоласи бор. Унда мақбарани “Хожа Амин қабри” деб нотўғри талқин қилинади ва мақбара қурилишига оид деярли ҳеч қандай маълумот берилмайди, асосан мақбарага таъриф бериш билан кифояланилади.

Сўнги вақтлардаги изланишлар натижасида мақбара, масжид ва мадраса тарихига доир баъзи маълумотлар топилди. Булар кекса кишилар билан суҳбатлашганда ёзиб олинган оғзаки эсдаликлардан иборат бўлиб, ёзма манбалар етарли бўлмагани учун, ушбу эсдаликларнинг ҳақиқатга яқин бўлганларидан бирини мисол келтирамиз. Аҳмад Убайдуллоҳнинг “Наманган ҳақиқати” рўзномасидаги 2006 йил 22 ноябрь сонидаги “Ноёб ёдгорлик” мақоласида ёзилишича, XVI асрнинг охирида Шайхонтоҳур (аслида тўлиқ исми Шайх Хованди Тоҳур) авлодидан Иминхўжа Парранда деган киши Тошкентдан Наманганга келиб, ўрнашиб қолади. Бу ерда унга ихлос қилувчи кишилар кун сайин кўпайиб боради. Натижада у тез кунда катта ер-сув, беҳисоб бойликка эга бўлади. Иминхўжа парранданинг Холдорхўжа деган ўғли бўлиб, Холдорхўжадан икки ўғил қолади. Каттаси Ёқубхўжа Қашқарга кетади, кичиги Иброҳимхўжа эса Наманганда қолади. Иброҳимхўжанинг қизи бўлиб, уни Мирхўжа Эшон деган кишига турмушга узатади. Иброҳимхўжа вафотидан кейин ўғли бўлмаганлиги учун барча бойлиги куёви Мирхўжа эшонга қолади. Мирхўжа эшон мерос қолган бойликлар эвазига қайнотаси Иброҳимхўжа хотираси учун тахминан XVII аср охири, XVIII аср бошларида Иброҳимхўжа қабрини олди тарафига мақбара қурилишини бошлаб юборади.

Мақбара биносини безашда XIV аср бошида Ўрта Осиё меъморчилиқ бисотидан унутилиб кетган ўйма сопол (терракота)дан фойдаланилган. Бу санъат Ўрта Осиё меъморчилигида бир неча юз йиллар йўқолиб кетиб, ҳеч қутилмаганда Намангандаги Хўжамнинг қабри мақбарасини бунёд этишда ажойиб қайтадан дунёга келади.

Бинонинг пештоқи равоқсимон, аркли ва бурчаклари кичик минорали

қилиб ишланган. Пештоқ энли ва энсиз белбоғлар билан безатилган. Белбоғларга ўсимликлар тасвири ҳамда штрихлар солинган. Энли белбоғлар сопол парчинлар билан безатилган бўлса, энсиз белбоғлар ганчига икки қатламли ўйма нақш солиб ишланган. Энсиз белбоғлардаги ўйма нақшнинг асоси илгари қизил рангга бўялгани ҳамда тиниқ оқ нақшнинг фони бўлиб хазмат қилганини таъкидламоқ лозим. Эндиликда хар иккала қатламнинг ҳам ранги бир хил бўлиб кўринади ва тусига кўра ўйма сопол парчасидан фарқ қилмайди.



Наманган шаҳрида "Кўзагарлик" кўчасида жойлашган  
"Хўжамнинг қabri" зиёратгоҳи

Пештоқ қопламаси рангли сиркори кошинлар билан безатилган. Унинг атрофларидаги бир - бирига монанд оч яшил ва тўқ сариқ ғиштли фасад - чеҳранинг мураккаб, жимжимадор фониди яққол ажралиб туради.

Арkning учбурчак танчасига барги бештадан бўлган катта - катта гуллар нақшланган. Арkning таянчларига яшил тусли кошинлар билан қопланган устунчалар ўрнатилган. Учта халқа кўринишда ўйиб ишланган тўқ сариқ тусли конуссимон тоқи - равоқ киши эътиборини жалб қилади. Бурчаклардаги гулдасталарнинг қўйи қисми тўқ сариқ ва яшил сиркор нақш билан қопланган.

Мақбаранинг ичкари қисмида панелнинг юқорисидан ҳарфлар билан ёзилган ва ўсимликлар тасвири солинган беама белбоғ ўтади. Бу деворлар асосидаги тортилган чизиққа ўхшайди. Иккинчи ана шундай белбоғ деворнинг арк, гумбаз атрофига чирой бериб туради.

Шарқ меъморлари қадимдан биноларни безашда араб ёзувларидан фойдаланишган. Жумладан, “Хўжанинг қабри” мақбарасининг ташқари ва ичкари қисмлари ҳам кўфий, райҳоний, настаълиқ хатлари билан жимжимадор қилиб безатилган. Айниқса, мақбаранинг ички деворларидаги халқасимон оятларга санъаткорона битилган. Мазкур ёзувлар орасида ёдгорликнинг қурилиш тарихига оид бўлган кўп жойлари тушиб кетган, бироқ бинони қурган устанинг номи сақланиб қолган.

Мақбарага кираверишдаги ўймакор эшик устига ва мақбара ичидаги гўрхонага чиқиш эшиги устида “Амали уста Муҳаммад Иброҳим ибн Абдураҳим”, яъни Абдураҳим ўғли уста Муҳаммад Иброҳим ишлади, деб ёзиб қўйилган. Уста Муҳаммад Иброҳим мақбаранинг шарқ томонидаги эшик устига


*Хат дар варақи даҳр бинобувад сад сол,  
Бечора нависанда ки дар хок равад,*

Яъни, “Бу ёзилган хатлар олам саҳифасида юз йиллар қолади, бечора ёзувчи эса тупроқ бўлиб кетади”, деган сўзларни ёзиб қолдирган.

Мақбаранинг ғарб томонидаги хўжалар қабристонини эшиги устига турли диний сўзлар ёзилган. Мақбарадаги мавжуд ёзувлар уста Муҳаммад Иброҳимнинг моҳир хаттот эканлигини ҳам тасдиқлайди. Уста маҳаллий меъморчилик мактаби анъаналарининг ўз даври даражасидан бирмунча юқори турадиган нодир намунасини яратишга муваффақ бўлган.

## АЗИЗХҶҶА ЭШОН МАДРАСАСИ ВА МАСЖИДИ

“Хўжамнинг қабри” мақбараси билан ёнма-ён бунёд этилган иккинчи обида Азизхўжа эшон мадрасаси ва масжидидир. Азизхўжа эшон мадрасасини XVIII асрнинг иккинчи ярмида Иброҳимхўжанинг жияни, яъни Қашқарга кетиб қолган акаси Ёқубхўжанинг ўгли Азизхўжа Қашқардан Наманганга қайтиб келиб қурган. Мадраса қурилишида асосан наманганлик усталар ишлаган. Мадраса биноси пойдевори шиббаланиб, тош терилиб, тош устидан қалинлиги 15 сантиметрлик арча қўйилиб, арча устидан пишиқ ғишт лой билан териб ишланган. Мадраса 24 хужра, бир дарсхона, бир қазноқ ҳамда масжиддан иборат бўлиб, хужраларнинг 14 таси жанубий, 10 таси шарқий томонда, қазноқ, дарсхона, масжид ва хонахоқ эса гарбий томонга жойлашган.



**“Хўжамнинг қабри” зиёратгоҳи мажмуидаги  
“Азизхўжа эшон” мадрасаси**

Шарқий томондаги хужралар мақбарага туташтириб қурилган. Мадрасага кириш эшиги ҳам шу томонда бўлиб, устида болохонаси бўлган (Бу хужралар ҳозирги кўча ўрнида бўлган). Афсуски, шарқий томондаги хужралардан бирортаси ҳам бизнинг даврга етиб келмаган. Таъмирлаш жараёнида мазкур хужраларнинг пойдевори топилиб, ғишт билан кўтариб қўйилган. Ҳозирда мадрасанинг жанубий тарафида сақланиб қолган 12 та хужра таъмирланиб, бузилиб кетган икки хужра қайтадан тикланди. Бу хужраларнинг ҳаммаси бир хил - 3,5x3,5 метр ҳажмда қурилган бўлиб, гумбазлари ҳар хил шаклдадир.

Азизхўжа мадрасасида таълим олган талабалар орасидан кўзга кўринган маърифатпарвар кишилар етишиб чиқди. Шулардан бири шоир Мулла Йўлдош Хилватийдир.

Мадраса хужраларида тез-тез газалхонлик кечалари бўлиб турар эди. Кечаларга Намангандаги мадрасаларда таълим олаётган газал шайдолари ва аҳли илмлар тўпланишарди. Бундай йиғилишларда Нодим Намангонийнинг дўсти, қўқонлик маърифатпарвар шоир Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ҳам бир неча марта қатнашган.

Ушбу тарихий обида ҳам келажақда тўлалигича қайта тикланиб, таъмирланиб, келгуси авлодлар учун тарихимиз кўзгусига айланса, ёмон бўлмасди.

## МАВЛАВИЙ НАМАНГОНИЙ МАҚБАРАСИ

Бу ёдгорлик Наманган шаҳрининг шимолий шарқий қисмида, шимолий Фарғона каналининг қирғоғида қад ростлаган. Маҳобатли мақбара биниси XVII асрнинг иккинчи ярмида яшаган машҳур шоир ва олим Мавлавий Муллахўжа хотирасига бағишлаб қурилган. Мавлавий ўзи ким бўлган ва бу ҳақда қандай маълумотлар бор?

Бу ҳақда дастлабки маълумотлар Муҳаммад Азиз Намангоний ёзган ва шахсий кутубхонасида сақланаётган “Мажзуби Намангоний” номли кўлёзма девонида ҳамда марғилонлик котиб Усмонхўжа бинни Муҳаммад Алихўжаев Марғилоний китобат қилган Фарғона водийсининг фозил кишилари ҳақида маълумот берувчи “Рисоилул фузало” номли асарда учрайди.

Ўрта Осиё меъморчилиги бўйича кўзга кўринган олим, тадқиқотчи Л.Ю.Маньковская ёзганидек, “Мавлон бува” мақбараси, ривоятларга кўра, XVI асрда қурилган. Архитектура услуги буни рад этмайди, аммо гумбазнинг қурилиш усули эса шакл жиҳатидан XVIII асрга хосдир. Бу обида XIX аср бошларида, аниқроғи, 1806 йилда қурилган. Кириш пештоқида “ҳижрий 1221 йил” деб ёзилган сана сақланиб қолган. Тадқиқотчи И. Азимов ўзининг “Фарғона водийсининг архитектура




ёдгорликлари“ рисола - йўл кўрсаткичида ушбу сана обиданинг қурилган санаси деб қайд этиб ўтган. Наманган Давлат университети доценти, тарихчи олим, марҳум Й. Қосимов ўзининг “Наманган тарихидан лавҳалар“ китобчасида бу сананинг обидани таъмирланиш санаси эканлигини таъкидлайди.

Мавлавий Намангоний мақбарасининг қурилиш тарихи ҳақида ёзма манбалар йўқ. Бироқ мақбаранинг биринчи таъмиридан бошлаб ҳозиргача олиб борилган меъморчилик ишлари ва наққошлар ҳақида айрим маълумотлар бор. Жумладан, Наманганлик марҳум шоир Мулла Отахон Нисорий (1975 йилда вафот этган) томонидан мақбара ичкарисидаги деворларга ёзувлар битган эди.

Биз юқорида айтганимиздек, Мавлон бува мажмуаси маҳаллий шоирга бағишланган бўлиб, қабрдан жануброқда пештоқ - гумбазли зиёратхона биноси қад кўтарган. Панжарали дарчадан оддий сағана кўришиб туради.

Тенг томонли тархдаги зиёратхона (7x7 м) пештоқи жануб томонга қараган. Пештоқнинг икки ёнига ғоят ҳашамдор безаклари бўлган иккита минора қурилган, анъанавий мезаналар ўрнига уч босқичли конус ишланган.

Бош фасад ғоят маҳобатли бўлиб, бу ерда меҳробий ва тўғри бурчакли танчалар ишланган. Пештоқнинг юқорисига терилган тоқчалар безак вазифасини ўтайди. Бошқа фасадлар текис бўлиб, гиштлар сувоқсиз қолдирилган.



Наманган шаҳрининг “Лаббай тоға” даҳасида XVIII асрнинг ўрталарида қад ростлаган “Мавлавий Намангоний” зиёратгоҳи.

Бино ичи ганч сувоқ қилиниб, унга мойбўёқ билан гул солинган. Ғарбий деворда текис чизиб ишланган меҳроб бор. Изофаларида гулли гулдон ва чиройлик нақшлар тасвирланган, араб имлосида шеърлар битилган.

Мажмуа ўзининг икки асрлик тарихи мобайнида Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбараси сингари меъморчилик ва шеърятнинг мухтасар ёдгорлигига айланди. Шоирлар, Мавлон бува ижодининг ихлосмандлари зиёратхона деворлари ва ироқи саррофларга, кейинчалик эса бу ерда сақланадиган ўрама қоғозга шеърлар битиб қолдиришган.

Мавлон бува ёдгорлиги ёзма безаклари, меъморий ечимлари билан мемориал мажмуанинг типик намунаси бўлиб, алоҳида эътиборга сазовордир. Эҳтимол, бу ерда сақланаётган шеърларни ўрганиш ўша давр шоирларининг кайфият, ҳис ва туйғуларини билишга ёрдам бериши лозим.

## МУЛЛА ҚИРҒИЗ МАДРАСАСИ

Наманган шаҳрига ажойиб ҳусн бериб турган архитектура ёдгорликларидан яна бири қурилиши 1910 йилда бошланиб, 1912 йилда тугалланган Мулла Қирғиз мадрасасидир. Ниҳоятда қисқа фурсатларда қуриб битказилган бу ноёб иншоот 41 хужра ва 3 та гумбаздан иборат. Мадраса асосан пишиқ ғиштдан арк услубида қурилган. Бу эса қадимий Ўрта Осиё меъморчилик анъаналарига мос тушади. У ғишт териш услуби, беш бурчак шаклида ишланганлиги билан ажралиб туради ҳамда бино пештоқидаги кошинларнинг нафислиги билан кишини мафтун этади. Ёдгорликнинг бош фасади икки қаватли қилиб қурилган. Ҳовлига кирилгач, ўнг томонида гумбазли дарсхона ҳамда масжид жойлашган. Пештоқ равоғи ичига эса: “Забаржат току зар олтин бирла бу хат ёзилмишдир. Карам аҳлининг эҳсонидан ўзга қолмагай боқий”, яъни “Ҳар ким ўзи кетса ҳам, унинг эҳсони абадий қолади”. Унинг ёнига эса: “Боний Мулла Қирғиз ибн Машраббой тижорий. Уста Мулла Қирғиз ибн Иброҳимбой меъмори”, яъни Мулла Қирғиз Машраббой савдогар ўғли. Уста Мулла Қирғиз Иброҳимбой меъморнинг ўғли” деб, мадрасани қурдирган одамнинг номи ҳамда меъмори қайд этилган.


Пештоқ юзаси ҳамда унинг ичига ганчсиз қилиб терилган сиркорлик усули қўлланилган бўлиб, у Фарғона водийси ёдгорликларига хос бўлган оқ, зангори, ҳаворанг, сарик, кўк ва оч кўк рангдаги кошинларни ташкил этади.

Айниқса, мадрасанинг ўнг томонида жойлашган дарсхона ҳамда масжиднинг қурилиш усули ташқи ҳамда ички меъморий кўриниши диққатга сазовордир. Улар устига баҳайбат гумбазлар ишланиб,

гумбазлар устига эса, хона ичкарасига ёруғлик тушиб туриши учун хашталлар ўрнатилган.

Б.Рўзинов, С.Ражабоваларнинг рисоласида кўрсатилишича, Мулла Қирғиз мадрасасининг тикланишида Мирза Дадабой ва Тошболтавой деган усталар томонидан тайёрланган тўғри бурчак шаклидаги гиштлар ишлатилган бўлса, мадраса пештоқига ёпиштирилган барча кошинларни Мулла Мамасиддиқ, Абдурахмон, Абдуқаҳҳор ва Мамадали кулоллар ёдгорлик ҳовлисида алоҳида хумдон қуриб пишириб тайёрлаганлар.

Мадрасани қурган меъмор уста Мулла Қирғиз Наманган шаҳрининг Маҳдуми Эшон (ҳозирги Янги Ривожия) маҳалласидаги хонадонларлардан бирида уста Иброҳим оиласида 1846 йилда туғилган. Унгача туғилган фарзандларнинг ҳаммаси нобуд бўлавергач ота - онаси унга кўз тегмасин деган мақсадда Қирғиз деб исм қўйишади. Уста Қирғизнинг бобоси ва отаси ҳам таниқли усталар бўлишига қарамай Қирғизни Исматулло Охунд деган таниқли меъморга шогирдликка берадилар. Қирғизбой ёшлигиданоқ бирсўзлик, сергайрат эди. 15-16 ёшиданоқ бинокорлик сирларини ўрганиш билан диний ва дунёвий илмларни ҳам ўзлаштирди.



**Наманган шаҳрида 1910-1912 йилларда қуриб битказилган "Мулла Қирғиз" мадрасаси.**

Уста Мулла Қирғиз меъмор Исматулло Охунддан мумтоз меъморлик услубини қунт билан ўрганади. У кўпчилик маҳаллий усталар каби қуриладиган бино тархини чизиб, шу асосда зарур қурилиш ашёлари ҳамда қанча ишчи кучи зарурлигини ҳисоблаб аниқлар, бинокорлик чизмаларини яхши билгани учун осонлик билан муғанний обидаларни янғидан барпо этар эди.

У қурган гумбазли бинолар одатда қулай, мустаҳкам, кўркам ва арзон, ичкари хоналари эса ёруғ ва шинам бўлган. Бундай бинолар қуриш санъатини унинг шогирдлари ҳамон давом эттириб келмоқдалар. Уста қўли билан қад кўтарган архитектура ёдгорликлари ҳамон халқимизга хизмат қилмоқда.

Уста Мулла Қирғиз чархи гумбаз, балхи гумбаз, чортори гумбаз, чоргунжан қобирғали, “Мирзойи”, “Шалғамий” каби гумбазларнинг конструктив хусусиятларини, гумбаз остидаги равоқ, гажожак ва ҳошияларнинг ўрни ва турларини амалда қўллаган.

У Фарғона водийсидаги меъморчилик услубининг энг йирик вакилларида бири бўлиб, меъморлик санъатининг мураккаб сирларини XIX аср охири XX аср бошларида кенг татбиқ қилган, гумбазларни боғлашда, ганчли безакларни ишлашда жуда моҳир бўлган.

Мулла Қирғиз ёши улғайган чоғда ҳам илм олишни, изланишни тарк этмади, мумтоз адабиёт сарчашмаларидан доим баҳраманд бўлиб, ундан завқ - шавқ, руҳий қувват олиб, кишиларни ҳайратга соладиган улғувор меъморий обидаларни яратди. Узун қиш кечалари уста тенгдошлари, қадрдонлари, укалари, ўғиллари, шогирдлари ҳамда ўзига яқин кишилар билан бирга Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарини мутолаа қилар, ул зотнинг меҳмонхоналарида ўтадиган машрабхонлик, бедилхонлик кечасига яқин атроф қишлоқ ҳамда шаҳардаги ўқимишли кишилар, шоирлар ва машхур уламолар ҳам таклиф қилинар эди.

Маҳаллий аҳоли орасида уста Мулла Қирғизнинг маҳорати ҳақида кўпдан - кўп афсоналар юради. Шулардан бири мадраса қурилиши жараёнидаги тушлик пайтида уста Мулла Қирғиз чой ичиб ўлтириб, ўз шогирдларидан бирининг девор кўтараётганини зимдан кузатар эди. Шогирд тараётган ғиштнинг жойини топа олмай қийналаётганини дарров сезади. Шогирди ғишт тараётган девордан маълум бир узоқликда ўлтирган уста, ўтирган жойидан кўтарилаётган девор тарафга ғиштни усталик билан отади, ғишт эса тўппа - тўғри бориб ўз жойига ўрнашиб қолади.

Уста Қирғизнинг ижод маҳсули ҳисобланмиш Наманган шаҳридаги “Атоуллихон Тўра” масжиди, “Мулла Қирғиз” мадрасаси, Тўрақўрғондаги “Ғо-йибназар Қози” мадрасаси, Чуст шаҳридаги “Мавлоно Лутфиллоҳ” меъморий ансамбллари таркибига кирувчи мазкур бинолар ҳар қайсиси ўз тарихига эга.

## МУЛЛА БОЗОР ОХУНД МАЖМУАСИ

Мулла Бозор Охунд ёдгорлиги мажмуаси Наманган шаҳрининг Курашхона даҳасида жойлашган. Мажмуа шоир Бобораҳим Машрабнинг устози, XVII асрнинг йирик мутасаввифларидан бири олим Ҳожа Убайдуллоҳ ибн султон Муҳаммад Бобур Қорахон Мулла Бозор Охунд номи билан боғлиқ.

Мулла Бозор Охунд XVII асрнинг биринчи ярмида дунёга келган. Илмга ташналик уни Туркистоннинг илму фан маркази бўлмиш Бухорога олиб келган. Узоқ йиллар мадрасада ўқиш билан бирга, донишманд олим Мирзо Баҳодир Бухорийдан таълим олиб, у зотдан иршод хати, яъни пирнинг ёрлигини олгач, Бухородан чиқиб, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларига саёҳат қилган. Қашқарнинг Хўтан, Ёркент ва бошқа шаҳарларида бўлган. Мулла Бозор Охунд фикҳ, ҳадис, фароиз, жуғрофия, илми ҳисоб, тарих, адабиёт, тасаввуф ва бошқа илмларни мукаммал эгаллаган йирик олим эди.



Наманган шаҳридаги "Курашхона" мавзесида барпо этилган "Мулла Бозор Охунд" зиёратгоҳи.

Муқаддам ҳозирги мақбара ўрнида мавжуд бўлган пишиқ ғиштдан тикланган мадраса ва одмигина мақбара 1930 - йилларда бузиб юборилган эди. Мамлакат истиқлолга эришиши арафасида, 1990 йилда маҳалла аҳли масжид қурилишини бошлаб юборди. Бу хайрли ишга Саудия Арабистонида яшаётган Муҳаммад Саййид Намангоний ҳам ўзининг баҳоли қудрат кўмагини берди. Бироқ иқтисодий танглик туфайли бу қурилиш ниҳоясига етмай қолди.

1993 йилнинг сентябрида вилоят ва шаҳар ҳокимликлари бу тарихий жойда меъморий обидани қайта тиклаш юзасидан қарор қабул қилди. Шу йилнинг 25 декабрда мажмуанинг асосий дарвоза қисмида қурилиш ишлари бошланди. Қурилиш ишлари 1994 йил 18 майда тугалланди. Уни Наманган шаҳри бош меъмори Абдужаббор Абдуғаффоров раҳбарлигида, тошкентлик меъмор Одилжон Қодиров бошчилигидаги қурувчилар амалга оширди. Бу ёдгорлик мажмуини қайта бунёд этишда уста Фозил Намангонийнинг фарзанди уста Турғунбой Фозилов ва Неъматилла Қўқоров етакчилигида энг малакали қурувчилар иштирок этишди.

Мулла Бозор Охунд ёдгорлик мажмуаси уч қисмдан иборат бўлиб, жомеъ масжиди, асосий катта хона - ертўлали хонақоҳ ва дарвозахонадан иборат. У пишиқ ғишт ва темир - бетон панелдан қурилган.


Мақбара ўзига хос усулда қурилган ёдгорлик ҳисобланади. Мақбара ичидаги Мулла Бозор Охунднинг рамзий қабрига "Ҳожа Убайдуллоҳ ибн Султон Муҳаммад Бобур Қорахон Мулла Бозор Охунд 1079 йилда вафот этган (милодий 1668 йил)" деб ёзилган. Шунингдек, мрамар лавҳага Машрабнинг қўйидаги байти битилган:

***Маърифатнинг ишқ гулзори Мулла Бозор девона,  
Ошиқларнинг сардори Мулла Бозор девона.***

Мақбара ташқарисида, шимолий шарқий томонда 2 та қабр мавжуд бўлиб, бири Мулла Бозор Охунднинг устози ва сафдоши домла Ниёз Охунд ибн Жалолиддин Зомийнинг қабридир. Иккинчиси эса шу депарада шаҳид бўлганлардан бириники. Бу марҳумлар хоки қурилиш ишлари жараёнида топилиб, қайта дафн этилган. Мулла Бозор Охунд ёдгорлик мажмуи ҳовлисининг ўртасида 10 метр диаметрдаги 8 қиррали ҳовуз бор. Айланаси умумий ҳисобда 10X10 газ ҳажмига баробар қилиб олинган. Бу ҳам ҳовуздан исломдаги сув истеъмол қилиш қоида ва шартларига мувофиқлаштириб барпо қилинган.

## МАХДУМ ЭШОН МАСЖИДИ

Махдум Эшон масжиди Наманган шаҳрининг Марғилон кўчасида жойлашган. Махдуми Эшон масжиди 1808 йилда Мулла Бувабойнинг маблағи ҳисобига барпо этилган бўлиб, уста Исматилло бошчилигидаги бинокорлар томонидан қурилган. 1938 йилгача масжид сифатида фаолият кўрсатган.



Наманган шаҳридаги XIX аср ўрталарида қурилган  
"Махдум эшон" жомеъ масжиди.

Кейинчалик динга қарши кураш даврида бу масжид ёпиб қўйилган. 1946 йил иккинчи жаҳон урушидан сўнг давлат рухсати билан қайтадан масжид сифатида очилиб, ҳозирги кунга қадар фаолият кўрсатиб келмоқда. Масжид 2000 киши сиғадиган хонақоҳ ва 6000 намозхонга мўлжалланган ҳовлидан иборат. Бундан ташқари имом учун алоҳида ҳужра, масжиднинг ходимлари учун бинолар, никоҳ ўқиш хонаси, вилоят ҳаж ва умра марказлари учун хоналар ажратилган.

Масжидда катта уламолардан марҳум Абдукарим ҳожи домла, Исмоил Махдум, Мулла Хошимхон Қори ва Яҳъёхон тўра хизмат қилиб келишган.

## ҚОДИРХОЖА ЭШОН УЙИ

Наманган шаҳрининг Сардоба даҳасида “Қодирхожа Эшон уйи” ёдгорлиги номи билан аталувчи меъморлик обидаси мавжуд. Мазкур обида XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг биринчи чорагида яшаб ўтган, Наманган шаҳрининг нуфузли ва обрўли кишиларидан бири бўлган Қодирхожа Эшоннинг уйи сифатида машҳур бўлиб келган. Мазкур уй 1880-1890 йиллар орасида қурдирилган. Бинонинг қурилиш усули шарқона бўлиб, нақшлари оврупоча. Уйлар ички-ташқи хоналардан иборат бўлган. Бизнинг давримизгача уйнинг фақат ташқи қисмигина етиб келган. Уйнинг сақланиб қолган қисми “П” шаклида бўлиб, учта катта хонаси ойнакли равондан ва бир уй, икки ўрта хона, бир йўлак ҳамда бир айвондан иборат. Равонли хоналарнинг шифтлари бир-бирига ўхшамаган, ҳар-хил оврупоча усулдаги нақшлар билан зийнатланган. Хона шифтларини ишлашда дурадгор усталар ўз маҳоратларини ишга солиб, шифтнинг ўрта ҳовузсимон қисмини вассажуфт шаклда, атрофларини эса катаксимон қилиб бунёд этганлар, хоналарнинг шифтлари ишланиш усулига кўра бир-биридан фарқ қилади. Шифтга ишланган катакчаларнинг айримлари ичига буғдойзорлар, қарағайзор ўрмон ва денгиз қирғоғида жойлашган қаватли уй тасвирлар чизилган. Шифтнинг аксар қисмига эса ўсимлик шохчаларига ўхшаш тасвирлар ва баргсимон нақшлар ишланган.

Қодирхожа Эшондан ёдгорлик сифатида сақланиб қолган уйнинг уйи бизнинг давримизгача турли воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлиб етиб келди. Мазкур уй маълум муддат зобитлар ётоқхонаси, “Хотин-қизлар артели” бўлган бўлса, кейинчалик бу ерда педагогика билим юрти ташкил этилди. Маълум муддат ўтгандан сўнг билим юртининг умумий ётоқхонаси бўлиб қолди. Орадан бир неча йиллар ўтгач, бу ерда “Ногиронлар уйи” ташкил этилди ва ташкилот яқин ўттиз йиллар ушбу ерда фаолият олиб борди.

Кейинчалик “Ногиронлар уйи” Косонсой туманига кўчирилиб, уйнинг ўрнида “Ижтимоий таъминот вилоят базаси” ташкил этилди. Бу ташкилот ҳам бир неча йиллар фаолият кўрсатгач, XX аср 80-йилларининг охирларига келиб бошқа жойга кўчирилди ва Қодирхожа Эшон уйига вилоят кўнгилли ўт ўчириш жамияти идораси жойлаштирилди. Мазкур ташкилот бу ерда 1992 йилга қадар фаолият кўрсатиб келди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Қодирхожа Эшон тарк этган 1919 йилдан бошлаб мазкур уйда қандай муассаса-ташкилот жойлашган бўлмасин, қадимий бинолар бирор марта ҳам таъмирланиб, рисолага келтирилмади.


Мазкур уй ўтган асрнинг 70-йилларида меъморлик обидаси сифатида рўйхатга олинганлиги сабабли уни бутунлай бузилиб кетишдан сақлаб қолинди ва шунга кўра атрофида кўшимча бинолар қурилди.

Қадимий бинонинг икки катта хонасининг таги тўла бўлиб, уйнинг ичидан ариқ оқиб ўтган. Чунки, Қодирхожа Эшон бу тўлаларда мевачева ва сабзавотлар сақлаб келган. Даврлар ўтиши билан ет сатҳи



аста кўтарилиши натижасида ва бу ерда жойлашиб келган ташкилотлар қиш мавсумида печкаларга ёқилган кўмир-ўтин кулларини ва чиқинди ахлатларини тўлага ташлашлари оқибатида тўла ва ариқлар кўмилиб, ер билан текис бўлиб кетган эди. 1985 йилга келиб обидани таъмирлаш ишлари бошланди.

Вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан 1992 йилда жуда катта ишлар амалга оширилиб, ҳовлининг сатҳи бинонинг қадимий пойдеворларига қадар пасайтирилди. Ҳовлининг кўча томони бироз кенгайтирилиб, гишт деворлар олинди ва ўртага арқлик, ўйма нақшли дарвоза қурилди. Ҳовли сатҳининг гулхоналари гулли бетон бордюрлар билан ажратилиб, йўлакларга гулли бетон плиталар ётқизилди. Шунингдек, қайта қурилган хоналар ганч ўймакорлиги санъати билан ишланган нақшлар билан безатилди. Қайтадан бунёд этилган айвон устунлари ўйма нақшлар билан безатилди, токчалар қадимий меъморчилик услубидаги ихчам-ихчам нақшли токчалар шаклида қайта ишланди, вассажуфтли шифт миллий усулдаги амалий санъат намуналари билан кўркамлашди. Ҳовлидаги сўнги даврларда қурилган биноларнинг ташқи кўриниши Қодирхожа Эшон уйи ёдгорлигига мутаносиб ва уйғун бўлиши учун, уларнинг усти гиштсимон терракота (қоплама) билан ёпиб чиқилди ва барча хоналарнинг ички қисмлари ҳам таъмирдан чиқарилди. Мазкур ишларни наманганлик машҳур меъмор Турғунбой ака Фозилов (марҳум) бошчилигидаги усталар бажаришди. Ушбу обиданинг таъмирот ишлари ниҳоясига етгандан сўнг, манбашунос олим Аҳмад Убайдуллох таклифи билан бу ерда “Мерос” илмий маркази ташкил этилди.



**Наманган шаҳри “Сардоба” даҳасида жойлашган “Қодир хўжа эшон” турар-жой биноси (XIX аср иккинчи ярми)**

## ЎН БИР АҲМАД ҚАДАМЖОЙИ

Ўн бир Аҳмад қадамжоси шаҳарнинг қибла томонидаги Ғирвон қишлоғидан ғарброқда жойлашган. Бу қабристон жуда қадимий бўлиб, бу ҳақда ҳалигача тўлиқ маълумот тўпланган эмас. Ушбу рисола муаллифлари суҳбатлашган кекса отахонларнинг фикрича, Ғирвон қишлоғида бир тепалик бўлиб, унинг орқасида катта текислик, сайхонлик бор экан. Текислик ўртасида бир туп азим чинор яшнаб турар, тагида эса тиниқ булоқ суви отилиб турар экан. Ўтган - кетган йўловчилар булоқ сувидан ичиб, чанқоқларини босишар, чинор соясида дам олиб, сўнг яна йўлларида давом этишар экан.

Иттифоқо, уч мусофир шу ердан ўтаётиб булоққа кўзлари тушибди. Булоқ бўйида бир қария намоз ўқиб ўтирган эмиш. Мусофирлар сувдан ичишибди, сўнг таҳорат олиб намоз ўқишга киришибдилар. Ҳалиги қария намозини ўқиб бўлгач, тиловат қила бошлабди. Унинг ширали овози, гўзал қироати ҳалиги мусофирларни сеҳрлаб қўйибди. Ҳатто аллақаерлардан қушлар ҳам учиб қелиб, ёмғир шивалай бошлабди. Қироат тугагач ёмғир тинибди. Уч мусофир у киши олдига келиб, одоб билан салом бериб, бу ерда ёлғиз ўтирганлиги сабабини сўрашибди. Қария бир хўрсиниб ҳикоясини бошлабди.

- Биродарларим, менинг ичим тўла гап: мен бахти қаро одам бўлиб, ўнта акамдан айрилганман, - деб кўзларидан шашқатор ёш оқибди. Мен Аҳмад Яссавийнинг инилари бўламан. Ўнта акам оламдан ўтиб, ёруғ дунёда якка ўзим қолдим. Менинг ҳам куним битганга ўхшайди. Сизлар пайқамадингиз, Қуръон ўқиётганимда Азроил Алайҳиссалом ёнимда турдилар. Қуръони карим оятлари тугагач, улар ғойиб бўлаётб, қулоғимга “акаларинг сени чақиришяпти” деб пичирладилар.

Мусофирлар бениҳоя ҳайрон бўлишди. Унинг табаррук зотга қондош эканлигини эшитиб меҳрлари товланибди. Шу пайт осмонни қора булут қоплабди. Кўкда туйқус пайдо бўлган қушлар безовталаниб, чарх ура бошлабдилар. Шарқираб отилиб турган булоқ суви ҳам таққа тўхтабди. Мусофирлар бу ҳолга ҳанг - манг бўлиб, оғизлари очилиб қолибди. Боисини қариядан сўрабдилар. У дебди:

- Менинг ажалим етди. Булар шунга ишора. Кетар чоғимда сизларга бир гап айтмоқчиман. Келажак ҳаётингиздан башорат қиламан, токи мени унутмангизлар.

Кейин биринчи мусофирга юзланиб, “сиз жуда бойиб кетасиз, фақат ҳалол бўлинг”. Иккинчисига “сиз катта савдогар бўласиз, аммо эҳтиёт бўлинг”. Учинчисига, “сенинг омадинг фарзандларинг вояга етгандан кейин келади, лекин кичкина фарзандинг бебош бўлиб ўсади, жиловини қаттиқ ушла”, - деб тайинлабди. Сўнгра калимаи шаҳодатни келтириб осонгина жон берибди. Буни қарангки, осмон ёришиб қуёш чарақлаб

кетибди. Булоқдан ҳам шилдираб сув чиқа бошлабди.

Бир неча дақиқа ичида юз берган ҳодисадан қотиб қолган мусофирлар ақл-хушларини йиғиб олишибди. Қарияни ювиб, кафанлаб, чинордан нарироққа дафн қилиб, йўлларида давом этишибди. Улар Аллоҳга яқин бу қарияни ўла-ўлгунча эсдан чиқаришмабди. Йиллар ўтиб, унинг башоратлари ҳақиқатга айланганда яна Қуръон тиловат қилиб, руҳини шодлантиришибди. Шундай қилиб, мазкур қабристон “Ўн бир Аҳмад” номини олган экан.

Яна бир ривоятда эса қуйидагича ҳикоя қилинади: Қадим замонда ўн битта ака-укалар бўлган экан. Улар ниҳоятда бир-биридан иймон-этиқодли, билимли, комил инсонлар экан. Ака-укалар мусулмончилик фарзини адо этиш учун ҳаж сафарига отланишибди. Каъбатуллоҳга боришиб, уни тавоф қилиб ҳожилик мақомига эришиб орқага қайтаётганда бир сўлим жойда тўхташибди. Дам олиб бўлиб қарашса, бир инилари йўқ эмиш. У ёқ бу ёққа зир югуриб чақириб, қидиришибди, топилмабди. Кўкка учганми, ерга кирганми, билолмай қаттиқ қайғуришибди. Иложсиз яна йўлда давом этишибди. Чарчаб толиқиб бир салқин жойга дам олишга ўтиришибди. Кўзлари кетиб қолибди. Уйғонишса, ораларидан бир киши яна йўқ. Чор атрофни қидириб топа олишмабди. Мотамзада бўлиб, йўлга тушибдилар. Шу тариқа ўнта ака-ука сирли равишда ғойиб бўлибдилар. Энг охириги ўн биринчи ини юра - юра ҳориб чарчаб, бир дарахт тагига ўтириб пича нафас ростламоқчи бўлибди. Кейин Қуръон оятларидан тиловат қилибди. Ҳудди шу пайт ўтирган ўрnidан йўқолиб қолибди. Бу ўн биринчи инини узоқдан бир чўпон кузатиб турган экан. Бут-бутун одамнинг кўз олдида ғойиб бўлганидан кўрқиб кетибди. Югуриб борибди. Ўн биринчи ини ҳассасини суқиб қўйган жойдан анвойи гуллар, дарахтлар ўсиб чиқибди. Кейинчалик чўпон бу ернинг ғалати хислатли эканини билиб, кўрғон қилиб ўраб қўйган эмиш. Мана неча йилларки, ўша жой - “Ўн бир Аҳмад” қабристони одамларнинг зиёратгоҳига айланган.

Қабристон ҳудудида бир сайхонлик борки, ҳар йили сентябр ойи бошларида бу жой янада гавжумлашади. Турли бод касали билан оғриган кишилар сайхонлик тупроғига кўмилиб, дардларидан фориғ бўладилар.

## ХУЛОСА

Хуллас, биз юқорида гувоҳи бўлдикки, Наманган шаҳри тарихи минг йилдан ортиқ даврни ўз ичига олади. Шу йиллар давомида аждодларимиз ўз тарихини авайлаб келди, бу тарих неъматлари бўлмиш меросдан келажак сари илдам йўл босиш учун биз куч-қувват оламиз. Халқ озодлиги учун қурбон бўлган миллий қаҳрамонлар жасорати, миллат равақи учун жонбозлик қилган илм ва фан соҳибларининг фаолияти эса ҳар авлод учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади. Уларнинг хотирасини абадийлаштириш эса бугунги ва келгуси авлодларнинг муқаддас бурчи. Зеро, тарихдан бөҳабар халқ мазлум халқ. Тарихи ёлғон ёзилган халқ - маҳкум халқ, тарихни асраган ва билган халқ - қудратли ва тенглар ичида тенг халқ.

Истеъдодли ёзувчи Асад Дилмурод бир мақоласида қадимий битиклардан ҳисобланмиш “Тужа шараси” китобидаги Далай-ламанинг бир ҳикматини эсга олибди. “Агар оддий одам ўз келиб чиқишини билмаса, - деб ёзади Далай-лама, - у ўрмонда адашган маймунга ўхшайди; агар у ўз уруғ - аймоғини билмаса, ферузадан ясалган аждарҳога ўхшайди; агар у аждодлари ҳақида ҳикоя қилувчи битикларни ўқиёлмаса, йўқолган ва йўлдан чалғиб кетган болакайга ўхшайди”. Нақадар ҳаққоний ҳикмат!

Айнан мана шу ҳикмат баҳона бўлиб, айтиш мумкинки, Республикамиз ёшлари, фуқоролари ўз тарихларини тўла қонли билишга қизиқишлари ниҳоятда катта.

Президент Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек, “Туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак. Тарихий хотираси бор инсон - иродали инсон”.

Ана шу кўрсатмаларга амал қилган ҳолда Наманган шаҳри тарихи билан танишиб чиқдингиз. Ёзма манбалар - архив ҳужжатлари, дастлабки археологик тадқиқот натижалари, тарихий ва этнографик материалларнинг гувоҳлик беришича, бугунги Наманган шаҳри камида минг йиллик тарихга эга бўлиб, Республикамизнинг кўҳна шаҳарлари қаторидан ўрин олади. Афсуски, қўлимиздаги мавжуд археологик, тарихий ва этнографик материаллар эса шаҳар ёшини аниқ белгилаш учун етарли илмий асос бўла олмайди. Бунинг учун қилинадиган илмий тадқиқот ва изланишлар олдинда.

Наманган Косон ва Ахсикент шаҳарларининг вориси сифатида таркиб топиб ривожланганлиги илмий ҳақиқатга яқиндир. Модомики шундай экан, Наманган тарихини ўша шаҳарлар тарихи билан боғлиқ равишда

ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бу масала эса тарихчи олимларнинг яқин келажақдаги муҳим вазифаларидан бири бўлиб, бу ишни ниҳоясига етказиш эса шарқшунослар, тилшунос, тарихчи, археолог, этнографлар ва бошқа мутахассислар билан ҳамкорликда ишлашни талаб этади.

Биз юқорида Наманганда туғилиб ёхуд турли даврларда яшаб ижод этган машҳур кишиларнинг ҳаёти билан ҳам қисқача танишиб ўтдик. Уларнинг ҳаёти ва илмий - адабий мероси эса, ўз навбатида, шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тарихини яратишда қимматли материал бўлиб хизмат қилади.

Ҳозир Наманган шаҳрида 24 та архитектура, 2 та археологик ва кўплаб санъат ёдгорлиқлари ҳамда муқаддас зиёратгоҳлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос тарих ва мазмунга эга. Бу ёдгорлиқлар ёшларни Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаларидан биридир.

Бугун биз барча йўқотилган қадриятларни, бой берилган маданий ва маънавий бойликларни қайтадан тўплаш, қадимий Наманган аъёнларини тиклаш, ўз миллий қиёфаси билан жаҳон халқлари сафида муносиб ўрин олишдек гоят мураккаб ва машаққатли вазифалар қаршисида турибмиз. Зиммамизда йиллар давомида йўл қўйилган хатоликлар ва келажак олдидаги қарздорликнинг улкан залворли юки бор. Бироқ буюк аждодларимиз қолдирган меросни қайта тиклаш, ўзлигимизни, инсоний ҳис-туйғуларимизни, шаънимиз ва ориятимизни ҳимоя қилишга, уни ҳамиша баланд тутишга имконият туғилганининг ўзи барча машаққатлардан кўра хузурбахшроқдир. Ана шу имкониятнинг ўзиёқ кишига беқиёс куч - ғайрат, қудрат ва журъат бахш этади.

Азиз китобхондан узримиз шуки, Наманган шаҳри тарихини ёзиш пайтида Фарғона водийси ва Наманган воҳаси тарихига боғлаб, имкон даражасида кенгроқ ёритишга ҳаракат қилиб, “Наманган шаҳар тарихидан лавҳалар” китобининг ҳажмини бироз кўпайтириб юбордик. Жонажон Ўзбекистонимиз харитасида ўзига хос жой олган Наманган тарихи атрофдаги воқеа ва ҳодисалар билан чамбарчас боғлиқ эканлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон тарихининг шаҳримиз тарихи билан уйқаш нуқталарини жонлантиришга ҳаракат қилинди. Бу эса тарихий жараёни яхшироқ тушунишга хизмат қилади, деган умиддамиз.

## НАМАНГАН ШАҲРИ ТАРИХИГА ОИД МУҲИМ САНАЛАР

- IX-X аср - археологик ашёвий далиллар Наманган шаҳри сой соҳилида қишлов (поселение) сифатида ҳам мавжуд бўлган дейиш учун асос бўла олади.
- X аср - тарихнавис олим Аҳмад бинни Саъдиддин Ўзгандий ўзининг “Тазкираи Бугрохоний” номли китобида ўзига “Намонгоний” тахаллусини олган.
- XV аср охири - Бобурнинг “Бобурнома” асарида Наманган тилга олинган.
- 1620 йил - Ахсикент зилзиласидан кейин аҳоли Наманган ҳудудига келиб жойлашди ва Наманган шаҳар мақомини олди.
- 1640 йил - Бобораҳим Машраб таваллуд топган.
- 1643 йил - Наманган номи вақф ҳужжатларида тилга олинган.
- 1650 йил - Энг қадимги меъморий ёдгорлик - Ҳазрати Лангар бобо мақбараси қурилган.
- 1668 йил - Мулла Бозор Охунд вафот этган.
- 1718 йил - Азизхўжа Эшон мақбараси ёнида “Хўжамнинг қabri” зиёратгоҳи қурилган.
- 1758-1759 йиллар - Наманган Андижон, Қўқон ва Марғилондан сўнг тўртинчи беклик деб кўрсатилган.
- 1819-1821 йиллар - Қўқон хони Умархон даврида Наманган ҳоқими бўлган Саидқулибек Наманган шаҳридаги Янгиариқ сув иншоотини ҳашар йўли билан барпо эттирган.
- 1819-1821 йиллар - Наманган шаҳри кенгайиб, унинг атрофида Галча, Хонобод каби қишлоқлар барпо бўлди.
- 1844 йил - Н. Намангоний таваллуд топган.
- 1862 - “Матбааи Исҳоқия” асосчиси Исҳоқхон тўра Ибрат туғилган.
- 1867 йил - Наманган Россия тобелигига ўтган.
- 1873 йил - Пўлатхон қўзғолони.
- 1875 йил август - Туркистон генерал-губернаторлигида Наманган бўлими ташкил этилди ва 1875 йил 30 октябрда генерал-майор Скобелев Наманган бўлими бошлиғи этиб тайинланди.
- 1876 йил - Наманган шаҳри икки қисмга - эски ва янги шаҳарга бўлинган янги қурилиш лойиҳаси тасдиқланди.
- 1877 йил - ака-ука Крафтлар томонидан илк пахта тозалаш заводи қурилди.
- 1878 йил - эски ҳарбий кўрғонни ўз ичига олган янги рус ҳарбий қалъаси (ҳозирги Бобур боғи ичида) қурилди.
- 1878 йил - рус академиги А. Ф. Миддендорф Наманганга келди.
- 1879 йил - биринчи икки синфли ўқув юрти очилди.

- 1882 йил - Наманганда илк босмахона ташкил этилган.
- 1884 йил - шарқшунос олим П. И. Веселовский Наманганда бўлди.
- 1884 йил - Наманган шаҳридаги ҳозирги Бобур номли истироҳат боғи ташкил топган ва шу йили расман очилган.
- 1885 йил - театр асосчиларидан Уста Рўзиматхон таваллуд топган.
- 1886 йил - Наманганда биринчи рус-тузем мактаби очилди.
- 1897 йил - янги усул мактаби очилди.
- 1891 йил - меъмор Лехонов лойиҳаси асосида “Хитой банки” барпо бўлди.
- 1893-1895 йиллар - меъмор Генцельман лойиҳаси асосида уезд бошқармаси биноси қурилди.
- 1895 йил - “Қизил Хоч” жамияти тузилиб, илк шифохона очилди.
- 1902 йил - Наманганга биринчи автомобиль келди.
- 1903 йил - биринчи кутубхона очилди.
- 1908 йил - “Кўқон-Наманган темир йўл жамияти” тузилди.
- 1908 йил - “Матбааи Исҳоқия” босмахонаси ўз фаолиятини бошлади.
- 1912 йил - Темир йўл ишга тушди.
- 1912 йил - Мулла Қирғиз мадрасаси қурилди.
- 1914 йил - Атоуллихон тўра масжиди қурилди.
- 1916 йил - “Қурашхона” қўзғолони.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Наманган воҳасининг қадимий шаҳарлари.....	5
Наманганнинг пайдо бўлиши масаласи ва унинг номи ҳақида.....	14
Қўқон хонлиги даврида Наманган.....	23
Кўҳна шаҳарнинг қадимги маъзелари.....	35
Чоризм ҳукмронлиги даврида Наманганнинг сиёсий ва иқтисодий аҳволи .....	44
Чоризм истибдодига қарши халқ ҳаракатлари .....	49
Маданий ҳаёт .....	57
Наманганлик машҳур кишилар .....	72
Наманган шаҳрининг муқаддас зиёратгоҳлари ва меъморий ёдгорликлари.....	87
Хулоса.....	107
Наманган шаҳри тарихига оид муҳим саналар .....	109



**И. ЮСУПОВ, Э. МИРЗАЛИЕВ**

**НАМАНГАН ШАҲРИ  
ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР**

**Муҳаррир: А. РАСУЛОВ.**

**Тех. муҳаррир: А. СОБИРОВ.**

**Мусахҳиҳ: Р. МАМАЖОНОВ.**

Теришга 7.08.2010да берилди. Босишга 15.09.2010да рухсат  
этилди. Бичими 60x84. Офсет қоғози. Ҳажми 7 босма табоқ.  
Адади 1670 нусха. 1201-буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Ибрат номли босмаҳона” МЧЖда  
(Наманган ш., Навоий кўчаси, 36) чоп этилди.



**Юсупов  
Иброҳимжон Юнусович**

1942 йил Тўрағон туманида туғилган. Тарих фанлари доктори, профессор. 1969-1972 йилларда Гвиня Республикасида, 1978-81 йилларда Мали Республикаси элчихонасида катта таржимон, Наманган Давлат педагогика институтида тарих кафедраси муdiri, тарих факультети декани, проректор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари, Наманган вилоят ҳокимлигининг ижтимоий мажмуи масалалари бўйича ҳоким ўринбосари лавозимларида сидқидилдан хизмат қилди. «Дустлик» ордени, «Ўзбекистон Мустақиллик белгиси» нишони, «Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги» нишони, «Халқ таълими аълочиси», «Тиббиёт аълочиси» кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фахрий ёрлиқлари билан таътирланган.

Ҳозирда Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи директори, НамДУ «Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори вазифаларида фаолият кўрсатмоқда.

6 та монография, 30 дан ортиқ илмий-услубий қўлланмалар ва 80 дан зиёд илмий мақолалар муаллифи.



**Мирзаалиев  
Эркин Юнусович**

1951 йили Чортоқ шаҳрида туғилган. Тарих фанлари номзоди, доцент. «Олий таълим фидойиси» кўкрак нишони, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг, Наманган шаҳар ҳокимлигининг «Фахрий ёрлиқ»лари билан тақдирланган. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган вилоят ижодкорларининг «Энг улуг, энг азиз» кўрик-танловининг совриндори. Наманган Давлат университетида «Умумий тарих» кафедраси доценти, «Ўзбекистон тарихи» кафедраси муdiri лавозимларида сидқидилдан меҳнат қилди. Ҳозирда вилоят ўлкани ўрганиш музейида илмий ишлар бўйича кўрақ топ ўринбосари.

Узоқ йиллардан ўён Наманган тарихини ёритиш борасида изланишлар олиб боради. 20 дан ортиқ китоб, рисола, илмий-услубий қўлланмалар ва 70 дан зиёд мақолалар муаллифи.